



У. НОРМАТОВ



Адабий ўйлар

У. НОРМАТОВ

*талант
тарбияси*

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти
Тошкент—1980

КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлилар билан ишлаш тўғрисида» ги қарорида ижодкор ёшиларга профессионал ва гоявий тарбия бериш, уларнинг профессионал маҳоратни чуқур ўзлаштириб олиши, Ватанимиз ва жаҳон маданийти тажрибасини ўрганиши учун зарур чоралар кўриш масаласига бутун жамоатчилик эътибори жалб этилди.

Танқидчи Умарали Норматовнинг «Талант тарбияси» китоби партия қўйған шу улкан вазифани амалга ошириш йўлидаги кичик бир тажрибадир. «Талант тарбияси» ҳозирча бизда нашр этилган бадний маҳоратга онд китобларнинг ҳеч бирига ўхшамайди; унда танқидчи ижод, маҳорат сирлари ҳақида бевосита ижодкорларнинг ўзлари — турли авлодга мансуб ёзувчилар билан баҳс — суҳбат олиб боради, шу йўл билан адилларнинг «дахлсиз» дунёсига — ижод лабораториясига кириб боради, уларнинг тажрибаларини умумлаштиради, улардан ёш ижодкорлар учун ибратли сабоқ-хуносалар чиқаради; айни пайдада китобда ёши истеъдодлар тарбияси, ижоди, умуман ҳозирги адабий жараён билан боғлиқ мухим масалалар ёритилади.

Н 70200—52
Н 356 (04)—80 72—80 4603000000

©«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ, 1989

ТАЛАНТ ТАРБИЯСИ

(Шоир Эркин Воҳидов билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. КПСС XXV съездида: «Чинакам талант кам учрайди. Адабиёт ва санъатнинг талантли асарлари миллий бойлиқдир»,— дейилди; ёш авлоднинг миллий адабий бойликлар яратишдаги ролига катта баҳо берилди; Л. И. Брежневнинг съезддаги Ҳисобот докладида: «Ижодкор зиёлиларимизнинг ёш авлоди ҳаёт кучогига тобора дадил кириб келаётганидан хурсандмиз»,— деган сўзлар бор. Ёш талантлар тарбияси ҳақида катта ғамхўрлик қилингани. Хусусан, КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида»ги қарори бу масалага бутун жамоатчилик эътиборини жалб этди.

Ҳаммага аёнки, бадиий талант туфма бўлади, агар одамда бадиий ижодкорлик хислатлари бўлмаса, уни тарбия, ўқитиш йўли билан ҳосил этиш асло мумкин эмас. Бироқ шу туфма талантнинг, кишидаги истеъодод қирраларининг очилишида теварак-атрофдагиларнинг, муҳит, шароитнинг роли жуда катта. Партия масаланинг худди шу томонига жамоатчилик эътиборини тортаётганини тасодифий эмас. Адабий талант тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг барчаси узил-кесил ҳал этилган деб бўлмайди. Айтайлик, боладаги ашулачилик қобилиятини аниқлаш нисбатан осон, унинг овози бор ёки йўқлигини кўпчилик ажрата олади. Телевизорда ўтказилган «Куйлаинг, ёш хонандалар!» конкурсида ёшлар-

Нинг йўжрочилик қобйлиятини баҳолаш тингловчилар оммаси ихтиёрига ҳавола этилди ва табиийки, кўпчилик баҳо беришда янглишмади. Сўз санъатига лаёқатничи? Унга оммавий тарзда объектив баҳо бериш мушкул. Мактаблардаги адабиёт ўқитувчилари орасида ҳам истеъдодга тўғри баҳо бера оладиганлар сийрак учрайди. Хўш, амалда бу иш билан ким шугулланяпти?

Менимча, шу мураккаблик туфайли баъзан бу борада чинакам истеъдодлар очилмай қолиб кетади, баъзан эса, бошда тўғри раҳнамо бўлмаслиги туфайли киши узоқ вақт ўз йўлини тополмай довдираб юради, ачинарли жойи шундаки, айримлар шунчаки бир ҳавас билан адашиб адабиёт даргоҳига кириб қолади-ю, бир умр унда «ўртача» ёки «ёш ижодкор» бўлиб қолаверади. Бу ҳол адабиётнинг сифати соҳасига ҳам салбий таъсир кўрсатади, ўртамиёна асарларнинг кўплаб пайдо бўлишига замин ҳозирлайди...

ШОИР. Фузулийда шундай бир мисра бор: «Навбахор ўлгач тикандин барги гул изҳор ўлур». Давримиз шундай даврки, ҳар бир ёш қўлига соз олгиси, қалам тебратгиси келади. Партиямиз, халқимиз эса ҳар бир яхши иштли қалб эгасини ардоқлайди, меҳрибоилик кўрсатади. Бу айтмаса ҳам ҳамма биладиган ҳақиқат.

Энди гап ўша соз ёки қалам тутгувчининг иқтидорию лаёқатида.

Эсимда бор: эски маҳалламиизда каттакоп бир туп тут бўлар эди. Биздан бир-икки ёши каттароқ Fanii деган бола ҳар куни эрталаб ўша тут устига чиқиб ашула айтарди. Аслида унинг айтадигани ашула ҳам эмас, гайритабиний бир қийқириқ, томогига дои тиқилган хўрзанинг қичқириғига ўхшаган бир парса эди. Овози янги раста бўлган бу ўспирининг «нола»си кўпчилик-нинг ғашига тегса ҳам, қизиги, ҳеч ким: «Ҳе, бас қил, ўчир овозининг!»— демас эди. Аксинча, ўтган-кетган: «Яшанг, ҳофиз! Жуфт бўлсин!»— деб қўйишарди. Унга сари ҳалиги бола ашулани баландроқ пардаларга кў-

таар, овози бамисоли ойнада тирноқ юргандек ғийқиллаб жонга тегар эди.

Ғанивойга ҳамма эҳтиром билан «Дўст!» дейишига бир сабаб бор эди. Уша сабаб бўлмаса-ку, маҳалламиздаги чапани йигитлар унинг овозини ўчириб қўйишишар эди. Сабаб шуки, Ғанивой маҳалламиздаги эътиборли бир одамнинг ўғли эди. Бунинг устига у чиқиб ашула айтадиган тут жуда баланд, ундан бутун маҳалла кўришар эди. Ғанивой кимнинг ҳовлисида нимагап бўляпти, ҳаммасини кўриб туар, ҳамманинг сиридан воқиф эди. «Дўст, яшанг!» демай кўриниг-чи, бирор сирингизни ашулага қўшиб айтиб юборса — қип-қизил шармандалик-да. Яна бунинг устига Ғанивой ҳар гал ашула айтгани тутга чиқсанда қўйинни кесак билан тўлдириб чиқар эди. Қургур ўзи ҳам ёмон мерган эди-да. Не-не шляпаларни учирмагац, не-не саллаларничуватмаган.

Хуллас, ана шу юқорида зикир этилган сабабларга кўра Ғанивойга ҳамма «балли» деган, ҳатто: «Энди, ҳали ёш-да, тағинам овози очилмагац, худо ҳоҳласа, Шаляпин ўзимизнинг маҳалладан чиқади», деб ҳам айтишган. Лекин ундан Шаляпин тугул ўзимизнинг баъзи ҳофизлар қатори ҳам ашулачи чиқмади.

Нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, ашулачининг ҳам, шопрининг ҳам, умуман, санъаткорининг катта-кичиги, ёш-қариси бўлмайди. Ёш талант улғайиб катта талант бўлади, ёш қофиябоз улғайиб катта қофиябоз бўлади. Ҳамма гап уларни ёшлигида фарқлай олиш, талантни тарбиялаш, қофиябозга, «қўй, акаси, одамларнинг гашинга тегяпсан», деб айта олишда. Бу гапни айта оладиган одамнинг уйнада чўчийдиган сири, бошида омонат шляпаси бўлмаслиги керак. Бундай одам — тақиқидчи.

ТАНҚИДЧИ. Сиз-ку болалик хотираларинизни эслаяпениз. Яқинда ҳузуримга республикамизининг олис бир районидан қалини папка қўлтиқлаган йигит келиб, асари ҳақида маслаҳат беришимни илтимос қилди. Бу

ўртоқ каттагина ҳаётий тажрибага эга, олий ўкув юртини тугатган, ўрта мактабда жамиятшуносликдан дарс берган, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, кўл асар ўқиган, суҳбатда маълум бўлишича, адабиётга ҳавас қўйиб, кўпдан бери қалам тебратади. Бадинй ижод билан астойдил шуғулланиш ниятида у мактабдаги ишни ҳам ташлабди, мана энди кечаю кундуз тинмай ёзар экан, ҳозирга қадар бир неча романни таҳт қилиб қўйибди. Қўллэзмаларини адабиётдан хабардор жўраларига кўрсатган, барчаси унга, кўнгил учун бўлса керак, далда беришаверган. Лекин унинг кўп йиллик заҳматлари рўёбга чиққани йўқ, маъшқларидан бирор сатри ҳам дунё юзини кўрган эмас. Унинг етти қиссадан иборат «романи» билан танишиб чиқдим. Йигитнинг шунчаки кўрган-кечирганларидан иборат бу нарса бадиняйтдан ниҳоятда йироқ эди. Мен унга ётиғи билан бор гапни айтдим, «асар»нинг икки-уч саҳифасини ўқиб, унинг нуқсонларини тушунтирган бўлдим. Катта умид билан келган йигитни ўкситиб қўймадиммикан, деган хижолатда эдим, аксинча у қувонч тўла кўзлари билан менга юракдан «раҳмат» деди. Ҳозиргача ҳеч ким ҳақиқатни дангал айтмаганидан афсусланди. Қишлоғига борибоқ ишга қайтишга, бўш вақтлари кичик жанрларда машқ қилиб кўришга ваъда қилди. Орадан бир ой ўтиб ҳикоя юборибди. Буниси аинча дуруст, лекин ҳозирча матбуотга тавсия этиш учун эрта. Мен шу ҳақда ёзиб юборган эдим, яна жавоб келди, қизиғи шундаки, бу сафар у асар юбормабди, ҳикоя устида ишлатётганлигини айтибди, энг муҳими: «Аввал менга асар ёзиш жуда осон туюлар эди, ижоднинг бу қадар мушкул эканлигини энди билляпман»,— дебди.

ШОИР. Яхшиямки, кечикиброқ бўлса ҳам ҳақ гап айтилибди, айтилмаганда, эҳтимол, бу аянчли саргузашт умр бўйи давом этармиди... Улуғлардан кимдир айтган экан, «талантли одамларни суюш керак, талантсиз бунга муҳтоҷ эмас, у ўзига йўлни топиб ола-

ди». Шу нуқтаси назардан қарасак ҳам ёш талантлар ёрдамга муҳтоҷ. Сиз ҳақсиз, адабий талант тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг барчаси узил-кесил ҳал этилган, деб бўлмайди. Мен бу ҳақда республика ёзувчиларининг сўнгги съездидаги ҳам гапирган эдим. Такрор бўлса ҳам айтаман. Музикага-ку болани мурғак ёшидан ўргатадилар, саккиз яшарини ҳам кечикибди, дейдилар. Нега энди шоир тарбиясини газетага шеър олиб боргандага бошлаш керак? Навоийниг, Пушкин ва Лермонтовларнинг болалигини эсланг. Улар мурғак ёшдан адабий муҳит ичидаги бўлганилар. Қайси улуғ шоирнинг ҳаёт йўлига назар солманг, жуда ёшлигидан шеър ёзган, жуда ёшлигидан катта шоирларнинг назарига тушган.

Тарихии варакатлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Устоз Файратий озгинча муддат раҳбарлик килган «ёш қаламкани»лар тўгарагидан Хайриддин, Юсуф, Тўлқин, Анвар Эшонов, Аивар Истроилов, Сайёр, қолаверса мен каби бир қатор шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди. Биз тўгаракка борганимизда олтинчи-еттинчи синф ўқувчилари эдик. Билимдон устоз йўл-йўриқлари билан ўша вақтларда қилган машқларимиз маҳорат йўлидаги илк қадамлар бўлди.

Боланинг биринчи қадамини назорат қилиш керак. Оёқни қийшиқ босиг'ига ўргангандан кейин уни тўғрилаш қийин бўлади.

Хозир мактаблар, пионер саройлари қошида юзлаб, минглаб адабий тўгараклар бор. Уларнииг қайси бирига атокли шоир раҳнамолик қиляпти?

ТАНҚИДЧИ. Баҳсимииз талант тарбияси устида кетаётгани экан, бир оз чекиниш қилиб, талант табнати, бадиий талантнинг энг сеҳрли нуқтаси саналмиш илҳом онлари хусусида. Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим. Бир қатор ёзувчи-ижодкорлар билан суҳбатлашганда шунга иқрор бўлдимки, адилларининг аксарияти бадиий ижодда ихтиёrsиз ҳолатларнинг, интуициянинг

ролини алоҳида бўрттириб кўрсатадилар; бадний ижод сирли, сеҳрли жараён, буни ҳеч ким инкор этолмайди; лекин мен бадний ижод бошдан-оёқ стихияли эканига унчалик ишонмайман, ижодда беихтиёр туғиладиган илҳомнинг, интуициянинг ролини инкор этиб бўлмайди. Айни пайтда ижод онгли жараён. Шунга кўра ёзувчи — шоир учун бадний ижоднинг қонуниятларини, маҳорат сирларини, ўзгалар тажрибасини пухта билиш фақат фойда келтиради. Ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги улкан ижодкорларнинг тажрибаси буни тўла тасдиқлайди.

ШОИР. Мен илҳом деб аталган ҳолатнинг табиати ҳақида кўп ўйлаганман. Бу ғайриоддий ноёб ҳолат. Шоир илҳом дақиқаларида гина ҳақиқий шоир бўлади. Бошқа вақтда у ўзгаларга ўхшаб фикр қилувчи оддий одам. Шоир илҳом онларида битган сатрларига кейин ўзи ҳайрон бўлиши мумкин.

Зўр карвои йўлида етим бўтадек
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш.

Бу сатрларни битган вақтдаFaфур Fуломининг вужуди кафтдаги симобдек қалқиб турганини тасаввур қиласа бўлади. Бунаقا шеърларни шунчаки ўлтириб, мана энди шеър ёзаман, деб ёзиб бўлмайди. Ҳар қанча материалист бўлсам ҳам илҳом ҳолатнинг сеҳрли эканига ишонгим келади. Лекин бу ҳолат осмонга боқиб кутиб ўлтириш билан келмайди. «Фауст»да айтилганидек:

Шеърий кайфиятни тек кутган шоир
Умр сўнгигача кутиши мумкин.

Илҳом узлуксиз изланиш, ўқиш, ўрганиш, меҳнат қилиш натижасидир. Шу маънода у онгли жараён. Талантнинг тўқсон тўққиз қисми меҳнат деган сўзи мен шундай тушунаман. Илҳом туйғуларнинг шоир

қалбидан тошиши, шоир хаёлида туғилган шеърий инятнинг етилиши ва вужудни ларзага солишидир. Фикр ва туйғулар эса изланишдан дунёга келади.

Илҳомсиз ҳам асар ёзиш мумкинми? Мумкин. Лекин бу жуда оғир меҳнат — ёзиш ҳам, ўқиз ҳам. Илҳомсиз ёзилган асар севгисиз олинган бўсадай совуқ бўлади.

ТАНҚИДЧИ. Мен шундай ёзувчиларни биламанки, улар чиндан ҳам ноёб истеъдод эгаси, афсуски уларда профессионал билим, донишмандлик етишмайди. Агар ўша ноёб истеъдодга юксак профессионаллик, билимдоилик қўшилса борми, у яратган асар қанақа юксакликка кўтарилиши мумкин эди!

ШОЙР. Ёзувчи бўлиш учун жуда кўп, беқиёс кўп хислатлар бир шахсда мужассам бўлмоғи керак. Истеъдод, билим, меҳнатсеварлик, замон ва макон туйғуси, закийлик, қатъият, руҳан ва жисман поклик,adolat туйғуси, курашчанлик, фидойиллик, ҳайратланиш ва ёна билиш қобилияти ва ўнлаб бошқа фазилатлар... Шунинг учун ҳам ҳақиқий ёзувчи ҳамма замонларда кам бўлган, шундай маъмур юртда ҳам жуда кам.

Профессионал билимдоилик эса ана шу фазилатларининг бири бўлиши керак. Фақат бири. Бари бир истеъдод бирламчи, қолган ҳамма фазилатлар, шу жумладан профессионал билимдоилик ҳам, иккиламчи.

Профессионал билимдоиликни иккиламчи деганим — уни иккичи даражали нарса деганим эмас. Адабиётда жинидай қаламини синагаи, бир-икки асарини китобхонга маъқул қилигаи ҳар бир шахс ўзига савол берниши керак: «Адабиёт менга ҳунарми ёки ҳаваскорликми?» Шу масалани узил-кесил ҳал қилиб олмагунича у ҳаваскор бўлиб қолаверади. Бундай одам адабиётга астайдил кирмайди, чиқиб ҳам кетмайди. Мен адабиётда ҳаваскорлик эмас, профессионаллик тарафдориман. Адабиёт ёзувчининг эрмаги эмас, ҳунари, яшаш тарзи, оши ҳалоли бўлса дейман. Чунки адабиётнинг оммавий-лигини оммавий ёзувчилик деб тушунмаслик зарур.

ТАНҚИДЧИ. Тұғри, истеъдодсиз киши сўз санъатининг қонуниятларини қанчалик чуқур билгани билан ҳеч иарсага эриша олмайды. Биз адабиётшунос-танқидчилар буни эътироф этамиз-у, лекин профессионал билимдонник туфайли талантли ёзувчи нималарга эришганини етарли равишда кўрсатиб бермаётимиз. Марказий Қомитет қарорида ўшларга профессионал тарбия бериш, уларнинг профессионал маҳоратни, Ватанимиз ва жаҳон маданияти тажрибасини ўзлаштириши учун зарур чоралар кўриш лозимлиги таъкидланади. Шу мақсадда 30-йилларда машҳур бўлган «Литературная учёба» журналини яна чиқара бошлишни мақсадга мувофиқ деб топилди.

ШОИР. Бу ўз вақтида айтилган зарур гап, ишоятда муҳим тадбир... Ўз-ўзини танқид яхши хислат. Танқиднинг «етарли равишда кўрсатиб бермаётган» ишлари анчагина бор. Танқидчиларимиз машҳур лупаларини йўқотиб қўйганга ўхшайдилар. Бадий асарни сўзмасўз, жумлама-жумла таҳлил қилиш, шонр ёки ёзувчининг заргарлик хислатини ўрганиш ва назорат қилиш этишмаяпти.

ТАНҚИДЧИ. Бир вақтлар адабий асарни форма томонидан текширишни биринчи планга қўйни ҳоллари бўлғаи, бу ҳақли равишда қораланган. Кейинги пайтларда сўз санъатини комплекс тарзда — ҳам шакл, ҳам мазмун компонентларини бир бутун ҳолда текшириш одат тусига кира бошлади. Бироқ бу ҳол шакл масалаларини мазмундан, асар контекстидан ажратмаган ҳолда алоҳида текширишга монелик қилмаслиги керак. Қаранг, ҳозирги шеърнитимиз ҳақида кўплаб мақолалар чиқяпти, лекин шеърнитининг шаклий томонлари ҳақида бирорта ҳам махсус жиддий мақолани кўрганимиз йўқ. Шеърнинг ички тўқимаси, тузилиши, ҳиссий оҳанги, ритми, қофияланиш тартиби, шеърда маъно ва мантиқ йўналиши, бир сўз билан айтганда, шеърий асар поэтикаси, ундаги мутаносиблик қонуния-

ти конкрет равиша таҳлил этилмаяпти. Шуниси ачи-нарлики, энг яхши шеърий асарларимизда ҳам поэтик яхлитлик, мутаносиблик жиҳатидан қандайдир қусур топилади. Бу ҳолатни кўпинча биз «одатдаги қолилардан, схемалардан қочиш» деб талқин этамиз. Эҳти-мол, меъдага теккан, оригиналликка, новаторликка, ҳа-ётнийликка монелик қиласидан схемалардан қочиш та-биидир. Аммо ана шу шиор остида мутаносиблик қону-ниятларидан чекиниш бадиийликдан чекиниш демак-дир. Чунки табиатнинг, ҳаётнинг ўзи ақл бовар қилмас даражада мутаносиблик қонунияти асосига қурилган. Табиатнинг ажойиб мўъжизаси саналмиш сўз санъати эса бу қонуниятдан четда туролмайди.

ШОИР. Биз бадиий адабиётни сўз санъати деймиз. Улуғ ёзувчиларимизнинг, шоирларимизнинг сатрлари-дан санъат намунаси сифатида баҳра оламиз. Лекин ҳозирги замон асарларини шу жиҳатдан кам ўрганамиз, кам кузатамиз. Ҳаттоқи бунга иккинчи даражали маса-ла деб қараймиз. Натижада кўпгина ёш шоир ва ёзув-чиларда, яшириб нима қиласиз, катталарда ҳам ўзига талабчаник туйфуси камайиб кетяпти. Газета ва жур-налларда босилётган, китоб бўлиб чиқаётган шеърий оқимда хотирда қоладиган, биз билан яшайдиган мис-ралар кам кўриняпти.

Гап яна айланиб аввалги масалага — талантни ёш-ликдан тарбиялаш, ёшликтан заргарликка ўргатиш, қунт ва чидамни сингдириш масаласига қайташти. Мен вазифа тақозоси билан ҳам кўп шеърий китоб қўллэзма-ларини қўраман, кўп ёш шоирлар билан суҳбатлаша-ман. Булар орасида шубҳасиз талант эгаси бўлганлари ҳам талайгина. Лекин бу талант эгаларининг орасида шеър техникасининг ибтидоий талабларига ҳам риоя қўлмайдиганлар бор. Шеърда ҳаяжон бор, шавқ бор, лекин шеърий маданият йўқ. Шоир шеърни бир масала билан бошлаб, тамоман бошқа масала билан тугатади, сўзларни ўзи тушунган маънода, ўзига мақбул бўлган

инверсияларда, ўзи тасаввур қилган уйғулилк қондаси асосида ишлата беради. «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар»,— деб шуни айтсалар керак.

Мен бир нарсага ажабланаман: рассомлик мактаби бор, музыка мактаби бор, раққосалик, киночилик, актёрлик —хуллас ҳамма санъат турларининг мактаби ва олий ўқув юрти бор. Нега энди шоирликнинг, ёзувчиликнинг мактаби йўқ? Биргина Москвадаги Горький иомли адабиёт институтидан ўзга ёзувчига профессионал билим берувчи мўътабар даргоҳ борми? Бундай даргоҳ республика адабиёт институти бўлиши керак. Бу мўътабар даргоҳ талантлари адабиёт тўгаракларнида бошланғич маълумот олишлари, профессионал ёзувчилар назорати остида таҳсил кўришлари лозим. Бу бўлиши керак бўлган, вақти билан бўладиган иш. Ҳозирча бу вазифани танқидчилар «бажариб туришига» тўғри келади. Ёш ёзувчини «суяги қотмасдан» бадини мантиққа, ички мусиқа туйғусига, ритм ва қофия санъатига ва бошқа битмас-тугамас бадинийлик қонунларига ўргатмоқ танқидчиликнинг вазифасига киради.

ТАНҚИДЧИ. Мана энди суҳбатимиз энг қалтис ва мураккаб муаммога келиб тақаляпти. Сўз ўзгалар тажрибасини ўрганиш, адабий ворислик, анъаналарга муносабат устида бораётир. Сизнинг традицион жанр — аруздаги асарларингиz теварагида қизгин баҳслар бўлди. Баҳслар ҳамон давом этяпти. Шунга қарамай, Сиз арузда ижод этишини тўхтатганингиз йўқ. Айни пайтда, Сиз классик ғазалиёт билан жиддий шуғулланастирисиз — телевидениедаги «Ғазал оқшоми»ни бошқариб бораётирисиз. Сиздаги ғазалга шайдоликнинг боинин билсак бўладими?

ШОЙР. Мен ғазалга мурожаат қилиб кўп мақтов ҳам эшитдим, «калтак» ҳам едим. Мақташ кимга ёқмайдиу калтакланиш кимга алам қилмайди? «Ёшлик девони» баҳона бўлиб аруз вазни, ғазалчилик атрофида кўп ширин-шакар ва аччиқ-чучук гаплар бўлди. Мен

бу гапларга аралашмадим. Сабаб: биринчидан, мен «манфаатдор шахс» сифатида бу масалага объектив муносабат билдиrolmas эдим, иккинчидан, арузни ижод билан ҳимоя қилолмаган одам уни сўз билан ҳимоя қилолмаслигини билардим, уччинчидан, аруз вазни томонида туриб, уни ҳимоя қилишга ўзимда маънавий хуқуқ сезмадим. Баҳс қизиган пайтда энг зўр ва ҳақ гапни Жамол Қамол айтди: «Арузда яхши шеър ёзмаган бўлса Эркин Воҳидов айбдор,— аруз эмас!» Адолатли гап. Шонирдан вазни ҳимоя қилиш керак!

Энді ўша савол; нега мен арузга қўл урдим?

Инқиlob йиллари солонлар шеърларига қарши, танланган, олий табақа учун ёзилган шеъриятга қарши ишчи-деңқон шеърияти, саводсиз ва чаласавод халқ оммасы учун битилган содда, тушунарли шеърият — Демян Бедний, Ҳамза, Айнийларниң шеърияти вужудга келди ва миллионларни адабиёт майдонига, маданиятта тортди. Уша улуғ ишнинг натижасини бугун кўриб турибмиз: «Ҳой-ҳой отамиз, тошни кесар болтамиз»ни ўқиб шеърият билан танишган халқ бугун Навоий ва Бедилни шарҳ қиласидиган, «Фауст» ва «Илоҳий комедия»ларни ёд биладиган даражага етди. Бугун содда, жўн шеъриятга эмас, юксак ҳислар, нозик санъатлар, «тагдор» мисралар билан тўлган шеъриятга талаб пайдо бўлди.

Солишиңиң:

Кирқ центнердан олдинг

жар гектар ердан,

Юртимиз миннатдор

сөндек мард эрдан.

Машинисты котельных № 2 и № 3

(Номағлым шоур)

Мени мен истаган ўз сұхбатида

аржуманд этмас,

Менің көстар кишилінг сұхбатин

Күнглим писанд этмас.

(Навоий)

Бу икки мисра ўша гектаридан қирқ центнерданд ҳосил күттарған мардга ўқылса, аминманки, унга кейин-

тиси маъқул бўлади. Чунки кейинги мисраларда чина-кам бадиият бор, инсон қалбининг ҳолати бор. Уни ўқигандага ҳар ким ундан ўз ҳолатига мос туйғу топади.

Юқоридаги мисол аruz билан бармоқни эмас, бадиийликни солиштириш учун келтирилди. Арузда ҳам жуда жўн, бармоқда ҳам жуда юксак шеърлар яратиш мумкин. Бунга мисоллар кўп.

ТАНҚИДЧИ. Бир вақтлар «садда», «равон», «тушунарли» деган тушунчалар бадиийликнинг муҳим шарти саналар эди. Эндиликда «мураккаблик» ҳам бадиийликнинг муҳим фазилатларидан бири бўлиб бормоқда. Демак, Сизнингча, арузга мойиллик шеъриятимиздаги шу тенденциянинг бир кўрининши экан-да.

ШОИР. Мен арузга мурожаат қилганда бир неча мақсадни кўзда тутган эдим.

Биринчидан, ўзимни янгилаш, одатий фикрлаш услубидан, одатий вазн ва қофиялардан узоқлашиш.

Иккинчидан, классик шеърият мактабини ўрганиш, шеърга қуюқ раиглар бериш, образли фикрлаш, санжоб мисралар тузиш санъатига яқинлашиш.

Учинчидан, шеъриятдаги буюк соддалик йўлида шоир дастлаб оддийликдан мураккабликка қараб юради. Мақсадим — шу босқичга қадам қўйиш ҳам эди.

Тўртинчидан, ҳозирги ёшлар классик шеъриятимиздан бир оз узоқлашиб қолдилар. Навоий, Бобир, Оғажийларнинг фақат номини биладиган ёшлар кам эмас. Маданий мерос эса катта бойлигимиз. Бу бойликини ташлаб юборишга ҳаққимиз йўқ. Фақат мерос бўлгани, асрлар давомида яратилгани учунгина эмас — бугуиги фозил инсонга хизмат қилиши мумкин бўлгани учун. Арава юз йиллар хизмат қилган... лекин аруз арава эмас.

Халқининг дидига ишонишимииз керак. Газал халққа манзур бўляпти. Албатта, яхшиси. «Газал оқшоми» телекўрсатувига келаётган сон-саноқсиз хатлар буни тасдиқлаб турибди.

Бу гаплардан мен, арузни етакчи вазн даражасига етказиш керак, демоқчи эмасман. Үзим ҳам фақатгина ғазал ёзаётганим йўқ. «Бу ҳам керак» деган сўз бизга етарли. Ортиқчасига даъво қилмаймиз.

ТАНҚИДЧИ. Сизнинг ана шу эзгу ниятларингиз ўз самарасини берди. «Ёшлик девони» туфайли аруз яна одамларниң оғзига тушди, элнинг кўнглидан жой олди, ёшлар эса арузниң нима эканлигини англай бошлади. «Ёшлик девони» гўё арузниң янги ҳаёти бошланаётганингидан бир далолат. Шундай бўлса-да, бу жанрнинг ҳозирги ривожи билан боғлиқ айrim муаммолар ҳали узил-кесил бартараф этилган деб бўлмайди. Сўз санъатида прогресс ҳодисаси бор. Вақтлар ўтиши билан бъзи адабий шакллар ўз умрини тугатади ёки иккинчи планга ўтиб қолади. Октябрдан кейин қадимги классик достончилик анъанаси айтарли кўринмади, газал, маснавий, рубоий эса, стакчилик даъво қилмаса-да, умр кечириб келяпти.

ШОИР. Нимаики яшаётгани экан, демак, у керак; демак, у хизмат қилияпти. Сиз айтмоқчи «умр кечириб келаётгани» йўқ. Ҳамма гап истеъдодда. Истеъдод нафаси бор жойда ҳаёт бор.

ТАНҚИДЧИ. Ижодкор жанр шакли орқали фикрлайди. Қадимги ғазал шакли Сизга буғунги кишиларимизниң кайфиятини реал ифода этишга, буғунги кишилар тилидан гапиришга мөнелик қилган томонларини ҳеч ҳис этганимисиз?

ШОИР. Бу саволингизга бир ғазал билан жавоб бераман:

Фурсатнинг етмайди доим,
Хеч қачон етган эмас.
Меҳнатнинг битмайди доим,
Хеч қачон битган эмас.
Чин замонидек бепойидир
Кўксинг ичра орзу,
Фурсату орзуни қувлаб
Хеч киши етган эмас.

Интилар борлиқни инсон
Баркамол этмоқ учун,
Не ажаб, инсонни борлиқ
Баркамол этган эмас.
Менда на борлиқ хаёли,
Менда на йўқликка ғам,
Манглайимга чунки шеърдан
Узга зар битган эмас.
Вақт келур, меҳнат битар,
Бўлгуси фурсат бемалол,
Чунки у дунёга ҳеч ким
Иш олиб кетган эмас.

Бу газал бугунги кишиларнинг кайфиятини ифода қиладими? Ҳозирги тилда ёзилганми? Ғазалда айтилган фикрларга қўшилиш ё қўшилмаслик — иккинчи масала.

ТАНҚИДЧИ. Яшириб шима қиласиз, шу газалдаги фикрлаш тарзигизда ҳам аиъанавийлик устурироқ...

Сизнинг газалларингизни бармоқдаги шеърларнингиз билан қиёс қилгандаги ғалати бир ҳодисага дуч келганиман: газалларда традицион образлар кўп, шеърий нутқ ҳам, ундаги фикр ҳам бир оз китобийроқ; айтайлик, «келади» ўринига атайи «келур», «бўлади» ўринига «бўлур», «билаи» ўринига «бирлан» дейсиз. Бармоқдаги шеърларингизда, масалан, «Ҳозирги ёшлилар»да бирорта ҳам бунақа традицион образ, китобийлик йўқ, ҳаммаси бошдан-оёқ ҳаётӣ, табиий.

Ёки:

Сенга баҳтдин таҳт тиларман,
толедин бошинингга тож.
Мулки ҳусниннга омонлик,
тожи таҳтиннга ривож...

деб бошланадиган ғазалиц эслайлик. Илк мисралардаёқ бугунги одамлар тилида, муомалада учрамайдиган традицион образлар қалашиб келади. Мен амимманки, шу фикр, шу туйгу бармоқ ёки сарбаст шаклига

солинса тамомила бошқача, ҳаёттироқ, табинириоқ образлар қалашиб келгани бўларди...

Шу ҳам маълум даражада арузининг чекланганилигини тасдиқламасмикан?

ШОИР. Йўқ, бу «чекланганилик» аломати эмас; буни ўзига хослик белгиси дейилса тўғрироқ бўлар. Адабиётшунослик шеърий нутқининг жўн, оғзаки нутқдан фарқ қилишини (вазндан қатъи назар) эътироф этади. Шунинг учун ҳам Faфур Fулом «Менинг оғам рус бўйлур» дейиди. Бу шеър бармоқда ёзилган. «Билан» ўрнига «бирла», «бориб» ўрнига «борароқ» ва жуда кўп келишик қўшимчаларининг қисқартирилган формаси бармоқда ҳам, арузда ҳам ишлатиб келинади. Бу бир. Иккинчидан, ҳар бир адабий жанрининг ўз хусусияти бўлганидек, ҳар бир вазнининг ҳам ўз табнати, баён усули бор.

ТАНҚИДЧИ. Шеърий нутқининг оғзаки нутқдан фарқ қилиши табини ҳодиса. Бироқ арузининг бармоққа, сарбаст шаклига кўра безакдорликка мойиллиги ҳам рад этиб бўлмайдиган факт. Сиз айтган арузининг ўша «ўз табнати, баён усули» ҳам сўзларга, жонли сўзлашув нормаларига кўпроқ ўзгартириш киритишини тақозо этади.

ШОИР. Биз реалистлармиз, бироқ романтик кайфият реалистлар учун ёт эмас. Аруз, хусусан газал шахсан менга романтик кайфиятларни ифода этиш учун жуда қулай восита. Романтик кайфиятлар пайтида, табиники, киши жинидай заминдан юқорироқ кўтарилади, образли қилиб сўзлашга, баландроқ пардаларда куйлашга мойилроқ бўлади. Эҳтимол, газалда кўтариники, традицион образларининг ўз-ўзидан қаланиб келиши шундандир. Бадиий фикр ўзининг шакли билан тугилади. Боя сиз тилга олган газалдаги поэтик фикрини, кайфиятни мен бармоқда ёки сарбастда беролмас, «ҳаёттироқ», «табинириоқ» образлар билан ифодалай олмас эдим.

ТАНҚИДЧИ. Шеъриятимизнинг яқин кечмишида характерли ҳодисани кузатиш мумкин. Ойбек билан М. Шайхзода классик шеъриятимизни жуда чуқур билганилар, умр бўйи уни тадқиқ ва тарғиб этганлар. М. Шайхзоданинг Навоий поэтикасига доир кузатилари адабий жамоатчиликка маълум. Лекин Ойбек ва М. Шайхзодалар шеъриятида классик адабнёт анъаналаридан кўра рус ва жаҳон реалистик поэзияси тажрибаларига мойиллик кучлироқ. Классик шеър санъаттини жуда пухта билган, нозик ҳис этган М. Шайхзода ижодида айтарли бу хилсанъатлар учрамайди, учраганда ҳам тамомила бошқача реалистик асосдга қайта ишланган ҳолда намоён бўлади. Бундай хусусият F. Гулом шеърларида яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташланади. Сизнинг бармоқдаги асарларигизда ҳам шундай. Бундан чиқадиган ҳулоса шуки, аruz классик шеъриятининг поэтик анъаналарини бевосита давом эттиришга ундаса, бармоқ ва сарбаст уларни ижодий, реалистик асосда қайта ўзлаштиришга йўл очади...

ШОИР. Ижодий ўрганиш, анъаналарни давом эттириш хилма-хил кўринишда содир бўлади, уларни бир қолинга солиш мумкин эмас. «Ёшлар ҳақида ўйлар» мақоланингизда ўзинги ҳам шу хусусда гапиргансиз. Мен гарчи бу ерда «аруз ҳимоячиси» сифатида кўрниаётган бўлсан ҳам, аслида шеъриятда хилма-хиллик, услубий ранг-баранглик тарафдориман, қаламкаш дўстларимнинг, ёшларнинг ижодий, услубий изланишларини, янги тажрибаларини синчиклаб кузатиб бораман.

ТАНҚИДЧИ. Ёшларнинг изланишлари масаласини яхши эслатдингиз. Шеъриятга, шеъриятдаги ижодий-услубий изланишларга юксак маданият, нозик дід, катта билимдонлик, бағри кенглик билан мўносабатда бўлиш бугунги соғлом адабий муҳитнинг муҳим аломатларидан бири. Янги шеърий шакллар қидираётган шоирларни шошмашошарлик билан «формалистлар»га

чиқарыб қўйиш ёки, аксинча, традицион шаклларни бугунги шеъриятга хизмат эттириш учун инициаётгандарни «консерватизм»да айлаш ҳоллари секин-аста барҳам топиб бормақда.

Едингизда бўлса керак, бундан бир неча йил бурун Союзимизда поэзия муҳокамасига бағишиланган, ўзингиз раислик қилган бир йиғилишда шеъриятдаги экспериментлар ҳақида жиддий баҳс бўлган эди. Шунда, таажжубки, анча таниқли бир шоир ёшларнинг, аниқроғи Р. Парфи, М. Қўшмоқов каби истеъододли қаламкашларнинг тажрибаларига эътиroz билдирган, ҳатто уларни «традицияларни инкор этиш», «отасини танимаслик» деб атаган эди...

ШОИР. Шунақа воқеалар бўлган, лекин улар орқада қолиб кетди. Худди ўша гапни айтган шоир — дўстимизнинг ўзи ҳам бугунги кунида ўша ёшларнинг изланишларига баъзида ҳавас билан қараётир. Тажриба шуни кўрсатаётирки, партия шунга даъват этаётирки, биз ижодий изланишларга эътибор бериб ва эҳтиёткорлик билан ёндашмогимиз лозим. Токи изланаётган ёшларни боягидек кескин сўзлар билан чўччишиб қўймайлик. Ижод ўз табиати билан эксперимент, тажриба демакдир. Ахир ҳар қандай улкан кашфиёт тажрибадан бошлигади-ку! Чингиз Айтматовнинг «Дружба народов» журналидаги сұхбатида айтган, «адабиёт ўзининг экспериментал цехига ёки, агар хоҳласангиз, қандайдир эшелонлаштирилган отрядига эга бўлиши керак» деган гапларига тўла қўшиламан.

ТАНҚИДЧИ. Дадил айтиш мумкини, ёшлар шеъриятида шаклий изланишларга инициали кучли. Бирор бу инициали аввало миллий аиъаналарга, биринчи навбатда, совет даври ўзбек шеърияти тажрибаларига таянган ҳолда боряпти, айни пайтда, ёш шоирларимиз рус ва қардош халқлар, жаҳон прогресив адабиётти ютуқларидан баҳраманд бўлишига, замони синовларидан ўтган ёки ўтаётган мақбул янгича усуаларни ўзбек

шеъриятига тадбиқ этишга интилаётирлар. Ёшларнинг шеърий тўпламларида классик адабиётимизнинг ғазал, мухаммас, рубонӣ, тулоқ каби шеърий шаклларини, хилма-хил поэтик санъатларини ҳам, гарб, ҳаттоки ҳозирги япон шеъриятининг сонет, романс, элегия, танка (учлик) сингари турларини ҳам, ҳалқ оғзаки ижоди усуулларини ҳам, бармоқ вазининиг ранг-бараанг ҳижкорларини ҳам, сарбаст ва оқ шеър формаларини ҳам, сарбаст вазининиг ўзимиизда — Ҳамза, Ф. Гулом, Ҳ. Олимжон шеърларида шаклланган кўринишларини ҳам, шу билан баробар Нозим Ҳикмат, Пабло Неруда, Г. Лорка ёки Андрей Вознесенский сингари ижодкорлар қаламига хос бўёқ ва ритмика таъсирини ҳам кўриш мумкин.

ШОИР. Эксперимент, тажриба деганда иуқул миллий шеъриятига аввал кўринмаган шакллар, ифодаларни олиб киришингина тушуниш бирёқламалик бўлади, мавжуд традицияларни янгилаш, бойтиш, унинг янги имкониятларини қидириб топиш ҳам экспериментиниг бир кўринишидир.

ТАНҚИДЧИ. Худди шу фикрингизни ёшларнинг бугунги тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Маъруф Жалил, Абдулла Шер, Машраб Бобоевлар кўпроқ аиъанавий шеърий шаклларда — Октябрдан кейин ёзма шеъриятининг етакчи вазии бўлиб қолган бармоқда ва ҳалқ оғзаки ижоди шаклларида, қисман арузда қалам тебратиётирлар. Рауф Парфи, Мұҳаммадали Қўшмоқов, Ҳалима Худойбердиневалар эса ўзбек шеърияти учун иисбатан ёш бўлган сарбаст шаклида, сарбаст вазининг ҳам авваллари бизда одат туснiga кирмаган янгича, ўзига хос кўринишларида ижод этастирлар.

М. Жалилиниң «Сени ўйлаб» тўплами шуидай сатрлар билан бошлилади:

Паризодим, сени излаб тогларга бордим,
Айтольмадим юракдаги саволларимни.
Аммо, топиб юпансанни, деб қўйиб юбордим —
Тог бургути каби ўжар хаёлларимни...

Дарҳақиқат, шоир бутун китоб давомида ўзини шу қадар эркни тутиб куйлайди, унинг сўзлари тарзини халқ баҳшиларининг куйлаш усулига қиёс қилиши мумкин. Унинг бармоқдаги, аруздаги мисраларидан ҳам, ҳатто сочмаларидан ҳам халқ қўшиқларининг садоси эшитилиб туради. Шоирниң «Сўзсиз қўшиқ» деган бир шеъри бор, унда талқин этилишича, йигит қўшиқ айтапти, қўшиқда катта фикр, кучли туйғулар мужассам-у, аммо қўшиқнинг сўзи йўқ... Авторниң ўз шеърларида ҳам қисман шу ҳолат мавжуд; сизни аввало мисралардаги мусиқийлик, куй қанотига жо этилган фикр ва туйғулар асири этади. Маъруф Жалил шеърлари беихтиёр рус шоирни Кольцов тажрибаларини ёдга туширади. Шуниси муҳимки, ёш шоирниң фольклор анъанаалари руҳида битилган мисраларида шу куннинг нафаси уфуриб туради, лирик қаҳрамон бугунги кун даражасида туриб, фан-техника революцияси даври кишиси савиясига мос фикр юритади.

Абдулла Шер шеърлари ўзининг изчил реализми, конкрет заминга, кундалик ҳаётга яқинлиги, воқеабандлиги билан қисман Ойбек, қисман Миртемир анъанааларини эслатади. У қишлоқ маизараларини, деҳқон меҳнатини қаламга олганда, юмористик лавҳалар чизгандага кўпроқ Миртемирга, лирик кайфиятлар таевири, ҳаёт фалсафаси таҳлили пайтида эса Ойбекка эргашаётгандай бўлади. Бироқ шу анъанаалар доирасида ён шоирниң шаклланиб келаётган инигоҳини, ўзига хос овозини пайқаб олиш мумкин. Хусусан, «Баҳор айбдор», «Уруш», «Шоир», «Қуёв» каби шеърларида ён автор бармоқ вазининиң ҳозирча бизда кенг раэм бўлмаган имкониятларидан яхши фойдалаига, традицион шеърий ритмиканинг янги жилоларини яхин тона олган.

ШОИР. Қаранг, иккала автор ҳам «традициялар доирасида» изланадайти, уларниң биринда романтизм

устивор, иккинчисида изчил реализм. Лекин иккаласи ҳам биз учун бирдек азиз, мароқли.

ТАНҚИДЧИ. Рауф Парфи ўзбек шеъриятида ҳеч кимникига ўшамаган овоз билан куйлай бошлаган эди; у ҳар бир шеърда одамнинг мураккаб руҳий дунёсидаги бирон конкрет ҳолатни тутиб олиб суратга туширишга, ҳолатларни тимсоллар орқали, ҳаракатдаги деталлар орқали ифодалашга тиришарди. Рауф Парфини дастлаб нима ҳақида сўзлаш эмас, балки қайтарэда сўзлаш, аниқроғи шеърий шакл масаласи кўпроқ қизиқтирад эди, кейинги «Тасвир», «Акс садо» тўпламлари эса эндиликда у шеърларнинг мавзу мундарижаси устида ҳам жиддий бош қотираётганлигидан далолат бериб турибди. Тўпламдаги лирик қаҳрамон фақат ўзига хос овозга эга оригинал куйчигина эмас, айни пайтда ўз авлоди, тарих, замон ва келажак ҳақида, жаҳон тақдиди ҳақида фикр юритувчи, астойдил қайфурувчи гражданни тарзида кўринади. «Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим», «Луис Моран», «Въетнам ҳақида қўшиқ» сингари публицистик шеърлар шундан далолат беради.

Мұхаммадали Қўшмоқовнинг изланишлари бир қараганда Рауф Парфи шеърларини эслатса-да, аммо миллий заминига яқинлиги билан улардан ғажралиб турди. М. Қўшмоқов ўзбек шеърияти учун янгилик бўлган шеърий шаклларда она юрт қиёфасини, халқимиз ҳаётининг бетакрор тароватини гавдалантиришга интилади, унинг шеърларида «қуёшни ёқалаб тушган ҳовлилар»ни, жангда шаҳид бўлган тоға «сурати осиғлиқ, беҳи ҳиди анқиган хона»ларни, «далаларга кетган тупроқли йўлда трактордан қолган яп-яиги излар»ни, «иккита тутга омонат, бир неча дақиқага арқонла тортилган беланчаклар»ни, қисқаси, бугунги ўзбек қишлоғининг шу каби таниш лавҳаларини, бетакрор ифодасини кўрамиз. Ёш шоир, иккинчи, томондан, янгича поэтик усулларни миллий шакллар, айниқса, халқ

оғзаки ижоди мотивлари билан қўшишга уриняпти. У «Боғда булбул чаҳ-чаҳлар» шеърида халқ лапарларига, «Боғда сайр этади расида қизлар» мисраси билан бошлиандиган яна бир шеърида «Бойчечак» қўшиғи усулига мурожаат этади, «Тоҳирнинг сўнгти қўшиғи», шунингдек, «Қўшиқ», «Мунисхон гиряси», «Осмонда осмон йўқ, қора кўз» сингари машқларида бу фазилат янада кучлироқ намоён бўлаётир.

ШОИР. Муҳаммадалининг изланишларидағи камкўстлардан ҳам кўз юммаслик керак.

ТАНҚИДЧИ. Очигини айтиш керак, Муҳаммадали Қўшмоқовнинг қатор шеърларидаги ҳозирча янгила шакл билан фольклор усули бир-бири билан қовушмайроқ турибди, бироқ «Қўшиқ» шеъридаги муваффақият ёш шоир изланишлари истиқболига катта умид уйготади. «Қўшиқ»да лирик қаҳрамон — фидойи ошиқининг кайфиятлари қандайдир янгила — кутилмаган ташбеҳлар, фавқулолда қабариқ образлар орқали ифода қилинади, айни пайтда, улар худди халқ қўшиқлари каби янграйди:

Мен гугуртдек ўз-ўзимни ўтга чоғлайман,
Хаёлларим гирдоби-ла йўлим боғлайман;
Қулогимда янграй бошлар исчун жонбаста,
Ўша азиз, беҳаловат иавоки, ҳаста:
«Сим-сим дедим, симлар дедим, симлар қўйнимда,
Зарра гуноҳ менда бўлса, қилич бўйнимда».

Ниҳоят, икки оғиз сўз Ҳалима Худойбердиева ҳақида. Шоқранинг «Оқ олмалар», «Чаман» тўпламларига кирган шеърлари, гарчи бармоқ ўлчовида тартиб берилган бўлса-да, мен уларни бемалол сарбаст вазни намуналари деб атай оламан. Чунки унинг фикр, туйгулари ҳар қадамда бармоқ ҳижолари оқимини бузиб, тошиб туради. Шоира шеърлари орқали ўзбек шеъриятида сарбаст вазининг ёш гражданити аёл овози пардаларида янграган янги бир кўринини туғилаётгандек туюлади.

ШОИР. «Шоирнинг ўзи қанақа бўлса, услугуби ҳам шунақа бўлади», деган нақл бор. Биз назарда тутган ёш шоирлар гражданин сифатида эндигина шаклланиб келяпти. Шубҳасизки, улар улғаяди, ўрганади, изланади, бой ҳаётий тажриба тўплайди, шу жараёнда улар ижоди ҳам тўлишиб, услугуби, поэтик овози сайқал топиб боради. Мен ёшлар шеърияти шаклий жиҳатдан ранг-баранг бўлиши билан баробар, улардаги ижтимоний мотивларнинг, гражданлик туйғуларининг янада бардам, жарангдор янграшини истар эдим.

ТАНҚИДЧИ. Яна ўз ижодингизга, ижодингиз билан боғлиқ бир масалага қайтсан. Сиз кўпдан бери оригинал ижодни шеърий таржима билан қўшиб олиб бора-сиз. М. Светлов, Р. Гамзатов, хусусан С. Есениндан қилган таржималарнингиз адабий ҳаётимизда катта ҳодиса бўлди. Сўнгги йилларда «Фауст» таржимаси устида жиддий иш олиб бордингиз. Расул Гамзатов республикамида РСФСР адабиёти ва санъати кунлари Ёзувчилар Союзида ўтказилган учрашувда «Йлоҳий комедия» билан «Фауст»нинг ўзбек тилига таржима қилиншишини катта тарихий ҳодиса деб атади. Бунга шакшубҳа йўқ. Бироқ, Сизнинг яқин ҳамкасаба дўстларингизни бошқа бир нарса ташвишига соляпти — айни куч-ғайратга тўлиб-тошган, ишлаб, оригинал асарлар яратиб қоладиган бир пайтда бутун илҳом, ижодий саҳоватни таржимага баҳш этиб қўяётганлигиниздан улар андак афсусланяпти. Таржима, хусусан, шеърий таржима шоирнинг оригинал ижодига монелик қилиши мумкинлигини жуда кўп улкан шоирлар эътироф этганилар...

ШОИР. Худди аruz устида бўлганин каби таржималарим туфайли кўп мақтовлар билан бирга таънилар ҳам эшитдим. Таржимага «вақт исроф қилганим» учун ҳатто шеъриятимизнинг энг зукко заҳматкашларидан бири дашном берди. Ростини айтсан, бу менга бир оз малол келди. Шахсан мен бадиий таржимани, унинг

миллий-маданий тараққиётдаги бебаҳо қадр-қимматидан ташқари, Марказий Комитет қарорида айтилган «профессионал» маҳоратини чуқур ўзлаштириб олиш»нинг, «Ватан ва жаҳон маданиятини ўрганиш»нинг бекиёс воситаси деб биламан. Жаҳон ва қардош халқлар адабиётларидаги буюк сиймолар тажрибаси ҳақида ёзилган энг ёрқин тадқиқотлар ҳам шонр ёки ёзувчига бевосита таржима билан машғул бўлишда олган сабогу билимлардан ортиқроқ нарса беролмайди. Ахир шоҳ асарни таржима қилаётганда, озгина бўлса-да, руҳан унинг автори даражасига кўтариласан ёки ўша автор ролига кирасан, Данте, Шекспир, Гёте, Толстой, Чехов, Есенин бўлиб гапирасан. Нақадар масъулиятни ва мароқли машғулот!

Энг муҳими, таржима ижодкорининг масъулият туйғусини оширади, ўз бўй-бастини жаҳон маданияти чўққилари билан қисс қилишига чорлайди, бинобарини, ижодкорни оригиналда хом асарлар ёзишдан сақлади.

Ҳамкасаба дўстларимининг таъна-дашномлари самимий эканига шубҳам йўқ. Дарҳақиқат, таржима, айниқса шеърий таржима кўп вақт олади. Йигитлик умримининг энг аъло дамлари таржима учун сарф бўлди. Бунга уччалик афсусланмайман. Чунки оригиналда ўртачароқ асар ёзиб юргандан кўра жаҳон ва қардош халқлар маданиятини подир намуналарини она тилимда янгратиш завқи менга таскин беради.

1977 йил янеаръ, декабрь.

Жасон Грант

Душанбе 78, 6

ИЖОДКОРНИНГ «ДАХЛСИЗ» ДҮНЁСИ

(Езувчи Асқад Мухтор билан сұхбат)

ТАҢҚИДЧИ. Ҳозирги адабий-бадиий тараққиёттің жаңыларынан белгиларидан бири шуки, әзүрдегі китобхон мұносабати тобора құп қырралы бўлиб боряпти. Бугунғи китобхон босилиб чиққан асарни шунчаки ўқиб қўя қолмайди, шу асарнинг яратилиш тарихи, жараёни, ижод психологияси, бадиият сирлари билан ҳам қизиқади. Яхши асар пайдо бўлиши билан оқиб ўзинига хатлар оқими қўйилади, хат эгаларни асардан олган таассурутларини айтади, баъзан автор билан баҳслашади, айни пайтда авторни саволлар билан кўмиб ташлайди. Хуллас, оддий китобхон ҳам ҳозирги кунда анчайин таңқидчи бўлиб қолган. Китобхонларининг савияси, диди бир хил эмас, албатта. Бадиий асар ҳақида ўта жўн фикр юритадиган китобхонлар ҳам анчагина. Бироқ китобхон оммасининг бадиий ижодга астойдил қизиқиши, әзувчи билан актив мұносабати — бу, қувончли бир ҳодиса. Әзувчи билан китобхонининг юзма-юз учрашувлари, янги асар мұҳокамасынга бағишланган китобхонлар конференциялари ҳам одат тусига кириб қолди. Китобхон билан ижодкор орасидаги бу хил мұносабатлар ҳам яни, қадимда кўринмаган ёки сийрак учрайдиган ҳодиса.

Кузатнишлар шуни кўрсатади, китобхонлар конференцияларда асосий гап-сўзлар, саволлар яна ўша әзувчи лабораторияси, бадиий ижод психологияси, сирлари масаласига бориб тақалади.

Ижод психологияси фақат китобхонларни эмас, ада-

биётшуносларни ҳам қизиқтирияпти, у ҳақда хилма-хил баҳслар бўляпти. Баъзи адабиётчилар ижод психологиясини ўрганиш фойдали, самарадор деб ҳисоблайдилар; айрим адабиётчилар эса, бадний ижод индивидуал, субъектив характерга эга, у — дахлсиз дунё, шунга кўра адабиётшунослик ижодий жараён натижаси — конкрет асарни таҳлил этиш билангина ўгууллангани маъқул, ёзувчининг шахсий, «дахлсиз дунё»сига, ижод сирларига бош сукмаган дуруст, дейдилар...

Бу ҳақда Сиз нима дейсиз?

ЕЗУВЧИ. Леонид Ильинич Брежнев айтганидай, бизнинг мамлакатимиз энг китобхони мамлакат. Бунга яна қўшимча қилиш мумкинки, бизнинг китобхонимиз энг маидаатдор китобхон. У адабиётимизнинг бадний юксаклигидан, гоявийлигидан, ҳаққонийлигидан маидаатдор. Шунинг учун китобхони ёзувчилар ишига қизиқади, хат ёзди, мулоҳаза билдиради, баҳслашади. Узини адабий жараёнининг иштирокчииндай ҳис қиласади. Самимий бўлишини истайди. Шундай бўлгандан кейин, биз нимани яширишимиз керак экан? Биз самимиятга самимият билан жавоб беришимиз керак. Буниңг учун китобхонлар билан бўладиган мулоқотларга: хатлар, учрашувлар, коопференцияларга биз жуда кўп вақтимизни сарф қиласади. Чуники, биламизки, асарни ёзиш билангина иши битмайди. У ўқилиши керак. Ёзилган сатр токи ўқилмас экан, у — ўлик. Унга ўқилгандагина жон киради.

Бадний ижод психологияси, албатта, катта, мураккаб масала. Бунга ҳозир катта илмий текшириш ишлари ҳам бағишланяпти. Яъни бутун бир фан десак бўлади.

Уни ўрганишнинг қийин томони шуки, у аввало, ҳали Сиз айтгаандай, жуда шахсий, индивидуал, субъектив бир нарса. Иккинчи томондан эса асар ёзиши — биринчи галда сиёсий иш, ижтимоий иш.

Ёзувчиликни кўплар касб эмас, талантли шахснинг яшаш тарзи деб ҳисоблайдилар. Бунда жон бор. Бадний

ижод чиндан ҳам ҳеч қайси жиҳатдан бошқа касбларга ўхшамайди. Унинг оддийгина томонларини олайлик: ҳамма касбларга ўқилади, ёзувчиликнииг эса мактаби йўқ. Ҳамма касбдагилар мактабини битиргач, маълум ёшда меҳнат фаолиятини бошлайди, ёзувчилар эса 4 ёшда ҳам, 50 ёшда ҳам бошлиши мумкин. Ҳамма касбдагилар маълум ёшга борганди пепсияга чиқиб, иш фаолиятини тугатади, ёзувчи эса айни шу ёшда стилади. Бошқа касбдагилар отпускага чиқиб дам олади, ёзувчилар айни отпускага чиққанида ишлайди. Умуман, ёзувчи энг «бекорчи» пайтларида: сухбатда, касал вақтида, чойхонада, сайр этиб юрганда, дам олгани ётганда, ишлатмаган пайтларида ишлайди.

ТАНҚИДЧИ. Ҳатто уйқусида, тушида ҳам.

ЁЗУВЧИ. Ҳа, борингки, уйқусида ҳам. Чунки, кузатиш, ўйлаш, ҳис қилишини ҳеч қачон тўхтатиб бўлмайди. Ёзувчи учун эса бу жуда муҳим иш.

Одами ёзувчиликка ўргатиш мушкул. Агар у аслида ёзувчилик табиатига эга бўлса, унга ёзиниин ман қилиш ҳам мушкул.

Албатта, бу соҳани жуда ваҳимали, сирли қилиб кўрсатишга уришиш ҳам тўғри эмас. Бу ҳам асосан меҳнат. Лекин унинг юқоридагидай парадокелари кўп. Шунинг учун уни ўрганиши қизиқ.

ТАНҚИДЧИ. Демак, Сизнингча, ёзувчининг китобхондан, адабиётшуностардан сир тутадиган алоҳида гаплари йўқ экан. Бадний ижод сирларига, ижод психотогиясига қизиқиши оммавий маъниавий эҳтиёжга айланниб қолган экан, уни ўрганиши фойдали. Адабиётшуносликнииг асосий мақсади бадний ижод қонуниятларини очиш экан, ёзувчи лабораториясини ўрганиши ҳам шу мақсадга хизмат этади.

Ўзбек адабиётининг характерли бир традицияси бор. Улкан санъаткорлар бир эмас, бир неча жанрларда қалам тебратганлар. Навоий аввало шопр, айни пайтда моҳир прозаинк, етук адабиётшунос эди. Бобир ҳам шун-

даії . Шу ҳодиса совет даврида ҳам бошқачароқ тарзда давом этди. Ажойиб драматург Ҳамза аввало шоир эди, ўзбек наасри усталари Абдулла Қодирий, Ойбек, Ф. Гулом ва А. Қаҳҳор бадший ижодин шеърнитдан бошлаганлар. А. Қодирий билан А. Қаҳҳор кейнічалик шеърнити тарк этган бўлсалар ҳам наасрда шоирлигича қолавергаилар. Ойбек, Ф. Гулом, С. Зуниуновалар эса умр бўйи шеърнит билан прозаниң қўшиб олиб бордилар. Шу анъянани Ш. Рашидов, Ҳ. Гулом, Мирмуҳсин каби ҳозирги наасримизнинг пешқадам вакиллари ҳам давом эттиряпти. Бу ҳолни Сизнинг ижоднингизда ҳам кўриш мумкин. Яқинда нашр этиб бўлинган 4 томлик асарларнингизнинг бир томини поэзия ташкил этади.

Ўёгини сўрасангиз, адилларимизнинг ижоди бундан ҳам кўп қиррали, улар поэзия, проза билан кифояланмай, драма, адабиётшунослик, публицистика, бадший таржима, киносценарий ва ҳоказолар билан ҳам шугулланадилар.

Бу ўринда бизни бир масала — проза билан поэзиянинг муносабати қизиқтиради. Ҳар ҳолда проза билан поэзия алоҳида-алоҳида олам. Прозанинг ҳам, поэзиянинг ҳам ўз талаб, қонуниятлари бор. Ўз тажрибангиздан келиб чиқиб, бу икки соҳанинг ўзаро муносабати ҳақида сўзлаб берсангиз.

ЕЗУВЧИ. Сиз ўзимизнинг адилларимизни айтдингиз. Лекин айтиши керакки, жаҳон адабиётида ҳам шеър ёзмаган, поэзия билан шугулланмаган адабии топиш қишини. Проза билан поэзия жаир қонуниятлари нуқтаи назаридан балки, сиз айтгандай, бошқа-бошқа оламдир. Лекин менинг назаримда, поэзиясиз проза йўқ. Олами поэтик қабул қилиш, инсонга, табиатга шоир кўзи билан қарай билини прозаник учун жуда муҳим. Акс ҳолда проза оддий беллетристика, баён, ҳиссиз таъкидлашидан иборат бўлиб қолини мумкин. Тилининг, манзаранинг, композициянинг ўз поэзияси бор. Пушкин прозасида, Тургенев, Лермонтов прозасида сиз ажойиб поэтик ҳассос-

ликни кўрасиз. Айниқса, лирик проза, фалсафий изҳори ҳол романлар рамзий поэтик деталларсиз сира бўлмайди.

Шунингдек поэзия ҳам, айниқса, ҳозирги реалистик поэзия прозаик деталларсиз, прозаик ҳаётйлик, прозаик лавҳалар, портретларсиз бўлмайди.

Мен жуда кўп жанрларда ишлашга уича тарафдор эмасман. Ўзи бир жанрнинг маҳоратини камолга етказиш учун ҳам бир кишининг умри камлик қиласди. Ўзини ҳар жанрга уриб, шогирдликдан нари ўтолмай, умрни майдалаб тугатиш ҳам ярамайди.

Мен айтмоқчиманки, прозаик, агар ўзи шеър ёзмаса ҳам, поэзия сирларидан хабардор бўлиши шарт. Проза асари яратиш ҳам гўзаллик яратишdir.

Мен китобхонларга, агар бу масалани чуқурроқ билишни истасалар, Виктор Шкловскийнинг «Тош гул» деган китобини ўқишини тавсия этардим.

ТАНҚИДЧИ. Сиз проза билан поэзияни қўшиб олиб боришининг ижобий самаралари ҳақида тўхталдингиз. Уларнинг бир-бирига монелик қиласидиган томонлари ҳам борми? Ҳар ҳолда поэзия кўтарники, романтикага мояйилроқ. Проза эса кўпроқ заманига яқинроқ бўлишини, реализмни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, баъзи адабиётшунослар ҳозирги прозамиздаги айрим камчиликлар илдизини, насрдаги беллетристикадан чекинини ҳолларини, тил — ифодадаги орнаментализм кўрининиларини поэзиянинг таъсири билан изоҳлашига интиладилар. Аксинча, шеъриятдаги прозаизмни насрининг таъсири деб атайдилар.

ЁЗУВЧИ. Менимча, тилдаги орнаментализм, балаидпарвозлик, предметсиз ҳавойилик — булар поэзиядан эмас. Булар қуруқликдан. Айтадиган фикр бўлмаганидан, фикрий қашшоқликни яшириш учун кимдир шалдироқ аравани олиб қочар экан, бунга поэзия айбдор эмас. Ҳақиқий поэзия прозанинга эмас, ўзини ҳам ердан узмайди.

Икки жанрда ишлайдиган одамга қийинчилик томони фақат шуки, бу икки соҳанинг жаҳоний чўққиларидан, янги тенденцияларидан ортда қолмаслик керак. Бу эса оғир. Мен гоҳо каттароқ прозаик асарларга киришиб кетганимда, поэтик дунё янгиликларидан узок вақт узилиб қоламан.

Икки жанрнинг бир-бирига халақит бериши фақат шунда.

ТАНҚИДЧИ. Яна бир савол. Ойбек ҳар гал роман ёзишдан олдин кўпинча шеърият орқали бўлфуси настрий асари мавзуига гўё разведка қилиб олар эди. Чувончи, «Ўч», «Темирчи Жўра» поэмалари «Қутлуғ қон» учун, Навоий ҳақидаги достон «Навоий» романни учун, «Қизлар», «Ранса» асарлари «Олтин водийдан шабадалар» учун ўзига хос бир репетиция бўлган эди. Бундай ёзувчининг ўзи ҳам эътироф этган. Сизда ҳам шундай ҳоллар бўлганми?

ЁЗУВЧИ. Ойбек ака ижодидаги бундай параллеллар тасодиф бўлса керак. Чунки катта проза асарига шеър тематик разведка бўлиши қийин. Ойбек аканинг Сиз айтган шеърий «танаффуслари» разведка эмас, кайфият учун увертиора бўлса эҳтимол. Чунки романнинг разведкаси — қора тер, меҳнат, айниқса тарихий романнинг разведкаси архив тўзонлари орасида ўтган кўп йиллик заҳматдир.

Тўғри, ёзувчидаги тематик фасллар бўлади. Чунки бир-биридан узоқ темалардан бирданига сакраб ўтиб бўлмайди шекилли: бир неча йиллар бир темага мойил бўласиз, шу темада ҳар жанрда асарлар пайдо бўлиб қолади. Менда ҳам шундай бўлган.

ТАНҚИДЧИ. Қўллимда китобхонларингиз йўллаган бир неча мактуб бор. Улардан биридаги саволни Сизга ҳавола этмоқчиман. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, донгдор ишчи Буолма Жўраева шундай ёзади: «Биз Сизни шоир ва прозаик сифатида танир эдик. Кейинги йилларда драматург сифатида ҳам кўриндингиз. Ҳамза те-

атри саҳнасида «Самандар» пъесангиз қўйилди, телевизор орқали «Тонг билан учрашув» асарингизни томоша қилдик. «Ўзбекистон маданияти» газетасида Юсуфжон қизиқ ҳақидаги драмангиздан парча ўқидик. Сизни драматургияга ўтишга нима мажбур этди, бундан кейин ҳам драма билан машғул бўлиш ниятингиз борми? Шунни билмоқчи эдим...» Маълум бўляптики, синглимизнинг саволлари ҳам биз баҳлашаётган мавзуга алоқадор экан.

ЁЗУВЧИ. Драматургиядаги ниятларим ҳақида дадил бир нарса дейишга журъат этолмайман. Драматургия — менимча, сўз санъатининг юксак нуқтаси. У билан мендек йўл-йўлакай шуғулланиш эмас, бутун умрини бағишлиаш керак.

Мактубда тилга олинган асарлар эса материал жиҳатидан шу жанрга мос бўлгани учунгина драма бўлиб чиқди. Биласизми, гоҳо мундарижга ўз шакли билан бирга туғилади. Мана, Юсуфжон қизиқ ҳақидаги асарни олайлик. Унинг туғилиш тарихи ҳам қизиқ. Бу ажойиб одамнинг ҳаёти драматик қарама-қаршиликларга тўла, бу ҳаётни томошабиндан, саҳнадан, жонли диалоглардан ажратиб бўлмайди. Бу материал ўз драматик шаклини талаб қилиб турибди. Шунинг учун шу шаклга тушди, шаклларнинг ҳаммаси яхши, лекин ёзувчи унинг энг табиийсини, энг мосини танлайди.

ТАНҚИДЧИ. Биз жанрлар муносабати устидаги баҳлашяпмиз, бадиий адабиёт билан санъатининг бошқа турлари орасидаги муносабат проблемаси ҳам бор. Маълумки, шеърий ва насрый асар аввало ўқиш учун яратилади. Биламизки, ўқиш учун яратилган асар кўпинча саҳна, музика, балет ва опералар учун асос бўлган. Радио, кино ва телевидениенинг пайдо бўлиши билан бу хил муносабатлар доираси яна ҳам кенгайди. Ҳозирги кунда яхши роман, повесть асосида опера, балет, драма билан бир қаторда унинг радиопостстановка, телеспектакль, кино, телефильм вариантлари ҳам пайдо

бўлаётир. Чунончи, Сизнинг «Чинор» романингиз асосида аввал радиопостановка, сўнг кўп серияли телеспектакль ҳамда телефильмлар яратилди...

Ҳозирги кунда шу хусусда жиддий баҳслар бўляпти. Бу хакда Сизнинг фикрингиз қандай?

ЕЗУВЧИ. Кино, маълумки, синтетик санъат. У бошқа санъатлар билан бирга адабий материалга ҳам муҳтож. Унинг тайёр адабий асарларга мурожаат этиши табиий. Лекин бу ишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Ҳар қандай адабий асарни бошқа санъат жанрига ўтказиш — бу жиддий операция. Операция вақтида эса кўнгилсиз ҳодисалар ҳам бўлади.

Асар ўз жанр хусусиятлари билан бирга туғилади. Туғилиб бўлгандан кейин эса, қизни — ўғилга ёки ўғилни қизга айлантирилмайди. Шунинг учун асосий эътиборни экранлаштиришга эмас, кинематографиянинг ўз адабий асоси — оригинал бадиий сценарийлар яратишга қартиш керак.

Катта романлар экранлаштирилганда кўпинча асар ютқазади. Лекин менинг ташвишим бундагина эмас. Ҳозир ёшлар орасида «Уруш ва тинчлик», «Тинч Дон» сингари буюк эпопеяларни ўқимай ўтиб кетаётганлар кўпаяётир. Чиндан ҳам, бир ҳафта ётиб тўрт жилдни ўқиб чиққандан кўра, 50 тийин тўлаб, икки соатда кино кўриб чиқиш осонроқ-да. Гоҳо шу асарлар хақила имтиҳон топширишда ҳам китобни ўқимай, кино кўриш билан қаноатланадиганлар бор.

Бу ўшандай ёшларни сўз санъати завқидай буюк давлатдан маҳрум килади. Бу асарлар эса — жаҳоннинг бадиий ривожида буюк қадамлардир.

Экранлаштиришда кўпроқ кичик жанрларга мурожаат қилиш қулай. Чунки кинематограф деталлаштиришида, типиклаштиришда ўз санъати билан иш кўради ва бу билан асар ҳам ютади. Ирик асарларни экранлаштирганда эса, аксинча, проза имкониятлари ҳам, кинематограф имкониятлари ҳам чегараланади, қаш-

шоқлашади. Чақалогингизга чакмонча тикиш учун хотинингизнинг шубасини тилкаламайсиз-ку...

ТАНҚИДЧИ. Сизнинг ташвишларингизга мен ҳам қўшиламан. «Уруш ва тинчлик», «Қутлуг қон», «Ўтган кунлар», «Синчалак» сингари асарларни ўқимай, киносими томоша қилиб имтиҳонга келадиган талабаларни мен ҳам тез-тез учратиб турман. Бироқ бадний асар асосида радиопостановка, телеспектакль, кинофильм яратиш анъана тусини олиб қолди, бунинг йўлини тўсиш мумкин эмас. Биз бадний асар асосида яратилган энг яхши радиопостановка, телеспектакль ва кинофильмлар ҳам асар аслига тенг келолмаслиги, унинг ўрнини босолмаслиги, бадний асар билан яккама-якка учрашувдаги завқ, ҳаяжонни ҳеч нарса билан алмаштириш мумкин эмаслиги устида кўпроқ гапиришимиз керакка ўхшайди.

Ҳозир китобхонларнинг талай қисми буни тушуниб олаётганга ўхшайди. Радио, кино, телевидение ҳаётга чуқур кириб борган ҳозирги шаронтда ҳам бадний асарларга эҳтиёж ортиб бораётгани шундан далолат беради. Масалан, ўн беш йил бурун телевидение ҳаётга энди кириб келаётган бир пайтла адабий журналисимиз «Шарқ юлдузи»нинг тиражи 20 миннгга етмас эди, бугунги кунда унинг тиражи 140 минндан ошиб кетди. «Ўтган кунлар»нинг биринчи нашри бор-йўғи 5 минг нусхада чиққан эди, кейинги нашри 150 миннга етди...

Яна бир мактубдаги саволга эътиборнингизни жалб этмоқчиман, Тошкент Давлат университетининг талабаси Сурайё Хўжаева Сиздан шуни сўрайди: «Бадний асарни ўқиётганида қаҳрамонлар ҳаётининг энг ҳаяжонли дақиқалари тасвири пайтидаги ёзувчи ҳолати масаласи мени жуда-жуда қизиқтиради. Мен «Туғилиш» романини ўқиётганимда Луқмонччанинг ўлими тасвирига келганда ўзимни қўярга жой тополмай қолгани эдим.

Асқад ака, ўша ҳаяжонли дақиқалар тасвири пайтида қандай ҳолатга тушгансиз, эслай оласизми?»

ЁЗУВЧИ. Асарнинг китобхон учун таъсирили жойлари ёзувчининг ўзини ҳам шунчалик таъсирилантирадими? Бу ҳақда ҳар хил афсоналар бор. Микеланжело ўзи яратган ҳайкал тирикдай кўриниб, қўрқиб кетганмиш; Бальзак қаҳрамони ўлганда инфаркт бўлиб қолганишиш...

ТАНҚИДЧИ. «Ўтган кунлар»даги Кумуш ўлими тасвири пайтида Абдулла Қодирйунинг йиғлагани ҳақида ҳам гаплар бор...

ЁЗУВЧИ. Булар — ижод психологияси нуқтаи назаридан ҳақиқатан ҳам афсона.

Ижодкор бундай таъсирили тасвиirlар пайтида заҳмат чекади. Тўғри, илҳом билан заҳмат чекади, лекин уни кўпинча ҳаяжон эмас, қаноатсизлик ҳисси қийнайди. Чунки қофозга тушган нарса одатда ёзувчи ўйнда тугилган ўзига хос мураккаб муносабатлар оламига нисбатан жуда кичик бўлади. Ёзувчи тасаввуридаги ажойиб дунё қофозга ҳеч вақт тўлалигича тушмайди. Тасаввур сўздан бой. Шунинг учун ўша, Сурайёхон айтган тасвиirlарда ҳам менин биринчи галда қаноатсизлик ҳисси қийнаган. Чарчаганман, маза қилиб ухлаганман. Назаримда шу ҳис бўлмаса, борди-ю, ёзувчи ўзи ёзганидан ўзи мамнун бўлиб завқланаверса — асар яхши чиқмайди.

ТАНҚИДЧИ. Суҳбатимиз ҳақиқий маънодаги ижод психологияси масаласига келиб тақаляпти. Шу муносабат билан мен бир нарсани сўрамоқчи эдим. Бу ўринда ҳаётий факт ва ёзувчи фантазияси, бадний тўқима масаласини назарда туяпман.

«Чинор»да 1916 йилги Жиззах қўзғолони воқеаси тасвир этилган. Айни «Чинор» билан бир пайтда яратилган Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» асаридаги ҳам шу воқеа кенг тасвир этилган. Н. Сафаровга-ку нисбатан осон, у бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, автор кўрган-кечирганларинигина қаламга олган. Сиз қандай йўлдан боргансиз. «Чинор»даги тасвир нуқул

фантазия маҳсулими ёки реал фактларга асосланганми?

ЁЗУВЧИ. Тўғри, Назир ака у вақтларни кўрган. Лекин унга ҳам буни тасвирлаш осон бўлган деб бўлмайди. Чунки фактни, ҳаётни билиш бошқа, уни ёзувчи кўзи билан таҳлил этиш, умумлашмалар ясаш, моҳиятини очиш қобилияти бошқа. Ўша воқеаларни Назир акадан ҳам яхши билган, ўз кўзи билан кўрган қарияларимиз бор, лекин воқеанинг моҳиятини ёзувчиларча очиб берган — Назир ака бўлди.

1812 йил воқеаларини Толстой ҳам кўрмаган. Пугачёвни Пушкин ҳам танимас эди. Агар адабни кўрган воқеаси билангина чегаралаб қўйсак, биз бадиий ижоддаги қудратли бир қонуниятни инкор қилган бўлардик.

Ёзувчи ҳамма нарсани билиши керак. Лекин энциклопедистлар даври ўтиб кетган. Ҳозирги даврда бир кишидан оламшумул қомус бўлишни талаб этиб бўлмайди. Мана шу жойда ёзувчини бир нарса қутқазади — ҳаётни ёзувчи кўзи билан кўриб, уни бадиий-фалсафий таҳлил қила билиш қобилияти.

ТАНҚИДЧИ. Ҳар ҳолда реалистик адабиётда бевосита кўриш, кузатишнинг, ёзувчи ҳаётий тажрибасининг роли, аҳамияти катта. Реалист ёзувчи ўзи кўрмаган ҳодисаларга ҳам ўзининг кўрганлари, кузатганлари, шахсий-ҳаётий тажрибалари асосида ёндашади. Агар Л. Толстой Севастополь жаигларини кўрмаганда, эҳтимол 1812 йилги уруш воқеаларини бу қадар реал, жонли тасвирлай олмаган бўларди, дейишади.

Модомики ҳаётий факт ва ёзувчи фантазияси ҳақида сўз очилган экан, яна ўша «Чинор»даги бир тасвир тарихини аниқлаб олмоқчи эдим. Асар персонажларидан бири Абдулаҳат қорининг Лев Толстой билан учрашув картинасини назарда тутяпман. Асарнинг шу боби, янглишмасам, илк бор «Гулистан» журналида эълон қилинган эди. Уни ўқиб дастлаб кўплар ҳайратга тушган, бу воқеани шунчаки тўқима, фантазия деб ўйлаган эди.

Кейин маълум бўлишича, бу тасвиринг ҳам ҳаётий замини мавжуд экан. Л. Н. Толстой музейи директорининг ўринбосари Наталья Азарова «Литературная газета»да босилган мақоласида «Чинор»даги ўша тасвир ҳаёт ҳақиқатига хилоф эмаслигини таъкидлаган эди. Буни Н. Азарова Л. Толстойнинг 1910 йил 24 сентябрдаги кундалигида қайд этган «Мулла Абдул Вахид Қары» деган бир жумла сўзи орқали исбот этади.

Асқад ака, шу воқеа тасвирида яна нималарга таянгансиз, бу ерда реал факт билан ижодий фантазиянинг муносабати қандай?

ЕЗУВЧИ. Бу ҳикоятда ўша Толстой кундалигидаги бир жумладан бошқа реал факт йўқ. Шундан келиб чиқиб, мен мулла Абдул Вахид қорининг биографиясини ўргандим. Асада Абулаҳат қори деб берилган. У тошкентлик, қариндошлари ҳам бор. Думага аъзо бўлган, подшога ёзган бир эҳтиётиз мактуби учун Тула губерниясига сургун қилинган. У ҳақда доғистонлик шерикларидаи бирининг китоби ҳам бор. Унинг ҳужжатларини, дунёқарашини, даврни, Толстойни, унинг ижоди ва ўйларини, ўша вақтдаги кайфиятларини, Ясная Полянани, тарихий тақозоларини билишим менга бадиий тасаввур йўлидан боришга ёрдам берган. Бу одамлар учрашганда гап фақат шу ҳақда бориши мумкин эди. Шұнга ич-ичимдан амилигим — шуни ёзнишга мажбур этди.

ТАНҚИДЧИ. Демак, Абулаҳат қори бор шахс. Айни пайтда бу образ ижодий фантазия маҳсули, у ёндош фактларни ўрганиш, кузатиш, изланиш асосида майдонинг келган экан. Айниқса персонажлар орасидаги сухбат, баҳс, уларнинг руҳий олами ифодаси хаёлларингиз маҳсули экан. Бироқ бу ерда, бари бир, ижодий фантазия заминида реал факт, аниқ шахс ётибди.

Асадаги бошқа образлар, чунончи Очил бобо тасвирида қандай йўл тутгансиз? Шоир Миртемир бир мақоласида бу образ хусусида шундай деган эди:

«Асқад қаҳрамонлари ҳаётининг нақ ўзидан. қайноги-

дан, гирдобидан. Шу важдан ишонгулик. Очил қарияни эслайлик-чи жилла бўлмаса. Нақадар таниш ва суюкли сиймо бу чол. Шунчалик танишки, китобни ўқиётисб: «Ху ўша Олмосдаги чол-да!» дейсиз. Ё бўлмаса: «Бу чол, умринг узун бўлгур, Учқўргонда ўтган Тожимат зовур-ку!» дейсиз. Ё бўлмаса: «Мирзачўлда кўрган эдим, ўша!» дейсиз. Ҳамма ўз Очил қариясини эсга олади ўқита. «Бузрук бобо эмасми ўзи!» дегувчилар ҳам тоилиб қолади. Шахсан мен Очил боболарни кўп учратганман».

Худди шунга яқин бир гапни ленинградлик китобхон Валентина Чечулина Сизга йўллаган, «Ўзбекистон маданияти» газетасида эълон қилинган хатида ҳам айтган эди. Чечулина бир вақтлар республикамида истиқомат қилган. У «Чинор»даги Очил бобо билан танишганда ўзи яшаган маҳалладаги таниш сиймо, нуроний чол Файзи ота деган одамни кўз олдига келтирган. У фахр билан: «Ҳа, мен Очил буваларни кўрганиман». деб ёзади... Очил бобонинг ҳаётй замини қаерда, асл прототипи борми?

ЁЗУВЧИ. Адабиётшуносликда «прототип» деган сўз жуда шартли тушунча. Буни жуда ҳам луғавий маъниода тушунмаслик керак. Биттагина соф прототип ҳеч қачон бўлмайди. Яъни ёзувчи ўз қаҳрамонининг ички дунёси, таниш қиёфаси, ҳаёти ва барча саргузаштларини ҳеч қачон ҳаётдаги битта шахсдан кўчириб ололмайди. Унда адабиёт ўз вазифасини бажара олмас эди. Миртемир аканинг бир сўзига эътибор қилинг. «Очил боболарни кўп учратганиман», дейди. Шу сўзни ленинградлик муаллима Чечулина ҳам такрорлайди. Мен ҳам айтишим мумкин: Очил буваларни кўп кўрганиман. Акс ҳолда менниг Очил бувам дунёга келмасди. Образ ҳамма вақт фокус нуқтасидир.

ТАНҚИДЧИ. Сўз санъатининг қудрати шундаки, у ҳаётда айнан бўлмаган нарсаларга, ҳодисаларга жон киритиб юборади, бошдан-оёқ тўқима образ минглаб

ҳаёттій шахсларнинг тимсолига айланади. Аксинча, нўноқ қаламкашнинг қўлига тушса, ҳаётдаги тирик одам мурдага айланади, бўлган воқеаларга ҳам киши ишонмайди.

Ижод жараёнидаги жиҳдий муаммолардан бири — традиция ва новаторлик проблемаси бўлса керак. Ёзувчи, бир томондан, сўз санъатининг, Навоий ибораси билан айтганда, улкан бўстони саҳнида, ўзгалар таъсирида қалам тебратади, иккинчи томондан, у шу улкан бўстон ичида йўқолиб кетмаслиги, ўз гули, гулининг ранги, ҳиди билан бошқалардан баралла ажралиб туриши, яъни ўз овозига, ўз услубига эга бўлиши лозим.

Услуб масаласида ҳам ҳар хил қарашлар мавжуд. Ёзувчининг ўзи қандай бўлса, услуги ҳам ўшандай бўлади, деган нақл бор. Бундай қараш замирида услугуб объектив, ихтиёrsиз тарзда шаклланади деган фикр ётади. Бошқа бир гурӯҳ адабиётчилар, услубнинг шаклланишида ёзувчининг субъектив хоҳиши, истаклари, онгли равишда олиб борадиган экспериментлари ҳал қиливчи роль ўйнайди, деган фикрни илгари сурадилар.

Шахсан Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

ЁЗУВЧИ. Одамни ўз ўйлаганидан кўра бошқача ўйлашга, ўзи ҳис қилганидан бошқача ҳис қилишга, ўзи ёзганидан кўра бошқачароқ ёзишга мажбур этиб бўлмайди. Шунинг учун энг яхши услугуб — табний услугуб. Бу масалада зўракилик — худди қўпол ямоқдек дарров кўзга ташланади.

ТАНҚИДЧИ. «Опа-сингиллар», «Туғилиш» романлари шакл, услугуб жиҳатидан традиционроқ эди. «Давр менинг тақдиримда», хусусан, «Чинор» ўзбек романчилигига шакл жиҳатидан жиҳдий янгилик бўлди. Унда биз рус, қардош халқлар, қолаверса, ғарб прогрессив адабиётининг энг сўнгги тажрибалари таъсирини кўрамиз. Айни пайтда, замонавий шаклда ёзилган бу икки асарда қадимий шарқ адабиёти, фольклор традициялари ҳам кучли. Сўз санъатининг сўнгги тажрибалари

билин қадимий адабий анъаналарнинг қўшилиб кетиши қизиқ бир ҳодиса. Шу жараён қай тариқа юз берди? Шуни билмоқчи эдим.

ЁЗУВЧИ. Услуб — доимий нарса ҳам эмас. Ҳар бир китоб авторни ўзича тўлқинлантириши мумкин. Бир авторнинг ҳамма китоблари бир услубда ёзилса ҳам яхши бўлмасди.

Дейдиларки, битта китоб ёзган автор ҳали ёзувчи эмас.

Иккита китоб ёзган автор-чи? Учта, тўртта китоб ёзган автор-чи? Ёзувчими?

Менимча, ҳар бир янги китоб бошланишида янги ёзувчи туғилади.

Ҳар бир китоб тугаганда — кўнгилда қандайдир бўшлиқ юз беради. Ҳувиллаб қолгандай бўласиз.

Китоб бошлаш эса — ҳаётнинг қайта бошланишидек: фаол, онгли ҳаёт.

Ёзяпман, барҳаётман.

Каллада янги китоб ҳақида фикр бўлмаса — бу сўлшилик.

Мен бошимда кезиб юрган беш-олтита китобни ҳикоҷилиб беришим мумкин. Қайси бири пишади, қайси бири мени астойдил қийнай бошлайди — билмайман.

ТАНҚИДЧИ. Сўнгги пайтларда «йигирманчи аср услуби», «янгича стил» ҳақида кўп гаплар бўляпти. Умуман ҳозирги прозадаги, шеъриятдаги услубий-шаклий изланишларга қандай қарайсиз?

ЁЗУВЧИ. Изланиш яхши. Лекин экспериментин асосий машғулот қилиб олиш керак эмас. Новаторликни ўйлаб чиқариб бўлмайди. У энг яхши анъаналардан табиий ўсиб чиқинши керак.

Яқинда Москвада бўлган ёшлар кенгашида бир йигитнинг хикояларини муҳокама қилдик. Феъл ишлатилмапти. «Мозаика», дейди. «Бу қизиқ ўйин экан, лекин туйғулар бутунлиги йўқ-ку», десак: «Мен эксперимент

қиляпман, одам доим парвозда бўлиши керак, занг босмайди», дейди.

Парвоз яхши, учиш керак. Лекин — қаёққа? Буни аниқлаш ҳам керак-да. Жарликка, йўқликка учиб кетаётган бўлсанг-чи?

Классикани, бутун адабиёт тажрибасини билмай турриб эксперимент қиласвериш новаторликка олиб келмайди.

1975 йил, май.

ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАДАН БАДИЙ ҲАҚИҚАТГА

(Езувчи Мирмуҳсин билан сұхбат)

ТАНҚИДЧИ. Мирмуҳсии ака, рухсатингиз билан баҳсимиzioni кейинги пайтларда кўп тилга олинаётгани, бир қарашда оддий, аслида эса хийла мураккаб бўлган «ижобий» ва «салбий» қаҳрамон устидаги мунозарадан бошласак. Сиз бу масалага, яъни «ижобий» ва «салбий» қаҳрамон тушунчасыга — қаҳрамонларни қатъий равишда «оқ» ва «қора»га ажратишга қандай қарайсиз?

Баҳсимиzioni шу масаладан бошлаганинг иккита сабаби бор. Биринчидан, Сизнинг деярли барча эпик асарларингизда, айниқса романларингизда етакчи ижобий қаҳрамонлар худди ўша мураккаблиги, ижобий қаҳрамон ҳақидаги одатдаги андазаларга сиғмаслиги билан ажралиб туради. Бундан 30 йил муқаддам пайдо бўлган Уста Фиёсдан тортиб Умид, «Дегрез ўғли»даги Арслон, «Меъмор»даги Нажмиддин Бухорийгача — барчаси, таъбир жонз бўлса, зиндиятли характерга, мураккаб тақдирга эга бўлган қаҳрамонлардир. Иккинчидан, Сизнинг номингизга китобхонлардан келган бир қатор мактублар билан танишиб чиқдим, уларнинг деярли барчасида бир фикр учрайди — «Умид ижобийми ёки салбийми?»—«Арслон ижобий қаҳрамонми ёки салбий қаҳрамонми?» деган савол қўйилади. Бу ўринда биргина мактубдаги саволни эслатиб ўтаман. Бухоро облости, Гиждувон райони, Калинин колхозининг аъзоси Азамат Аб-

дуллаев ўз хатида «Умидни мен на салбий, на ижобий дея оламан. Сиз-чи?» деб сўрабди.

Бизнинг бу хусусдаги баҳсимииз китобхонларнинг шу хилдаги саволига ҳам жавоб бўлар деган умиддаман.

ЁЗУВЧИ. Ҳар қандай қаҳрамон ҳам биринчи галда инсон боласи. У қанчалик катта ва фавқулодда қаҳрамонлик кўрсатмасин, бари бир умум инсонлар учун хос бўлган хислатлар, яъни одамийлик унинг қонида, танида сузиб юради. Шунинг акси ўлароқ, нуқсон, яъни янгилиши ҳам унга ёт эмас. Инсон боласи фаришта эмас деган гапда ҳикмат кўп. Бадиий асар қаҳрамони янгилиши мумкин. Уни кескин «оқ» ва «қора» қилиб қўйини унча тўғри эмас.

ТАНҚИДЧИ. Яна шундай мактублар борки, уларнинг муаллифлари қаҳрамон характери ва тақдиридаги мураккабликларни тўғри тушунади, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини ўзинча таҳлил этади, унга худди ўз сафидаги тирик одамдай қарайди, камчиликларини қоралайди, хато қилиб қўйгандага, адашганда ачинади, тўғри ўйлдан борганда астойдил қувонади... Умуман олганда қаҳрамонини «мураккаблиги», «зиддиятлари», аниқроқ қилиб айтганда, кам-кўстлари билан кўрсатиш тенденциясининг кенг тус олаётганлиги ижобий ҳодиса. Бу китобхоннинг савиаси кўтарилигандан, адабиётда реализмнинг чуқурлашиб бораётганлигидан бир далолат.

Бироқ бу ҳол «ижобий қаҳрамон», «идеал қаҳрамон» тушиунчасига соя туширмаслиги лозим. Айрим адабиётчилар «идеал қаҳрамон» ўёқда турсин, умуман «ижобий қаҳрамон» тушиунчасига ҳам шубҳа билан қараёттирлар. Менинг назаримда бу ҳам бир ёқламалик. Модомикин ҳаётда кеча ва кундуз, иссиқ ва совуқ, нур ва соя, эътиқод ва имонсизлик, одамийлик ва қабиҳлик сақланиб қолар экан, ижобий ва салбий қаҳрамон тушунчаси ҳам сақланиб қолаверади. Инсоният юксакликка кўтарилигани сари, ҳаёт яхшиланиб борган сари у ҳаётини

ҳам, ўзини ҳам янада яхшироқ, мукаммалроқ кўришни истайди. Демак, идеалнинг мавжудлиги ҳам ижобий қаҳрамон, идеал қаҳрамон тушунчасининг барқарорлигини тақозо этади. Бунинг устига қаҳрамоннинг ибрат кучи, жозибаси муҳим масала. Фақат романтик адиллар эмас, улкан реалистлар ҳам ижобий қаҳрамон проблемасига алоҳида эътибор берганлар. Ҳатто инсон характерини бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатиш санъатининг чўққисида турувчи адиллардан бири Ф. Достоевский «гўзал ижобий қаҳрамон» образини яратиш идеясини илгари сурған эди. Машхур сатирик Гоголь Тарас Бульба типидаги романтик қаҳрамон яратган.

Социалистик реализм адабиёти «гўзал ижобий қаҳрамон»ларнинг бутун бир галереясини берди. Тўғри, ижобий қаҳрамон талқинида бир вақтлар байзи бир ёқтамаликлар бўлган, нуқул омади келаверадиган, йўлдаги ғовларни бир ҳамла билан бартараф этиб юбораверадиган, сира хато қилмайдиган, адашмайдиган, ижобий хислатларнинг қурамасидан иборат сохта «қаҳрамонлар» ҳам пайдо бўлган эди. Социалистик реализм бу хил ибтидоийлик билан асло келиша олмайди. У ўтмиш реализмининг ҳаётга, инсон шахсига хилма-хил томондан ёндашишдан иборат энг яхши традицияларига содик қолади. Хусусан етук, ривожланган социализм даврига келиб бу масала алоҳида актуаллик касб этаётир. Чунки ривожланган социализм шаронтида инсон ҳаёти фоят кўп қиррали бўлиб, унинг манфаатлари доираси кенгайиб бормоқда. Қисқаси, ҳозирги асарларимизда қаҳрамон характерини бутун мураккаблиги билан кўрсатишнинг чуқур ҳаётий асослари бор.

Бироқ шу характерли тенденциянинг маълум камкўстлари кўзга ташланиб қолаётир. Қаҳрамонга хилмажил томондан ёндашишга интилиш туфайли баъзан уйдаги етакчи томон, бош ироди йўналиши хира тортиб қолмаётганмикин? Шу ҳол қисман «Дегрез ўғли» даги

Арслон талқинида ҳам кўринади. Гап келганда отангни аяма, деган нақл бор. Пайти келиб қолди, икки оғиз танқидий фикр айтишга рухсат этасиз. Сиз Арслонни ҳаётнинг гоят хилма-хил жабҳалари, сўқмоқларида, турли-туман, мураккаб, зиддиятли ҳолатларida кўрса-
тасиз. Баъзан шу чигалликлар ичида қаҳрамон қалби-
даги нур кўринмай қолади.

ЁЗУВЧИ. «Идеал қаҳрамон» тушунчасини ҳимоя
этяпсиз. Бу керакли гап. Ижобий қаҳрамон бўлиши ке-
рак, узоқ тарих ҳам буни исботлаган. Гарчи баъзи инсо-
ний нуқсонлари бўлса ҳам мана мен деган зўр қаҳрамон
бўлиши керак. Юрт олдидағи фавқулодда қаҳрамонлик-
лар турганда кичик нуқсон кечирилади. Адабий қаҳра-
мон тақдирни билан танишиб, унинг ачиқ дардига ше-
рик бўлиб йиғлаган китобхонларни кўп кўрганман. Бу —
ибрат намунаси, ижобий қаҳрамоннинг таъсир
кучидан бир далолат. Тўғри, «оқ» ва «қора» бор гап.
Баъзан асал билан заҳар ёнма-ён туриб қолиши ҳам
мумкин.

«Дегрез ўғли» романни шу асаддаги Арслон образи
баъзи танқидчиларнинг тилини қичитяпти. Ёзувчи учун
ҳамма асари ҳам фарзандидек азиз. Мен, бирини ундоқ,
бирини бундоқ деёлмайман. Гарчи «Умид», «Меъмор»
устида чапак кўпроқ бўлаётганига қарамай, шахсан
мен учун «Дегрез ўғли» азизроқ, чунки бу асар ҳаётим-
нинг яхлит бир бўлаги. Эҳтимол, Арслон образида
«ижобий» ва «салбий» хислатлар меъёри бир оз бузил-
гандир. Сизлар «меъёр» масаласига кўп эътибор берা-
сизлар, балким бадният нуқтаи назаридан бу тўғридир,
аммо ҳаётда ҳамиша ҳам меъёр посонгиси бирдек бўла-
вермайди. Сиз бир мақолангизда, ижобий қаҳрамон ҳа-
миша ҳам ёзувчи идеали даражасида туриши шарт
эмас, дегансиз. Ҳақ гап. Арслон шундай хатти-ҳаракат-
лар қиласиди, шахсан мен буни асло хоҳламас эдим.
Мен унинг ножӯя хатти-ҳаракатларини кўраман, билан-
ман, лекин буни сира ошкора айтмайман, унинг хатти-

ҳаракатлари устидан узил-кесил ҳукм чиқаришни одил китобхон ихтиёрига қолдираман. Баъзи ўртоқлар шундай ҳукмни мендан талаб этишаётирларки, бунга қўшила олмайман.

Яна шуниси ҳам борки, асарда Арслондан бошқа менинг идеалимга яқинроқ одамлар бор. Қекса ишчи Нишон ака, коммунист Сандбеков, гўзал Барчиной, жангчи Боймат, ишчи Нургалиев, Субҳия, Эркин, Дильбарлар билан бирга ҳаммасини қўшган ҳолда Арслон — Арслон. Мен ўз ғоя-ниятларимни улар ҳаракати, кураши орқали ифодалашга интилганман. Улар Мусоват қори, Зиё Афанди, Қизил маҳсум, Баён болалар билан курашда ўзларини кўрсатадилар. Биргина Арслонни ушлаб олиб, асар қаҳрамони устида ҳукм чиқариш учча тўғри бўлмас деб ўйлайман.

Умарали! Мана, кўриб турибсиз, ўз асарим ҳақида гапириб, мен ҳам жиндай мақтандим. Наинки асардаги «ижобий қаҳрамонлар», бир ёзувчи дўстингиз ҳам мақтанди. Бу — ижобий фазилатми? Еки салбий фазилатми? Албатта салбий. Айбиз парвардигор, дейдилар, бу албатта мистик маънида эмас. Демак, биз — оқ сут эмгани ҳаммамизинг ҳам ўзимизга яраша камчилликларимиз бор. Агар келгусида ёзувчи — шонрлар мавзууда бирор нарса ёзадиган бўлсан, асосий конфликт — мақтанчоқлик ва ҳasad асосига қурилган бўларди...

ТАНҚИДЧИ. Қаҳрамонни мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатиш ҳам бирдан-бир муддаога айланиб кетмаслиги, бу ҳол унинг ҳаётнийлиги, ҳаққонийлигига путур етказмаслиги лозим. Қаҳрамон — давр типи. Агар ёзувчи реализмнинг «типик характер», «типик шаронит» принципидан келиб чиқиб иш кўrsa, қаҳрамоннинг ибрат ва жозиба кучи ҳам сақланаверади, мураккаблиги ҳам ҳаётий, табиий бўлиб чиқаверади. Чапасв, Дашибов, Фофири, Иўлчи, Фозилхўжа, Санда, Ойқиз, Олимжон каби турли давр адабий қаҳрамонларининг характерини зелайлик. Уларда биз даврининг ўзи тақозо этадиган ҳам

кучли, ҳам ожиз томонларни учратамиз. Айтайлик, айни
Еофирдағи соддадик Олцимжонда бўлиши мумкин эмас.
ЁЗУВЧИ. Қаҳрамон — давр типи... Сиз кёлтирган
рўйхатни Гулсара, Нурхон, Ҳуррият, Алишер Навоий,
Жўрабоев, Анвар, Умурзоқ оталар ҳисобига давом этти-
равериш мумкин.

Илгариги адабиётга қарасангиз Рустам, дон Қиҳот,
Фарҳод, Мажнун, Лайли, Шириналар.... Шу ўринда мен
бир нарсани айтиб кетмоқчиман. Умарали, Сиз, яхши
асар яралиши учун адиб ҳаётни билниши керак, деган
гапни ҳаммавақт айтасиз. Ҳаммамиз ҳам айтамиз. Бу
тўғри. Лекин шу кифоями? Сиз айтгандек, қаҳрамон-
лари давр типи бўла олмаган асарларнинг дунёга
келиши учун яна бошқа омиллар ҳам бор: билцш, ўрга-
нишдан ташқари, ўша заминни, ўша халқни севиш, урф-
одатларини фақат билниш эмас, севиши, шу халқ хур-
санид бўлса хурсанд бўлиб, шу замини яшинаса астойдил
яшишаб-барқ уриши керак адиб! Кўзига тупук суриб
йиғлаган хотинга ўхшамай, йиғладиган бўлса астой-
дил йиғланиш керак!

Гафур ака ҳикоялари шундай самимий меҳр самара-
си эди. «Ўгригина болам»ни олинг. Унда нақадар катта
ҳақиқат ва оддий одамларга иисбатан улкан меҳр мұ-
жассам! «Етепблар» ва «Бўрёндан жүчини» рөманларни
даги Ойқиз образини эслайлик. У — типик образ. Сиз
бу образ ҳақида «Шарқ юлдузи»да яхши ёзгансиз. Ой-
қиз — давр типига айланган. У на Диlldор, на Ҳуррият
ва на Кумушу Ръянига ўхшайди. У — бетакрор. Ойқиз
— пахта далаларимизнинг кўрки ва фахри — юзминнинг
ларча турсунойчилар, Тожихонлар, Сафдатларнинг мұ-
жассам типи. У даламиизда чаққон, чопқиллаб ишлаб
юрган, шу юрт учун жонини ҳам аямайдиган, қайноқ
қалб мард бир қиздир. Шерининг эркаги ҳам, она шер ҳам
шер. Атрофидаги улкан кишилар, деҳқонлар Умурзоқ
ота, Муродали, Жўрабоев, кекса коммунистлар таъсири
остида ўсиб юксалади, наинки юртни, балки даврни ҳам

әгаси бўлиб қолади. Ойқиз — янги йинсон. Унинг ички дунёсидан ташқари, сиртқи портрети ҳам жуда усталик билан чизилган. Сунъийлик, ясамалик ўйқ. Ойқизлар даламизда жуда кўп. Ўйлайманки, бу образ адабиётимиздаги кашфиётлардан биридир, балки энг сарасидир.

ТАНҚИДЧИ. «Бўрёндан кучли», «Голиблар» автори ўз қаҳрамонларидағи кучли, ибратли хислатларни ониш билан баробар ундаги айрим камчиликларни ҳам кайд этади. Кучли характер әгаси Ойқиз гоҳ пайтларда хатога йўл қўяди, бошга кулфат тушганда ўзини тўхтатолмай фарёд чекади. Бироқ буларнинг барчаси табиий, айни пайтда, ундаги етакчи хислатга асло соя тушиш майди.

Так Энди бевосита Сизнинг ижодий лабораториянгизга оид баъзи саволларга кўчсак.

Қаҳрамоннинг, қолаверса умуман бадиий асарнинг туғилишида ёзувчи ҳаётний тажрибасининг роли ниҳоятда катта. Ҳар бир асарда, ҳар бир қаҳрамонда ёзувчи биографиясига оид материаллар у ёки бу кўринишда намоён бўлади. «Тўқима», «йингма», «умумлашма» тушунчалари нисбий. Мен Ленинградда бўлганимда Пушкин, Достоевский асарларида тасвирланган манзаралар шундоқ ҳаётнинг ўзидан олинганлигини кўриб ҳайратда қолган эдим. Қавказ сафари пайтида «Замонамиз қаҳрамони» воқеалари юз берган жойларни кўрсатишди, мен кўрган манзаралар, ҳатто Печорин билан Грушницкий дуэль ўтказган қоя асарда айнан ифода этилган. Мен аминманки, ҳар қандай «тўқима» адабий фоннинг, персонажининг ҳам ҳаётда маълум асоси, прототипи бўлади. Ёзувчи қандайдир таниш манзарани, таниш шахсни кўз олдига келтириб туриб қалам тебратади... Мен ижодда фантазиянинг ролини инкор этмоқчи эмасман, лекин ҳар қандай дадил фантазиянинг заманида ҳам ҳаётний тажриба, реал фактлар, манзаралар ётади.

Бироқ асарни ҳаётнинг айни кўчирмаси, бадиий образни прототипнинг асл нусхаси деб тушуниш, бадиий

иғодани ҳамиша аслига тенг қилиб қўйиш ҳам иотўгри. Бадий ижоддаги энг мураккаб муаммо ҳаёт ҳақиқатининг, реал фактнинг бадий ҳақиқатга айланиши жараённи... Шу ўринда бир факт ёдга тушиб қолди. Ч. Айтматов Низомий номидаги пединститутда бўлган учрашуда «Оқ кема»да биографик элементлар мавжудлигини, бироқ улар «жиддий таҳрир» билан асарга киритилганингийни айтган эди.

Мирмуҳсин ака, ҳаётий фактларнинг, биографик элементларнинг бадий ҳақиқатга, образга айланиш жараённи кеңг китобхонларнигина эмас, адабиётшуносарни ҳам ғоят қизиқтиради. Шу жараённи ўрганишда ёзувчининг гувоҳлиги, иқрорномаси ниҳоятда қўл келади. Фурсатдан фойдаланиб ижодингизга онд баъзи нарсаларни аниқлаб олмоқчи эдим.

ЁЗУВЧИ. Марҳамат.

ТАНҚИДЧИ. Қаламкаш дўстингиз Сайд Аҳмад «Умид» ҳақидаги мақолосида:

«Романда тасвирланган кўчаларда ёзувчининг ёшлиги ўтган. Ўқувчи ниҳоятда севиб қолган Чўтири хола билан автор кўп гаплашган, лапанглаб турган омонат зинапоядан бир қўлини белига тираб чиқиб келаётганлигини деярли ҳар куни кўрган.

Ёзувчи Чўтири холани тасвирлаётганда шундоқ уни кўриб, овозини эшишиб турган. Салимхон Обидийни Мирмуҳсин танийди. Тўгри, ёзувчи таниган, тасвирланган олимнинг исми ҳам, фамилияси ҳам бошқа. Аммо қиёфаси ўша. У Салимхон Обидийни тўгрига ўтказиб қўйиб суратини чизганга ўхшайди. Бутун қиёфаси, қилиқлари, қош-кўзлари, юриш-туришлари ўқувчига кўриниб турибди»,— деб ёзган эди.

Бу ҳақда ўзингиз нима дейсиз?

ЁЗУВЧИ. Ҳар бир асарда, ҳар бир қаҳрамонда ёзувчи таржиман ҳолига тааллуқли гаплар аралашади, ҳар турли кўринишда пайдо бўлади. «Умид»— ўзим ёки яқин кишиимнинг деярли умумлашган биографияси.

Ёзувчи қанча кўпни кўрса, пешонасига ажин қанча кўп тушса, шунча етилади. Яхши кулол қўлидан ёмон идиш чиқмайди. Қанчалик ишлов берсанг лой ҳам чинни бўлур, дейди кулоллар. Лекин сартарошлар етилиб, чинакам уста бўлганда қўли қалтироқ бўлиб қоларкан. Қўли қалтироқ сартарош учун қулоқни кесиб қўлга бериш ҳеч гап эмас... Ёзувчи ҳам кексайгандага етилади-ю, аммо юрак нағма чиқариб, паришонхотирлик бошланади. Шунинг учун ўша «нағма»га етмасданоқ, оғир, жиддий ишларни ишлаб қолиш керак. У «нағма» чиққач, мемуар, эсадалик ёзиш бошланади... Гапни дўнда қилиб айтганда, наинки «Умид»да, ниманки ёзган бўлсан ҳаммасида, ҳатто кичкинтойларга аталган ҳикоячаларимда, Мардону Ҳасан-Ҳусанларда ҳам каминанинг биографияси бор. Бу гап илмийми ёки иоплмийми, билмайман. Ҳар қалай, ёзувчи биографияси аралашмаган дунёда ҳеч бир асар йўқ. Онегина Пушкин бор ва ҳоказо.

Салимхон Обидийнинг ким эканлигини айтмай қўя қолганим маъқул, бу одам ҳозир ҳам ҳаёт, айтсан малол келиши мумкин. Қолаверса, Обидий фельетон қаҳрамони эмас, у роман қаҳрамони, обидийларининг умумлашмаси, прототипига қараганда ўзгачароқ...

ТАНҚИДЧИ. Гап «Умид» устида кетаётган экан, кўп сонли китобхонлар мактубидаги яна бир саволга эътиборни жалб этиб ўтмоқчиман. Улар Умид билан Ҳафиззанинг галдаги тақдири, бугунги ҳаёти ҳақида маълумот беришини Сиздан илтимос қилишиади. Сиз «Китобхон дўстларга мактуб»нингизда: «Агар жуда зарур бўлса, хат ёзган дўстларимнинг кўнгиллари тиҷимимаётган бўлса, келгусида шу ишнинг бир йўлини қиламиз»,— деган эдингиз. Мана, шундан бери бир неча йиллар ўтди, орада бошқа иккита роман ёзилди. Лекин «Умид» қаҳрамонлари тақдирига қайтганингиз йўқ.

Китобхонининг асар қаҳрамонларини айни ҳаёт ода-

ми сифатида қабул қилиши, бир томондан, қувонарли ҳодиса, айни пайтда, менимча, қисман адабий тажрибасизлик оқибати. Шу хусусда Сиз нима дейсиз?

ЕЗУВЧИ. Дастреб шундай гап бўлгани эди. Кейин ўйлаб қарасам, бу нарса шарт эмас экан. Романга айни пайтида охирги нуқта қўйилганини билиб қолдим. Эҳтимол, мен асарни давом эттирганимда китобхонларимдан шу кунга қадар бу хилдаги мактублар келмас, қаҳрамонлар тақдирни қизғин баҳсларга, мулоҳазаларга асос бўлмас эди. Сиз танқидчилар ҳам мени савалар эдингиз. Хулласи калом, Умид ва Ҳафизалар тақдирига қайтмоқчи эмасман.

Китобхоннинг асарга баҳо беришига келсак, уларнинг савиаси ҳар хил. Шундай бўлиши табний. Бироқ кеңг китобхонлар оммасининг бадиий асарни катта ҳаётнинг бир бўлаги сифатида тушуниши қувонарли ҳодиса.

ТАНҚИДЧИ. Яна асарнинг, қаҳрамоннинг ҳаётий асоси масаласига қайтайлик. «Дегрез ўғли»даги Арслон деярли Сизнинг замондошингиз. Менимча, биографик фактлар «Умид»дагига қараганда «Дегрез ўғли»да яна ҳам кўпроқ. Асарда ҳаётда бор шахсларнинг номини ўзгартирмай айтавергансиз.

ЕЗУВЧИ. Шундайку-я, лекин «тўқима», «йигма», «умумлашма»лар ҳам бор, фантазия ҳам оз эмас. Романда акс этган воқеалар ичидаги бўлмаганимда, эҳтимол шундай асар яратилмас эди.

ТАНҚИДЧИ. Демак, ҳаётий тажриба ёзувчи учун бамисоли хазина — кон. Шуниси борки, хазина — кон, ҳатто олтини ҳам соф ҳолда камдан-кам учрайди, бир грамм соф олтинни олиш учун қанчалик меҳнат, тонналаб рудаларни саралаш зарур бўлгани сингари ҳаёт факти ҳам катта меҳнат, заҳмат эвазига бадиий ҳақиқатга айланади.

Биз ҳозирча замонавий материални бадиий ўзлаштириш хусусида фикр олишдик. Тарихий материални ўрга-

ниш, ўзлаштиришнинг ўзига хос томонлари ҳам кўпчиликни қизиқтиради.

Тарихий материални бадний ўзлаштириш бобида ўзбек ~~совет~~ адабиётининг маълум тажрибалари, традициялари бор. Кўпчилик асарларимизнинг, чунончи, «Навоий», «Алишер Навоий», «Муқанна», «Мирзо Улуғбек», «Улуғбек хазинаси», «Абу Райхон Беруний» каби роман ва драмаларимизнинг марказида тарихий шахслар образи туради. Демак, уларда асар сюжети маълум биографик фактлар асосига қурилади. Иккинчи тур асарлар ҳам борки, уларнинг марказида аниқ тарихий шахслар эмас, умумлашма образлар туради. «Ўтған кунлар» билан «Меҳробдан чаён»да шундай. Лекин бунинг бошқа томони бор. А. Қодирий ўз асарларини ўтмишдан олиб ёзган бўлса-да, уларда яқин ўтмиш — бор-йўғи ярим аср бурунги воқеалар қаламга олинганди. Ҳабибулла Қодирийнинг гувоҳлик беришича, бу романлардаги умумлашма персонажларининг ҳам ҳаётда прототиплари бор бўлиб, уларнинг кўни асар ёзилган пайтларда ҳали ҳаёт эдилар... Сиз «Меъмор»да қисман А. Қодирий йўлини тутгансиз. Асар марказида ~~тарихий аниқ~~ шахс эмас, балки умумлашма образ тақдири ётади. Тарихда айни Нажмиддин Бухорий деган шахс ўтган-ўтмаганлиги номаълум. Аммо А. Қодирийдан фарқли ўлароқ, Сиз узоқ ўтмиш воқеаларини қаламга олгансиз. Беш аср бурунги тарихий воқеаларни умумлашма образ асосида гавдалантиришнинг ўзига яраша қийинчилклари ҳам бўлса керак. Бош қаҳрамоннинг ҳаётий асосини қаердан олгансиз?

ЕЗУВЧИ. Тарихий асадарда қаҳрамон биографиясини яратиш жуда мураккаб, масъулиятли масала. Қаҳрамон тақдирида фақат давр эмас, тарихий ҳақиқат, фактлар ҳам акс этиши керак. Мен Нажмиддин Бухорий биографиясини XV асрнинг бўлиб ўтган тарихий воқеалари силсиласида, фонида беришга интилдим. Уша тарихий воқеалар фонида айни шундай қисматлар бўли-

шига тўла имон келтирган ҳолда қалам тебратдим.

ТАНҚИДЧИ. Замонамизнинг машҳур меъмори Қодиржон ота Ҳайдаров Сизга йўллаган мактубида: «Меъмор» худди менинг аждодларим ҳақида айнан ёзилган асардай туюлди», — дейди ва асар қаҳрамони бобосига исмдош эканлигини, тақдирларида ўхшашлик борлигини айтади. Бу ҳол тасодифийми ёки унинг бирор замини борми?

ЕЗУВЧИ. Жуда кўп меъморлар тақдирини ўргангандан. Менинг аждодларим кулол ўтган. Бинобарин, уларнинг тақдири меъморлар тақдирига яқин. Мен Қодир отанинг ажойиб санъатини, довруғини яхши билар эдим-у, бу одамнинг шахсий ҳаёти, аждодлари тарихидан бехабар эдим. Отанинг мактубидаги баъзи гаплар, ростини айтсан, бир чеккаси, мени қувонтиради, иккичи томондан, бадииятнинг сеҳрли бир кучи олдида лол қолдиради. Сен бир одам тақдирини ҳикоя қиласан, бу тақдирда ўилаб, юзлаб одамлар ўз тақдирини, фақат тақдирини эмас, ўйларини, ўзининг кучли ва занф томонларини кўради...

ТАНҚИДЧИ. Адабиётнинг умумлаштирувчи кучи, образининг ташвиғлиги шунда-да.

ЕЗУВЧИ. Тарихда меъмор Бухорийлар жуда кўп бўлган. Худди шундай Самарқандий, Ҳиравий, Шошна, Фарғоний, Балхий, Хоразмийлар ҳам жуда кўп бўлган. Аммо «Меъмор»да уларни умумлаштириб Нажмиддин Бухорий деб олдим. Бу биринчидан — ҳамма Бухорийларга бир ном, уларни жамлаш ва иккинчидан — ёзуvinning баъзи фантазия, қўшимча сифатлар қўшиши, ўз мақсадини ифодалашда эркинроқ ҳаракат қилиши учун шароит яратиш демакдир. Мен XV асрда яшаб, катта ишлар қилган Бухорийлар образини жамладим. Уларнинг аксарига муштарак бўлган қисматни, ўша даврда — «сув келтирганлар хору кўза синдирганлар азиэ» бўлганини тасвириладим.

Хусуси месбада

ТАНҚИДЧИ. Гарчи «Меъмор»нинг марказида тўқима, умумлашма образ турса-да, унда қатор тарихий шахслар образи ҳам бор. Гарчи эпизодик бўлса-да, Улуғбек ва Лутфий образлари талқини муносабати билан бир масалага Сизниң муносабатингизни билмоқчи эдим. Сиз машҳур тарихий шахслар ҳаётининг бадний талқинида «тўқима»нинг роли, ўрнига қандай қарайсиз?

Бир неча ойдан бери «Литературная газета» саҳифаларида биографик жанр устида қизғин мунозара бораётни. Унда тилга олинган кўптина гаплар ўзбек адабиётига ҳам дахлдор. Айрим ўртоқчлар тарихий шахсларни, фактларни айни ўзилик беришини, тарихийлик принципига изчил риоя этишини қатъий туриб ҳимоя этадилар. Бошқа бир гурӯҳ ҳамкарабаларни из са тарихий шахслар, фактлар орқали янги гап айтишини муҳим деб биладилар. Бир вақтлар ёзувчи Ойбек ҳам шундай фикрни илгари сурган эдилар. «Мен,— деган эди у,— ёзувчи қайси бир тарихий даврга мурожаат қилмасин, мабодо у даврнинг ғайри ёки ҳаттоқи ғалати кўринган барча хусусиятлари орасидан ўзига таниш бўлган ҳисстуйғулар ва фикрлар изласа, пировардида мутлақо хато қилмайди, деб ўйлайман».

Шу хусусида Сиз нима дейсиз?

ЁЗУВЧИ. Тарихий шахслар талқини мураккаб масала; А. Толстойнинг «Улуғ Пётр» романидаги Пётрининг ўғли Алексей билан тўқнашув картиналари — тарихий факт. Лекин ёзувчи шу аниқ фактга ўз ватани, ҳалқи, Россия манфаатларини кўзда тутиб ёндашган, ўзгартирган, реал фактдан ижодий фойдаланиган. Бу менга ёқади. Ойбек ҳам «Навоий»да, А. Қодирий ҳам «Ўтған кунлар»да шундай қилган. «Меъмор» романни муносабати билан шу тарихийлик масаласида бир нима дейишими ни сўраяпсан. Биз ~~Совет~~ ёзувчиларц албатта, тарихий фактга Жон Стейнбек ёки Веркор³ нуқтани назаридан қаролмаймиз. Тарихий ҳужжатга юрт ва ҳалқ манфаати нуқтани назаридан ёндашамиз. Шу юртнинг эгаси ва шу

тариҳий ёдгорликларни ўз қўли билан қурган киши сифатида қараймиз.

Сўз санъатида «тўқима»сиз ҳеч қаерга бориб бўлмайди. Академик Королев ихчам, хушфеъл ва камгап одам экан. Лекин бу буюк олим образини ҳайкалтарош жуда баҳодирона қилиб яратган. Илмнинг қудратини, космос буюклигини унга қўшган. Шу керак.

Ойбек домланинг тариҳий ҳужжатлардан ёзувчи қалбига яқин фикр ва туйғулар қидириш хусусидаги фикри жуда маъқул, ундан ошириб бир нима деёлмайман. Улуғбек, Лутфий образлари талқинида, бир томондан, аниқ ҳужжатларга таянганиман, иккинчи томондан, ҳужжатлар бағрида йилт этган, узоқ тарих тўёzonлари ичида қолган учқунлардан фантазия кучи билан алганга чиқаришга ҳам уринганиман.

ТАНҚИДЧИ. Қаҳрамон устида ишлайтганда, қаҳрамониң туғилиши ва шаклланишида ўзгаларнинг, бинринчи галда устозлар яратган қаҳрамонларнинг таъсирини сезганимисиз, онгли равишда ўзгаларга эргашганимисиз?

ЕЗУВЧИ. Ҳа, албатта. Йўлчининг эволюцияси, дунёни тушуниши, характеристикинг бетакрорлиги менда катта таассурот қолдирган. Умуман менинг Ойбекнинг маҳорат ҳақидаги суҳбатларида кўп бўлганиман. F. Гулом, Я. Колос, А. Фадеев, Ойбек, Н. Тихонов, Ўйгуна, Яшин ака, Шароф ака, шунга ўхшашиб катта санъаткорларнинг маҳорат зиёсидан кўп баҳра олганиман.

Илгари айтганимиздек, Ойқиз образининг яратилиши, унинг юксалиши, соњиалистик дала характери, Виктор Гюгоңинг Жильяти ёки Аниа Каренина, «Тоғ ораллиқлари романи»дан Сандали образи ёки Елена /И. Тургенев/, ёки Рањи ва Аивар /А. Қодирний/, ёки Том Сојер ёки Раскольников /Достоевский/... Мана шу бетакрор ва ноёб образлар галеряси қаттиқ таъсир қилган. Устозларим кўп, мен бир оғиз сўз билан ҳаммаларини айтойман.

майман. Омонлик бўлса, кейинчалик ёзиб китоб қила-
ман.

ТАНҚИДЧИ. «Умид» қаҳрамонининг «Қотил» /У. Назаров/, «Одам бўлиш қийин» /У. Умарбеков/ қаҳрамонлари билан баъзи муштарак томонлари тасодифийми ёки бунинг башқа сабаби борми? Умуман олганда турли қаламкашлар асарларида учрайдиган муштарак томонлар ва ҳар бир ёзувчининг ижодий индивидуаллиги масаласи хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдим.

ЁЗУВЧИ. Муштараклик ҳақида бир нима деёлмайман. «Умид»даги воқеалар боя айтганимдай, китобдан таъсиrlаниш оқибати эмас, ҳаётни кузатиш самараси. Бу роман оз вақтда ёзилган бўлса ҳам, унда узоқ йиллик ҳаётий тажрибаларимни, кузатишларимни ифода этганман. Балки ҳаётнинг ўзидағи ўхшашилклар турли авторларнинг асарларида ўхшашилкни келтириб чиқарар.

ТАНҚИДЧИ. Менга қолса айнан ўхшашилклар бўлмагани маъқул. Лекин турли асарларда учраб қоладиган сиртқи ўхшашилклардан шошмашошарлик билан хуолоса чиқаравермаслик, уни тақлидчиликка, китобийликка олиб бориб тақайвермаслик керак. Қўпинча шундай бўладики, сиртдан айрим ситуациялар, образлар бир-бирига ўхшаб кетса-да, моҳият жиҳатидан улар бир-биридан жуда кескин фарқ қиласди.

ЁЗУВЧИ. Маъқул гап.

1976 йил, март.

МАВЗУ, ҚАҲРАМОН ЖОЗИБАСИ

(Еззати Ҳамид Гулом билан сұхбат)

ТАНҚІДЧИ. Мавзунинг катта-кичиги йўқ, бутун гап унга қаңдай ёнидашибда, деган қараш кеңг тарқалған. Ҳудди шундай фикр кўпинча қаҳрамонга нисбатан ҳам айтилади — бадиши ижодда қаҳрамон таилаш эмас, балки унинг талқини мұхим, қабилицадаги мулоҳазаларни тез-тез учратиб турамиз. Бу хил гапларда маълум асос бўлса ҳам, менимча, уларда қаңдайдир бир ёқла-малик, ҳеч бўлмаганда ижодкор билан ижод манибанин бир-биридан ажратиб қўйинига мойналик бор. Аслида мавзу, қаҳрамон билан ижодкор ажралмасдир; мавзунинг катта-кичиги, мұхим ёки номуҳимлиги, қаҳрамоннинг қаңдайлиги хусусидаги баҳслардан кўра мавзу, қаҳрамон (ижобий ёки салбий бўлишидан қатъи пазар) жозибаси, яъни ёзувчи қалбига яқинлиги, уни ўзига мафтун этиш сири, мавзу, қаҳрамон қай тариқа ва қай даражада ёзувчининг кўнгил мулкига айланга олгани ҳақида ганириш матьқулроқ, деб ўйлайман. Мавзу, қаҳрамон ёзувчининг чинакамига кўнгил мулкига айланганга тақдирдагина бадиий кашфиёт — ҳаёт ва шахснинг оригинал бадиий концепцияси учун йўл очилади.

Мавзу, қаҳрамон таилан деган ибора менга эршироқ туолади. Ахир мавзу, қаҳрамон бозорда сотиладиган ашё эмаски, уни таиланса. Ижодкор сифатида ўзининг яхши биласиз-у, ҳар ҳолда мени ёзувчининг «мавзу, қаҳрамон таилаш»га шинонавермайман, ҳар ҳолда қай-

ноқ ҳаёт қўйинда юрган адабни мавзу, қаҳрамоннинг ўзи мафтун этса керак, деб ўйлайман. Бадиий ижоднинг табиати ҳам шуни тасдиқлади, жаҳон адабиётидаги энг нодир асарлар кўпинча ёзувчининг шахсий ҳаётида жуда чуқур из қолдирган, уни ларзага солган, унга тинчлик бермаган, унинг қалб мулкига айланниб қолган воқеа ва ҳодисалар асосида майдонга келган. Ҳатто ёзувчининг шахсий ҳаётига алоқаси йўқдек туюлган мавзулардаги, чуночи, олис тарихдан ҳикоя қилувчи асарлар билан ҳам ёзувчининг шахсий ҳаёти орасида қандайдир бўгланишлар бўлади.

ЕЗУВЧИ. Дарҳақиқат, биз кўпинча айрим ибораларни одатга кўра такрор-такрор ишлатаверамиз-у, уларнииг маъниси, яъни шу иборалар тубидаги маъно ҳақиқатга қаичалик мос тушиши-тушмаслиги устида ўйлаб ўтирумаймиз. «Мавзу, қаҳрамон танлаши» деган иборага келгандга ҳам шуни айтиш мумкин. Бир қарашда баҳслалишиб ўтиришига ҳам арзимайдигандек туюлади-ю, лекин чуқурроқ ўйлаб қаралса бу иборада бадиий ижод табиатига уччалик мос тушавермайдиган маъно мавжуд. Бу хил ҷалкашликларни бартараф этишининг бирдан-бир йўли, менимча — бевосита бадиий ижод тажрибасига таяниш, ижодий жараёниниг ўзидан, ижод психологиясидан келиб чиқиб иши кўршивdir. Аминманки, қайноқ ҳаёт ичида юрган, кўпин кўргаи, кўп билгаи, ўқигаи ёзувчи учун мавзу, қаҳрамон қидириб узоққа боришининг ҳожати йўқ, бой таасеуротлар, кўнгилдаги гаплар, танини чехралар уига тинчлик бермай, ёзишига чидайверади.

ТАНҚИДЧИ. Сизнииг барча насирий асарларнингизни асосан икки мавзу теварагида жамлаш мумкин; улардан бирни — тарихий революцион тема, иккинчиси — Мирзачўл, чўлқуварлар ҳаёти. Иккни китобдан иборат «Машъал», кейиниги романнингиз «Мангутик» инқилобининг дастлабки йиллари ҳақида ҳикоя қиласиди. Гарчи «Тошкентликлар»да Улуг Ватан уруши даври гавда-

лайтирилса-да, у мантиқан «Машъал»нинг давомидек туюлади, «Тошкентликлар»даги воқеанинг бир учи «Машъал»га бориб тақалади; «Сенга интиламан», «Бинифша атри» романлари, «Олтин» тўпламига кирган тайлан ҳикояларингиз Мирзачўли ўзлаштираётган замондошиларимиз ҳаётидан баҳс этади. Ижодингиздаги шунакки етакчи мавзунинг манбалари, аниқроқ айтганда, мазкур мавзуларнинг Сизни ўзига мафтун этиш сири, сеҳри ҳақида гапириб берсангиз.

ЕЗУВЧИ. Ёзувчи ижодидаги етакчи мавзуни, қаҳрамонларни унинг биографиясидан ажратиб қараш асло мумкин эмас. «Ҳаммаси болаликдан бошлиниди» деган оддийгина, лекин доно бир нақл бор. Бу ерда Сиз тилга олган асарларнинг мавзу, қаҳрамонлари аввало болалик хотираларим билан боғлиқ.

Мен отадан жуда эрта етим қолиб, бобом қўлида тарбия топғаниман. Бобом — мулла Ғулом мени ҳам адабиёт оламига, ҳам бевосита қайноқ ҳаёт қучоғига олиб кирган мұхтарам зот эди. Бобом ишдан бўш пайтлари шукул китоб мутолаа қиласр эди. Уйимиз токчасида девонлар, баёзлар тизилиб турарди. Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистан»и, Навоийнинг «Ҳамса» ва «Ҳазониул маоъний»си, Ҳофиз, Бедил девонлари, Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун»и, «Бобирнома», «Девони Машраб», яна бир талай китоблар бўларди. Ҳали ҳарфларга тишиним ўтмаган пайтларимдаёқ бобом меҳмононасида бу китоблар устида кетган суҳбатлар, улардан ўқилган сатрлар мени ўзига мафтун этиб қўйган, кўнглимда сўз сеҳрига шайдолик уйғотган эди...

Бобомнинг асл касби мироблик, ҳозирги иборалар билан айтадиган бўлсак — халқ ирригатори бўлган. У Чирчиқ дарёсида тўғон шиллари билан шуғулланган. У доимо сафарда юрар, Қўйлиқдан то Хумсонга қадар тинмай кезар эди. Шу хил сафарларда кўпинча мени ҳам ўзи билан бирга олиб юрарди. Фоят нотинч, аммо юртда буюк инқилобий ўзгаришлар содир бўлаётган

йиллар эди. Гражданлар уруши тугаб, одамлар эндиниң нафас ола бошлаган. Лекин босмачилар ўт қўйган қўралардан кўтарилиган дуд сўниб битмаган, сўқмоқларда босмачилар оти туёғидан қолган изларни ҳали қор босмаган, олис даралардан гоҳи-гоҳида беҳос отилган ўқлар қалдироғи қалбларни зирқиратарди. Бобомниң таниш-билишлари, улфатлари кўп эди. Сафар пайти биз кирган хонадонларда кўпинча босмачиларнинг ваҳшийликлари, ёвуз кирдикорлари ҳақида сўз борарди, баъзан давраларда босмачилар изига тушиб, уларниң додини берган халқ ботирларини кўриб, уларга ҳавас ва мароқ билан тикилар эдим...

Болаликда мана шу кўрган-кечиргандарим хотиримга мустаҳкам ўрнашиб қолган экан, кейинчалик қўлимга қалам олиб, унча-мунча машқлар қилишга киришганимда улар менга тинчлик бермай қўйди, шу тариқа биринчи йирик асарим «Машъал» болалик таассуротларидан ўсиб чиқди. «Мангулик» манбалари ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

ТАНҚИДЧИ. Деярли барча йирик асарларниңизда нуроний қариялар образи учрайди. Эҳтимол Чўли бобо, Раҳим боболарни яратишда ўша бобонгиз сиймоси қўл келгандир.

ЁЗУВЧИ. Албатта. Сиз тилга олган образларда бобомниң ҳам қандайдир «улуши» бор.

ТАНҚИДЧИ. Мирзачўл туркумидаги асарларниңизнинг таржимаи ҳолингиз билан боғлиқ жиҳатлари қай даражада?

ЁЗУВЧИ. Мирзачўл мавзунига ишқим тушиб қолишининг тарихи қизиқ. Мен туғилиб ўсган Аррапоя маҳалласига яқин ерда — ҳозирги Марказий телеграф Биноси ўрнида Гадойбой деган одам қурдирган ҳашаматли маҷит бўларди, унга ишланган нақшлар кўрганини лол қолдиради. Кейинчалик у ерлар бузиладиган бўлганда шахсан Усмон Юсуповнинг ўзи ҳақиқий санъат обидаси бўлмиши бу бинони сақлаб қолиш чорасини қидирди

ва унинг ташаббуси билан бино шундогича авайлаб Комсомол кўли ёнига кўчиртирилди. Ҳозирги кунда бу бино илмий-атеистик музей бўлиб турибди.

Бу бинони қурдирган Гадойбойни кўрганман, унинг гаройиб ишлари ҳақида кўп эшитганман. Қордай оқ якtagи устидан малла чакмон, оёғига баланд пошнали ағдарма кўн этик кийган, бошига қирғизча қалпоқ бостирган дароз бўйли, чиройли калта соқол-мўйловли, қўйкўзли, юзи қип-қизил бу киши ҳали-ҳали кўз олдимда шундайгина гавдаланиб туради.

Эшитишумча, Гадойбой Тошкентнинг мардикор бозоридан одам йигиб, Мирзачўлга олиб борган. Мусофирабодда илкбор пахта экиб, у ерларни обод қилган... Гадойбойнинг Мирзачўлдаги ишлари ҳақида эшитганларим, билганларим хаёлимни ўша пайтлардаёқ қандайдир романтик, сеҳрли, мўъжизакор бир оламга тортган эди.

Орадан йиллар ўтди, Мирзачўли ўз кўзим билан кўрдим, чўлга чинакамига ҳужум бошланди, бу воқеаларининг ҳам бевосита шоҳиди бўлдим; Мирзачўлнинг тарихи билан қизиқдим, инқилобдан аввал яратилган илмий, жуғрофий асарларни кўздан кечирдим; Мирзачўл ҳақидаги болаликда эшитганларим, билганларимни кейинги таассуротларим билан асло солишириш мумкин эмас-у, лекин барп бир болаликда кўнгилдан ўрин олган ўша илк ҳайратланиш бўлмаганида, эҳтимол кейинги қизиқиш, мавзуга бу тарздаги мафтунлик бўлмасмиди?!

ТАНҚИДЧИ. Бундан чиқди, «Сенга интиламан» романидаги Гадойбой ҳаётда бор одам экан-да.

ЁЗУВЧИ. Ҳа, уни асар сюжети тўқимасига киритганман, характерини ҳаётда қандай бўлса шундайича берганман.

ТАНҚИДЧИ. Бир адабий анжуманда «Машъал» ва «Сенга интиламан» асарларига ҳали охирги нуқта қўйилмагани, мазкур асарларни давом эттириш, яъни кейинги китобларини ёзиш ниятингиз борлигини айтган

эдингиз. Очифи, биз галдаги асарингиз «Мангулик» ва «Бинафша атри»ни «Машъял» билан «Сенга интиламан»нинг давоми, янги китоблари бўлса керак, деб кутган эдик.

Қизиқ, гарчи «Мангулик» ҳам, «Бинафша атри» ҳам аввалги асарларга мавзу жиҳатидан яқин бўлса-да, тамомила мустақил асарлар сифатида майдонга келди, бу романларни мазкур мавзудаги аввалги асарларнинг давоми деб бўлмайди.

ЁЗУВЧИ. «Машъял»га ҳали охирги нуқта қўйилгани йўқ. Трилогиянинг учинчи китобидан талай саҳифаларни қоралаб қўйғанман. Баъзи тарихий фактларни аниқлаб олишим керак. Шу ниятда Туркияга бориб келмоқчиман. «Мангулик» ҳам, гарчи «Машъял»га асос бўлган ҳаётий таассуротлар заминида яратилган бўлса-да, тамомила мустақил, ўзгача услугуб ва усулда ёзишган асардир.

«Бинафша атри»да мен дастлаб «Сенга интиламан»даги воқеаларни давом эттириш ниятида эдим, кутила магандада у тамомила мустақил асар бўлиб чиқди. Бу ерда Мирзачўл ҳаётининг янги даври қаламга олинган, янги шароит, янги материал, янги одамлар, уларниң ҳаёти билан боғлиқ муаммолар тамомила янги бир асарни, ўзгача бир талқинни тақозо этиб қолди...

ТАНКИДЧИ. «Бинафша атри»га кейнироқ яна қайтамиз. Ҳозирча «Машъял» ва «Мангулик» билан боғлиқ баъзи масалаларни ойдиллаштириб олсанак.

60—70-йилларда яратилган тарихий-инқилобий мавзудаги талайгина асарларда бир муштарак ҳолат мавжуд. Уларда маърифат чироғбонларининг инқилобий ҳаракатлардаги, инқилоб ғалабаларини ҳимоя этишдаги иштироки, роли кўрсатилади; бошқачароқ қилиб айтганда онгли, етук инқилобчилар образини яратишга алоҳида эътибор берилади. Ойбекининг «Улуг йўл», М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Й. Шамшаровининг

«Чироқ» романлари, ниҳоят, Сизнинг «Машъал» аса-
рингида шу ҳолатни кузатиш мумкин.

Бунинг аҳамияти жуда катта бўлса керак. Адаби-
ётимида негадир узоқ вақт давомида зиёлиларнинг
инқилобий ҳаракатлардаги роли муносиб ифодасини
топмай келди, зиёли зоти бўлса нуқул жадид, револю-
ция душмани қилиб кўрсатилди. Бу ахир тарихий
ҳақиқатга хилоф-ку! Утмишдаги илгор зиёлилар ҳами-
ша меҳнаткаш халқ орасида, унинг озодлик ҳаракати
бошида бўлган-ку! Лоақал Ҳамзани эслайлик. Унинг
ҳаёти ва тақдирини буюк инқилобий ҳодисалардан бир
қадам ҳам четда тасаввур этиб бўладими? Асло! Адибларимиз
шу ҳақиқатни бадиий инициофт этишга бел
боглаган эканлар, буни табриклаш керак.

ҶАЗУВЧИ. Даврлар ўтиши билан тарихга қараш ҳам
ўзгариб, аниқроги тиниқлашиб, чуқурлашиб боравера-
ди. Бунинг устига тарихий темага қўл урган адаб замон-
дошларининг кайфият ва эҳтиёжларини, савияси ва
дидлини ҳам ҳисобга олиб иш кўради. Бир вақтлар, Сиз
айтгандек, инқилобий-тарихий мавзудаги асарларда
етук, онгли инқилобчилар тақдирни эмас, оддий меҳнат-
каш деҳқонининг инқилобга келиш йўлини бадиий тад-
қиқ этиш кенг тарқалган, асосий диққат-эътибор инқи-
лобдан бурунги халқ тарихининг қоронғи, А. Қодирий
ибораси билан айтганда, кир, қора кунларини кўрса-
тишга қаратилган эди. Давр талаби шундай бўлган.
Кейинроқ, аниқроги, Ватаи уруши йилларига келиб та-
рихимизнинг ёрқин саҳифаларини, ўтмиш зулмати ичи-
даги нурларини кўрсатиш тенденцияси кучайди. Бу ҳам
замон талаби эди. Бироқ инқилоб арафаси, инқилоб йил-
лари ҳақидаги асарларимизда узоқ вақт аввалгидек,
ҳаётини ёрқин томонлари, улкан шахслар эътибордан
четда қолиб кетаверди. Ахир биз наҳотки инқилобга
эски чоригу жулдур чопон билан довдираб келиб қол-
ган бўлсак?! Наҳотки инқилоб арафасидаги оловли йил-

ларда ҳалқ ўзининг онгли , билимдон, стук йўлбошчи-
ларини етиштириб чиқармаган бўлса?

Мана шу савол кўпгина қаламкаш дўстларим каби
мени ҳам ўйга толдириди, юқорида эслатилган хотира-
лар — ўзим кўрган инқилоб дарғалари, илғор маъри-
фатчилар мени ёзишга илҳомлантириди.

ТАНҚИДЧИ. Ҳозирги кунда, хусусан ёшларда тарихи-
зизиниг маломатли саҳифаларини эмас, ёрқин томон-
ларини кўрсатишга мойиллик кучли. Атоқли адаб Абдулла Қаҳҳор «Ўтмишдан эртаклар»га ёзган сўз боши-
сида ёшлардаги бу хил кайфият боисини жуда яхши
изоҳлаб берган эди. Ўтмишни қаламга олаётган адаб
буни ҳисобга олмай иложи йўқ. Лекин ўтмишнинг ёрқин
саҳифаларини кўрсатаман, замондошларимиз кайфия-
тини ҳисобга оламан деб бошқа бир томонга ўтиб ке-
тиш, ўтмишдаги қолоқликни, жаҳолатни, тарихи-
зизиниг маломатли саҳифаларини унтиш, менимча, ҳаёт ҳақи-
қатидан чекинишга олиб келади.

ЁЗУВЧИ. Модомики социалистик реализм методи
ҳаётни бутун мураккаблиги, мусбат ва манфий томон-
лари, зиддиятлари билан кўрсатишни тақозо этар экан,
бу принцип ўтмишни акс эттиришга ҳам бевосита дахл-
дор. Менимча, кейинги йилларда биз тарихий револю-
цион тематикани ёритишда маърифатли инқилобчилар-
нинг ёрқин сиймосини кўрсатишга жазм қилгани экан-
миз, фақат адолат юзасидан иш кўрдик — бир вақтлар
қисман унтилган ҳақиқатни тиклаш йўлидан бордик. Шуниси қизиқки, «Машъал» эълон этилгач, Абдулла ака
бир учрашувда асарни ўқиб мамин бўлганилигини айт-
ди ва айни пайтда, инқилобчилар образида бир оз бўрт-
тириш борлигини таъкидлади. Биласиз, Абдулла Қаҳ-
ҳор ўша пайтга қадар яратган ўтмиш ҳақиқатиги кўпчи-
лик асарларида асосан жаҳолатда қолган, эзилган, таҳ-
қирланган шахсларни, адабнинг ўз сўзлари билан айт-
гаида, тарихиниг маломатли саҳифаларини гавдаланти-
риш йўлидан борган эди. Орадан кўп ўтмай «Ўтмишдан

эртаклар»да худди ўша маломатли ҳаёт лавҳалари, жаҳолат қурбонлари билан ёнма-ён ўтмиш ҳақидаги аввалги ҳикояларида айтарли кўринмаган янги типлар — курашчи, онгли инқилобчи шахслар образи пайдо бўлди. Бу, менимча, янги давр, янги ҳаётий эҳтиёжнинг ёзувчи ижодий эволюциясидаги акси садоси. Қолаверса, бу билан адаб ҳаёт мураккабликларидан ческингани йўқ, балки бу ҳол адабнинг ҳаётга, ҳаёт ҳақиқатига янада яқинроқ борганилигининг бир исботи. Адаб Сиз эслатган «Ўтмишдан эртаклар» сўз бошисида «ўйдирмачилликка» берилмасдан, ўз кўзим билан кўрганларимни, кечирганларимни қаламга олдим, деб ёзади. Демак, асардаги онгли инқилобчилар тўқима эмас, ҳаётда бор шахслар.

ТАНҚИДЧИ. Тарихий-инқилобий мавзудаги, хусусан инқилобнинг дастлабки йиллари ҳақидаги деярли барча асарларда ўша даврнинг бир қатор ижтимоий-сиёсий ҳодисалари билан ёндош ҳолда маърифат масалалари катта ўрин олмоқда. И. Шамшаровнинг «Чироқ», Н. Сафаровнинг «Наврўз», Сизнинг «Машъал», «Мангалик» романларинигизда шундай.

ЎЗУВЧИ. Бу ҳол, эҳтимол, социалистик революциянинг Туркистон шаронтидаги ўзига хос томонлари билан изоҳланса керак. Бизда маърифат билан инқилобни асло ажратиб қарашиб мумкин эмас. Биласиз, инқилоб арафасидаги адабиётда маърифат ғоялари жуда кенг ўрин олган. Илгор қалам аҳли бутун вужуди билан халқ орасида маърифат тарқатишга, халқни асрий уйқудан уйғотиб, жаҳолатдан халос этишига итилгаилар. Бу итилиш секин-аста миллий озодлик ва революцион гоялар билан қўшилиб кета бошлайди. Октябрь революцияси ҳамма соҳада бўлганин каби маърифат соҳасида ҳам халқининг орзу-идеалларини амалда ҳал этиш йўлини очиб берди. Ўша кезлари маърифат учун олиб борилган курашни социализм учун кураш деб тушунилган, бу йўлда катта қурбонлар берилган, кескин синфий тўқишаувлар мана шу соҳада ҳам жуда ёрқин намоён бўл-

ган. Табиийки, инқилобнинг дастлабки йиллари ҳақида қалам тебратган ҳар бир адаб бу ҳақиқатни четлаб ўтиши мумкин эмас. Қолаверса буни адиларимизнинг ҳаёт тажрибалари, таржиман ҳоллари билан боғлиқ томонлари ҳам бор. Чунки, Н. Сафаров биринчи совет мактабида таълим олган биринчи совет ўқитувчиларидан. Шундай бир одам инқилобнинг дастлабки даврига оид хотираларини ҳикоя қилар экан, унинг асарида маориф, маърифат масалалари кенг ўрин олиши табиий. Менинг «Машъал», «Мангалик» асарларимга келсак, уларда маориф, маърифатга доир саҳифалар ўзимининг кўргани-кечирганиларим, илк совет мактабида ўқиб юрган кезларим хотиримда қолган таассуротлар асосида гавдалантирилган. Мен ўша йиллар ҳақидаги айрим хотираларимни «Инқилоб ва адабиёт» тўпламига кирган «Янги давр — янги адабиёт» сарлавҳали мақоламда ҳам ёзганимай.

ТАНҚИДЧИ. Адабиётимизда илгор зиёлиларининг инқилобий ҳаракатлардаги фаол шитирокининг кўреатилиши, онгли, етук инқилобчилар образининг яратилиши катта ижодий жасорат бўлди; афусеки, адиларимиз, мана бир неча йилдирки, шу «жасорат» доирасидан нари чиқиб кетолмаётирлар, ўз вақтида, айтилган «янги гап»ни, кашф этилган бадний концепцияни хилма-хил йўснида қайта ифодалаш билан банд бўлиб қолаётирлар. Биламизки, зиёлилар ҳаётни санъаткор учун ҳаёт мураккабликларини ифода этишида, бугунги китобхонни қизиқтираётган мъянавий муаммоларга жавоб ахтаришда жуда катта имкониятлар очади; адабиётшунос А. Бочаров «Талабчан муҳаббат» китобида тўғри таъкидлаганидек, кимки даврининг асаб томирлари уришини ўрганмоқчи бўлса, кўпинча зиёлилар тақдиринга мурожаат этади, чунки зиёлилар, хусусан бадний ижод ва илм аҳли ўта сезгир, асаб сейсмографи, жамият мъянавиятидаги энг нозик тебранишларни ҳам ўзида акс эттирадиган бўлади... Бизда худ-

ди мана шу имконият қўлдан бой бериляпти, зиёли қаҳрамонлар тақдири орқали инқилоб йилларининг бадиий адабиётда ҳали очилмаган қўриқларига дадил қўл уриш, ўша давр маънавий ҳаётининг бугунги кунгача муаммо бўлиб қолаётган жумбоқларига жавоб излаш журъати етишмай турибди...

ЕЗУВЧИ. Адиб, модомини «ишланган мавзу»га қайта мурожаат этар экан, албатта унинг кўнглида китобхонга айтадиган янги гапи бўлиши керак. Тарихий инқилобий мавзу, хусусан ўша кезлардаги маърифат, маданий инқилоб билан боғлиқ ҳодисаларининг ҳали бадиий кашф этилмаган жиҳатлари беҳисоб, Сиз айтмоқчи, зиёлилар ҳаёти, тақдири бу борада ёзувчи учун бой имкониятлар беради, очиги, шу имкониятлардан керагича фойдалана олмай турибмиз. Мен «Мангалик»да: «Революция, маданий инқилоб халққа нима берди?»— деган саволга ўзимча жавоб ахтармоқчи бўлдим. Менинчча, революция халққа ошу ион, ер-сув ҳадя қилиб қолмасдан, энг муҳими, унинг иисоний шаънни, қадриин тиклади. «Қорим учун эмас, қадрим учун йиглайман» деган чуқур алам-изтироб билан айтилган гап бор халқда. Илк бор Ҳамза Фоғир образида халқнинг шударду кайфиятнини жуда яхши ифода этган. Маданий инқилобининг вазифаси ҳам фақат хат-савод чиқаришгина эмас, аввало иисонга ўзлигини танитишдан иборат бўлган. Мен «Мангалик»да Октябрь ињом этган иисон шаънни куйламоқчи, маданий инқилобнинг бу йўлдаги ролини кўрсатмоқчи бўлдим; бунга мен қанчалик эришдим — буниси китобхонларга, сиз таңқидчиларга ҳавола.

ТАНҚИДЧИ. Мана энди «Бинифаша атри»га қайтсак бўлар. Бу романнинг ютуқлари, кам-кўстлари ҳакида кўп гапирилди. «Бинифаша атри» ҳаммадан бурун «ишланган мавзуга» янги томондан ёндашиш жиҳатидан ибратли. Бу ерда гап фақат асар персонажларининг, сюжет тўқимасининг «Сенга иштиламан» романидаги-

дан фарқ этиши устидагина кетаётганий йўқ. Аввало «Бинафша атри»даги бадиий концепция ўзгача. Агар «Сенга интиламан» романида қаҳрамонлар характери асосан меҳнат жараёнида, ишлаб чиқариш муаммоларига муносабатда очилса, «Бинафша атри»да биринчи ўринга маънавий-ахлоқий масалалар чиқади, шахсий-оилавий масалалар катта ижтимоий аҳамият касб этади, қаҳрамонлар тақдирпда ҳаёт-мамот масаласи даражасига бориб этади. Асарнинг етакчи персонажлари тақдирни орқали бугуиги кунда жамиятнинг чинакам аъзоси учун фақат ишчан, ишбилармон бўлишиниг ўзи кифоя эмас, позик қалб, нафис дид-фаросат, юксак маданият, маънавият ҳам ҳаводек зарур, булардан маҳрум одам ҳалокатга маҳкум, деган фикр олиб ўтилади. Ёдимда, шундай бадиий концепция «Олтии» тўпламидаги айрим ҳикояларда ҳам ифода этилган эди, «Бинафша атри»да эса роман имкониятлари доирасида кенг кўламда бадиий таҳлил этилди. Асарнинг нафис гиёҳ ва унинг ўткир атри номи билан аталини ҳам тасодифий эмас, асар номида унинг асосий пафоси, концепцияси рамзий тарзда яхши ифода этилган.

ЕЗУВЧИ. Мен «Бинафша атри» романим устида ўйлаб юрган кезларим «Четдан келган кини», «Пўлат қуювчилар» каби асарлар саҳна ва экранга чиққан, улар муносабати билан «ишбилармон кинилар» деб аталган масалалар устида қизгии баҳслар кетаётган эди. Айрим тақиидчи ва ёзувчилар, ҳозир ҳиссиятчаник даври ўтди, эндиликла рашионализм, фақат ақлтадбиркорлик билангиши олга бориш мумкин, деган фикрни илгари сурдилар. Мен янги романимда шу хил фикрлар билан ўзаро баҳсга киринмоқчи бўлдим. Мен ѡаминманки, фан-техника асрида ҳам инсон инсонлигигча қолаверади, юксак билимдон одам учун ҳам ҳиссият, ҳайратланиш, нафосат туйғуси сув билан ҳаводек зарур, булардан маҳрум бўлиш инсон учун катта йўқотишишdir, ҳаттоқи баҳтензлиkdir. Ҳаёт ҳақидаги кузага

тишларимдан қатъий равишда шундай хулосага келиб, асарни хаёлимда етилтириб қўйган бўлсам ҳам, ҳадеганда ишим юришавермади. Асарни ёзиш учун қандайдир бир туртки, ички бир ҳиссий оҳанг етишмас эди. Шу орада мен Кримга дам олиш ва даволаниш учун бордим. Қаттиқ толиққан эканман, ҳеч нарса ўйламай, ёзмай, фақат ҳордиқ чиқаринши режалаб қўйган эдим. Лекин бўлмади. Бир куни тиниқиб уйқудан уйғонсан, кўнглум ниҳоятда равшан, димогимни қандайдир таниш, нафис бир ҳид қитиқлаяпти, бу ҳид юртимиизда эрта кўкламда қулф урадиган бинафша атрии эслатиб юборди, кўпдан ўйлаб юрган асарим инсондаги нафосат ҳимоясига бағищланиши керак эди, бояги ҳид, бинафша хаёли бир калит бўлди-ю, гўё бекик ётган илҳом булоги, қўшиқда айтилгандаи, очилди-кетди. Асарнинг номи ҳам, ифода оҳангни ҳам топилди-қолди. Уни ёзнига ўтиредим. Энди мени ҳеч нарса тўхтатолмас эди. Оз фурсат ичидаги унга охирги нуқта қўйилди... Сиз айтган рамзий деталь — «бинафша атри»нинг сеҳрли кучи, «тарихи» ана шундай.

ТАНҚИДЧИ. Асардаги Аҳмаджон билан Дилдор меҳнатда фидокорлик хислати жиҳатидан бир-бирига яқин келсалар-да, дид, маданият, маънавият жиҳатидан турли қутбларда турадилар, улар эзгу инят билан бир ёстиққа бош қўйган бўлсалар-да, орадаги маънавий тафовут туфайли бир-бири билан асло қовуша олмайдилар; ҳодисалар ривожи, мантиқи силсиласи бу онларнинг инқирозини тақозо этади, шундай ҳам бўлади. Бироқ негадир асар хотимасида шу икки қутбни бир-бирига яна қайта яқинлаштиришга уриниш, яъни шунгага имо-ишоралар бор. Шу ҳол менга бир оз эришроқ туюлгани эди, бу ҳақда «Бинафша атри»га ёзилган тақризда ҳам гапириб эдим. Фақатгина «Бинафша атри»да эмас, «Лола кўл», «Ҳаёт шиқи» достонларинингизда ҳам ҳикоя персонажлар ҳаётидаги маълум чигалликлардан бошланади-ю, шитоблик билан баҳтли хоти-

ма томон ривожланади ва деярли ҳамма ҳолларда чигаллик Сиз хайрихоқ бўлган персонажлар фойдасига ҳал бўлади.

ЕЗУВЧИ. Гарчи «Бинафша атри»нинг охирида Аҳмаджон билан Диildор бир-бирларига яқин келганига имо-ишора қилинган бўлса-да, буни ҳали «бахтли хотима» деб бўлмайди. Менинг асарларимда «бахтли хотима» билан баробар, оғир жудоликлар ҳам бор. «Машъал»ни, «Тошкентликлар»ни, лоақал улардаги Эъзозхон, Ойинса қисматларини эсланг. «Мангуллик»-чи!

ТАНҚИДЧИ. «Бинафша атри»га онд яна бир эътиrozim бор. Аҳмаджон билан Азиз — иккалови ҳам совхоз директори. Сиз уларни икки хил тиپдаги раҳбар ходим сифатида тилга оласиз, аммо уларнинг касби, меҳнати билан боғлиқ психологиясига ўқадар эътибор бермайсиз, ҳар иккала қаҳрамоннинг характеристи, борлиги кўпроқ шахсий, оилавий можаролар фонида очила боради. Асарда ишлаб чиқариш ва уни бошқариш билан алоқадор шу кунининг жииддий муаммоларини ҳам кўтариш мумкин эди-ку! Шундай қилингандай Сиз асарда кўтарган масалаларнинг кўлами янада ортган, социал салмоги ошган бўларди...

ЕЗУВЧИ. Шунақа йўналиш асарда озми-кўпми бор, лекин уни кенгайтириш имкони бўлмади, аниқроғи, роман поэтикаси, ҳозирги қурилиши буига йўл бермади.

ТАНҚИДЧИ. Сир эмас, Сизнинг асарларнингизда кучли, мардана, курашиб, романтик табиатли, голиб қаҳрамонлар кўп учрайди. Сизнинг насрый асарларнингизни лиро-романтик услубий йўналишидаги прозага мансуб дейиш мумкин.

Романтик услуб, табиийки, бир оз кўтарники, фавқулодда қаҳрамонларни тақозо этади. Сўнгги пайларда негадир кўтарники, романтик қаҳрамонларга, умуман романтик талқинига менсимайроқ қараш майли кучайиб боряпти. Ёдингизда бўлса керак, таниқли адаб Чингиз Айтматов қатор мақола, суҳбатларида, жумла-

дан, «Вопросы литературы» журналиниг 1976 йил 8-со-нида босилган «Туташ нуқтаси» сарлавҳали сұхбатида «Жамила», «Бўтакўз», «Биринчи ўқитувчи» сингари романтик жило билан зеб берилган асарларидан ҳозир қониқмаслигини айтади, шу асарларга бугунги кунда қўл урганимда бошқачароқ — ҳаётни ҳам, қаҳрамонларни ҳам мураккаброқ тасвир этган бўлар эдим, дейди. Лекин, шуниси қизиқки, атоқли адабининг жуда ўткир, мураккаб проблемаларни кўтариб чиқсан кейинги қиссалари ҳам романтик жилолардан, романтик табиатли қаҳрамонлардан холи эмас. Демак, романтик жило, романтик табнатли қаҳрамон реалистик санъаткор қўлида ҳаётниг мураккабликларини ифода қилишга хизмат этаверади, романтик жило қаҳрамоннинг ҳаётийлигини таъминлашга монелик қўймайди. Ч. Айтматовнииг «Оқ кема»сидаги бола, «Эрта учган турналар» билан «Олапар» қиссаларидаги Султонмурод ва азамат овчилар, бир томондан, фавқулодда, романтик табиатли шахслар, айни пайтда, ўта ҳаётий, реалистик образлардир.

Севимли, романтик табнатли Эъзозхон, Ойниса, Маъсъуд каби қаҳрамонларингизининг туғилиш тарихи ҳақида гапирсангиз. Умуман романтик табиатли қаҳрамонлар масаласига қандай қарайсиз?

ЁЗУВЧИ. Лев Толстойнииг «Тирилиш» романидаги бир муносабат билан инсон табиати ҳақида айтилган доно гапи бор. «Одамлар дарёдай гап,— деб ёзади адаб,— ҳаммасининг суви бир хил, ҳамма ерда ўша сув, лекин дарё гоҳ кенг бўлади, гоҳ тор, гоҳ тез оқади, гоҳ секин, суви гоҳ тиниқ бўлади, гоҳ лойїقا, гоҳ совуқ, гоҳ иссиқ бўлади. Одамлар ҳам шундай: ҳар бир одамда ҳамма инсоний хусусиятлариниг куртаги бўлади. Одам бу хусусиятлариниг гоҳ бирини, гоҳ бошқасини намоён қиласди, баъзан ўша одаминииг ўзи бутуилай ўзгариб кетади». Ёзувчи ўз асарларидага худди шу фикр-га таянгани, инсон шахсиятини бутун мураккаблиги, зид-

днятлари билан бериш йўлидан борган. Улуғ Толстой анъаналари совет адабиёти асосчилари ижодида ҳам давом этди. М. Горькийнинг «Клим Самгинининг ҳаёти», М. Шолоховнинг «Тинч оқар Дон», А. Толстойнинг «Сарсонлик-саргардонликда» сингари 20—30-йилларда яратилган шоҳ асарлари бунинг далилидир.

ТАНҚИДЧИ. Афсуски, бу анъана кейинчалик бир оз эътибордан четда қола бошлади, машъум «конфликт-сизлик пазарияси», ҳаётни «пардозлаб кўрсатиш» тенденцияси тўғоноқ бўлди. Бу нарса хусусан адабиётдаги ижобий қаҳрамон проблемасига ёмон таъсир кўрсатди, ижобий қаҳрамон бир ёқлама, нуқул ғалаба кетидан ғалабага эришаверадиган омадли шахслардан иборат бўлиб қола бошлади. 60—70-йилларга келиб аввалги подир анъана қайта янги куч-қудрат билан намоён бўла бошлади, хусусан ҳозирги рус прозасига ҳаётининг ич-ичига киприб боришига, уни бор бўйича гавдалантиришга, иносон шахснини, ижобий қаҳрамонини бутун қирралари билан кўрсатишга иштилиш кучли. Минг афсуски, баъзан ўша ҳаётни «пардозлаб кўрсатиш» тенденцияси аломатлари гоҳ-гоҳида учраб қоляпти.

ЁЗУВЧИ. Ҳаётни ҳам, қаҳрамонини ҳам бутун борлиғи, мураккаблиги билан кўрсатиш ҳақидаги фикрини қувватлайман. Айни пайтда, совет адабиёти тажрибасидаги муҳим бир фазилатга — ҳаёт мураккаблигини ҳаспўшламаган, ҳодисалар драматизмини асло сусайтирган ҳолда қаҳрамонлардаги кучли, гўзал хислатларни бўрттириб, қабартириб бериш санъатига тўла тарафдорман.

Ҳаётни, одамларни бор бўйича, мураккаблиги билан кўрсатиш деган гапни бир ёқлама тушиумаслик керак. Менинча, қаҳрамон шахсиятини мураккаблиги билан кўрсатиш шиори остида ҳар қандай одамдан зиддият, шуғен қидиравериш ўринене. Бу ҳам ҳаёт ҳақиқатидан чекинишга олиб бориши мумкин. Бу хусуслаги энг одил судя — ҳаёт ҳақиқати, характер мантиқи. Ўз тажрибам-

дан бир мисол келтирай. Бошда «Бинифиа атри» изложирамонлари — Азиз билан Аҳмаджонлар қисмати асар давомида бу қадар мураккаб тус олар деб ўйламаган эдим. Аҳмаджоннинг тақдири мен кутгандан чигалроқ бўлиб чиқди. Азизни мен ҳар жиҳатдан мукаммал бир шахс тарзида тасаввур этгани эдим. Лекин унинг характеридаги ўта юмшоқлик туфайли бошига кўп сизолар тушди. Ёки Нафиса тақдири ва характерини ёслани. Мен уни катта меҳр-муҳаббат билан қаламга олганимен унга ҳеч қанақа ёмонликни раво кўрмаган эдим. Ўз ёз мухитида ҳар жиҳатдан етук, гўзал қиз. У улкан бентга муносиб эди. Лекин менинг хоҳини-иродамга эми ўзроқ, унинг тақдири хийла чигаллашиб кетди. Ахир Нафиса билан Азизнинг севгисига қайсар ота қараштага қўлган бўлса, уни енгиш йўли бор эди-ку, Азиз билан Нафиса бош олиб кетишлари ҳам мумкин эди-ё. Бироқ Азиздаги юмшоқлик, бўшлиқ, Нафисадаги сарзиншишалик уларнинг ҳаётини ўта чигаллантириб юборди. Нафисадек гўзал қизни Қаримдек қабих. Ўз-лос бир кимса бағрида кўрганимда — ўша саҳифаларидаги ёзаётганимда қандай ҳолатга тушганимни ҳамине гапириб бериним қийин! Очиги, Нафисанинг кейинги тақдирини — боласи билан чўлга кетиб саргардсан крепшинни тасвирлай туриб кўзларимдан ёш чиқиб кетсанлигини сезмай қолганимай...

Кейинги романим «Мангалик» персонажлари, хусусан бош қаҳрамон Маъсъудини энди мен «Бинифиа атри»даги каби «мураккаб», «зиндиятли» қилиб береганса мес эдим, шундай қилинганда у асардаги ўз вазиғасен адо этолмаган бўлар эди.

ТАНҚИДЧИ. «Мангалик» қаҳрамонлари, хусусан Маъсъуд характеридаги фавқулодда хуеусичлар ахри ўртоқларга гайритабиийроқ бўлиб туюладтириб; ахир ҳаётининг ўзида Маъсъудга ўхшаш эрта балогатга эркинчлик университет — кўпқиррали, ҳамма иш қўлидан көсалевор, диган шахслар бўлади-ку. Эҳтимол, асарда шу хасият

лар ифодасида бир оз сохталик, етишмовчилик бордир, бу хусусда гапирилса бошқа гап. Менимча, Масъуд образи бир оз замонавийлашиб кетган кўринади — у 20-йиллардан кўра шу кунининг ёшлирга ўхшаброқ қолган.

ЁЗУВЧИ. Масъуд образининг туғилишида ундаги етакчи ижобий, сиз айтгандай, фавқулодда романтик хислатларни гавдалантиришда мен ҳаётдаги кузатиш ва қиёслардан келиб чиққанман. 1960 йили Кубада бўлиб, Куба революциясининг йиллик тантаналарида қатишган эдим. Ўшанда менин бир ҳолат ҳайратга солди: революция йўлбошчилари ҳам, унинг ҳимоячилари ҳам асосан ёшлар эдилар. Ўша кезлари революция дарғаси Фидель Кастро Рус 34 ёшда, Раул Кастро эса бор-йўги 26 ёшда эди. Ҳали уруш тугамаган, агрессорлар таҳди-ди сусаймаган, лекин ёшлар қалби революцион романик шижоат билан лиммо-лим эди. Ёзувчи Сергей Смирнов билан менин Раул Кастро, Сантьяго-де-Куба Кароиб денгизида ўз катерида сайдра таклиф этди, биз ба-жонидил рози бўлдик. Соҳиљ бўйлаб келямиз, америкаликлар истеҳкоми — Гуантанамо ёнидан ўтипмиз, душман автоматлари ва пулемётларининг оғзи бизга тўғриланган, душманлар катерни Раул Кастро бошқариб бораётганини ҳам сезишган, лекин Раул Кастро бунига асло парво қилган эмас!

Ўша сафар пайти 17, 19 ёшли ҳарбий саркардаларни, жангчи қизларни кўп кўрдим. Мен шунда ўйлаб қолдим — ўзимизда ҳам шундай бўлган эди-ку, бизда ҳам ўша кезлари ёшлар жуда эрта етилган эди-ку. Инқилобий ҳаракатнинг кўзга кўриниган арбоби Акмал Ширков ўн тўққиз ёшида сиёсий раҳбар сифатида танилган, йигирма уч ёшида Республика Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари қилиб сайланган эди. Миркомил Миршаропов 17-18 ёшида қизил командир бўлиб, революция душманларининг додини берган. Ҳамза ўзбек адабиётида социалистик реализмга асос бўлган асарларини яратиб қўйганида, Аблулла Қодирий би-

ринчи етук ўзбек реалистик романиниң бўганила ҳали ўттизга бормаган эдилар. Бунинг устига улар универсал — кўпқиррални шахс бўлганлар. Чуюнчи, сиёсий арбоб Акмал Икромов шеърлар ҳам ёзган эди. Мен юқорида эслатилган мақоламда Акмал Икромовнинг шеърларидан бир намуна келтирган эдим; шу муносабат билан ўнлаб мактублар олдим... Ҳамзанинг кўпқиррали фаолияти ҳаммага аён. Мен «Мангалик» устида ишлатганимда, Масъуд образи ҳақида ўйлаганимда шу ики хотиралар, қиёслар иш берди, Масъуд тимсолида ҳаётдаги ўша реал, кўпқиррални шахсларнинг маълум хислатларини ифода этмоқчи бўлдим.

ТАНҚИДЧИ. «Мангалик» бевақт, жуда эрта ҳаётдан кетган ўғлини Фарҳод хотирасига багишланганд. Мен Фарҳодни яқиндан билардим. У ҳар жиҳатдан етук йигит эди. У рус тилидан ташқари инглиз ва ҳинд тилларини мукаммал билар, спортга, китобга, санъатга ишоятда ўч эди. 1974 йилининг ёзида Қримда — Кўктебелдаги дам олиш уйидаги биз Фарҳод билан бирга бўлган эдик. Сафар чоғлари ҳаммага қўшилиб бор овоз билан қўшиқ айтгани, спорт ўйинларида эпчиллиги билан барчани лол қолдиргани эсимдам. Бир куни мен ундан бадиий ижодга майлини сўраган эдим, ёзиб тураман-у, лекин ҳали ҳеч кимга, ҳатто дадамларга ҳам кўрсатганим йўқ, деб жавоб қилди... Очиги, мен Маъсуз тимсолида Фарҳоднинг айрим хислатларини ҳам кўрдим. Мен аминманки, Масъуд образи устида ишлатганингизда юқоридаги қиёслар билан баробар Фарҳод сиймоси кўз олдингизда турган бўлса керак. Эҳтимол, Масъуд образининг бир оз замонавийлашиб, бу гунги кун одамига ўхшаб қолини сабаби шундандири.

ЁЗУВЧИ. Бу томони ҳам бор. Шундай бўлини ҳам мумкин.

ТАНҚИДЧИ. Сизининг ижодинингизда романтик табиатли кучли шахслар образи билан ёйма-ён бошқа тур — ўта хокисор, содда, самимий, камсуқум одамлар обра-

зини ҳам кўп кўрамиз. «Тошкентликлар»даги Мұҳаммад Карвон, «Бинафша атри»даги Раҳим бобо, Абдулла Саидович, «Мангулик»даги Қодир самоварчи ва ниҳоят, «Тошболта ошиқ» комедиясидаги Тошболта ошиқ... Буларнинг ҳар бири ўта таниш шахслар, шундайгина «ҳаётдан кўчириб олингандек» туюлади.

ЁЗУВЧИ. Мен хокисор, камсукум кишилар билан суҳбат қилишни яхши кўраман. Шу хил одамлардан кўп улфатларим бор. Бундай бегубор, содда, самимий шахслар билан бирга бўлиш менга катта маънавий озиқ беради. Кўнглимдан чуқур жой олган шу хил одамлар сиймосини илк бор «Тошболта ошиқ» комедиямда гавдалантиришга жазм этган эдим, кўнгилдагидек чиқди, бу образ халққа ҳам маъқул бўлиб қолди. Кези келганда айтиб ўтай, «Тошболта ошиқ» эндигина саҳнага чиқиб, томошибинилар оғзига тушган кезлари таниқли бир адаб менга таъна-дашном қилиб: «Комедияда диндорларга қарши курашни енгилроқ ҳал этибсиз-ку, Тошболта типидаги одамларни кескинироқ қоралаш керак эди»,— деб қолди. Бошқа адаб шундай қилиши мумкин, аммо мен ундан йўл тутолмас эдим, Тошболта хилидаги одамлар қаттиқ қоралашга эмас, менимча, сигил, беозор кулгига лойиқ.

ТАНҚИДЧИ. Тошболта фанатик диндор эмас, у тушуниб-тушунимай, шунчаки бир одат туфайлигини диний таомилларни адо этади, лекин ҳаёт гўзаллиги, лаззатлари олдида диний ақидаларни тамомила унтиб юборади... Тошболта худди шу содда, самимийлиги, ҳаётйлиги, гўзалликка ташниалиги билан одамларга ёқиб қолгац бўлса ажаб эмас.

ЁЗУВЧИ. «Бинафша атри»даги Абдулла Саидович ҳам нақд «ҳаётиниг ўзидан» олинган. Маҳалламиизда шундай одам бор эди. Оламдан ўтиб кетди. Унинг хотирасини романга кўчирмоқчи бўлдим. Китобхонлардан келаётган мактублардан кўринниб турибдики, бу самимий, ҳалол, принципиал одам ҳам уларга ёқиб қолибди.

Яқингинада мен янги бир комедия ёзиб тамомладим. Узим билган камсуқум одамлардан бирининг тақдири унга асос бўлса ҳам, унда кўпдан бери мени ҳаяжонга солиб келаётган бир ҳаётий муаммога муносабат билдиришга, ҳозирги турмуш тарзимиз билан боғлиқ кузатишларимни жамоатчилик билан баҳам кўришга жазм этдим. Эл-юрга кўп фарзандлар берган, қариганда кампиридан жудо бўлиб ёлгиз қолган қариянинг ҳолати, ўзига жуфтни ҳалол қидириш йўлидаги ҳам аянчли, ҳам кулгили саргузаштларидан, аминманки, томошабинилар қаҳ-қаҳ отиб куладилар, ҳаяжонга тушадилар, ўйга толадилар...

Кўрятисизми, худди тарихий-инқилобий мавзудаги, Мирзачўл ҳақидаги асарларнинг етакчи, курашчи, романтик табиатли қаҳрамонлари сингари бундай хокисор, камсуқум қаҳрамонларни ҳам ҳаётнинг ўзи менга ҳадя этган, улар мени ўзларига мафтун этмаганида, кўнглимга илҳом солмаганида, табиийки, уларнинг образлари ҳам яратилмаган бўларди.

1978 йил, февраль.

ТРИЛОГИЯНИНГ ТУФИЛИШИ

(Езувчи Сайд Аҳмад билан сұхбат)

ТАҢҚИДЧИ. Биринчи бор ўзбек адабиётида бир муқова остида уч китобни ўз ичига олувчи мукаммал бадиий трилогия пайдо бўлди. Трилогиянинг туғилиш тарихи ҳам қизиқ. Аввал «Ўфқ»нинг қоқ ўртаси — иккичи китоби ёзилди, сўнг охирига ва биринчи китоблари... Ҳозирда «Ҳижрон куилари» деб аталган илк китоб чиқиши биланоқ ушинг теварагида қизғин баҳслар бошланган эди. «Ўфқ бўсағасида», ниҳоят «Қирқ беш кун» китоблари ҳам алоҳида-алоҳида ҳолда босилди ва жиддий мунозараларга озиқ берди; ёзувчи дўстларингилизининг, адабий таңқидчиларининг «Ўфқ» китоблари ҳақида айтгани гаплари жамоатчиликка яхши таниш, кенг китобхонлар оммасининг «Ўфқ»қа берган баҳоси ҳам маълум: «Ўфқ китоблари кўп марта нашр этилди ва жуда тез тарқаб кетди. Мен «Ўфқ»қа бағишланган талай китобхонлар конференцияларининг шоҳидиман, ўқувчиларининг асар ҳақидағи юрак сўзларини эшитганимаи...»

Мана энди, ўн беш йиллик ижодий меҳнатини, трилогия устида кетгани баҳсу мунозараларни сарҳисоб этиш, у ҳақда Сиздан ҳам сўз эшитиш пайти келди. «Ўфқ»нинг туғилишига асос бўлган илк турткидан тортиб, уч китобнинг бир муқова остида чиқишигача бўлган жараён тафсилотлари ҳаммани қизиқтиради. Қисқаси, энг аввал «Ўфқ»нинг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

ЁЗУВЧИ. Аввал қандай ҳикоя ёзишимни айтиб беришим керак. Шундагина роман қандай ёзилганини тушунтиришим осон бўлади.

Бир адабиётшунос билан ижодий баҳсимиизда, ёзувчи қўли чарчагунича эмас, руҳи чарчагунча ёзиши керак, деган эдим. Ижодни жисмоний меҳнатдан қанчалик фарқ қилишини айтмоқчи бўлганиман.

Бир футболчи матчдан кейин майдондан чиқар экан, бир неча кило оғирлигини йўқотади, дейишади. Ёзувчи ҳам битта ҳикоясини тугатганда анчагина қонини йўқотса керак, дейман. Ўзимдан қиёс, мен ҳикояларимнинг ҳаммасини кечаси, тонг отгуича ёзиб тугатаман. Эртасига қаттиқ ҳоригаи, толиққан бир алпозда юраман. Фақат янги ҳикоя ёзганимнинг завқи, нашъаси мени руҳаи ушлаб туради.

Энди саволингиизга берадиган жавобимнинг дебочасини бошлайман. Кичкинагина бир ҳикоя шунчалик азоб билан ёзилса, энг камида қирқ-эллик ҳикояга тенг келадиган роман қандоқ ёзилар экан. Шунинг учун ҳам роман ёзишига сира журъат қиломасдим. Битта роман ёзгандан кейин ўлиб қолсам керак, деб ўйлардим.

Оғир юк кўтарган кишини тасвиrlаганимда ўзим ўша юкин кўтаргаидек кучаниб, терлаб кетаман. Ўлим манзарасини тасвиrlаганимда энг яқин кишиимнинг жасади тепасида тургандек йиглагим келади.

Хулласи, инмани тасвиrlасам ўзим ўша воқеанинг иштирокчисига айланаман. Шунинг учун ҳам ҳар бир бобни ёзганда қаттиқ чарчаб, толиқиб қоламан.

Кулгилли ҳолатлар тасвирига келганда яйраб кетаман. Сира чарчамайман. Шундай пайтлар ҳам бўлганини, «Муштум» учун бир кечада икки-уч ҳикоя, телеминиатюраларининг бутун бир кўрсатувига саккиз-тўқиз миниатюра ёзган пайтларим ҳам бўлган. Сира чарчамаганман.

Менинг жиддий ҳикоя ёзишим худди аёл кишининг кўзи ёришидек азобли бўлади.

Мен ҳеч қачон ҳикоями, қиссами ё романми ёзганимда сюжетни охиригача ўйламайман. Аввалдан тайёрлаб қўйилган схема қаҳрамонини адаштиради. Қаҳрамони аввалдан чизиб қўйилган чизиқдан юрмай, оғанини тираб олади.

Агар ёзувчи ўз қаҳрамонининг кимлигини аниқ билса, хулқи, иродаси, характери, тезлиги, сустлиги, қомати, жисмоний устунлиги ёки заифлиги, сўзамоллиги, журъатсизлиги... шуларнинг ҳаммасини билган ёзувчи романнинг иккича бобидаи кейин қаҳрамонини ўз ҳолига қўйиб бериши керак. Ёзувчи уни кузатини, қилган ишлари, учрашган одамлари, юрган йўлини таҳтил қилиб бориши керак. Агар уни аввалдан чизиб қўйилган йўлдан юришга мажбур қиласа, қаҳрамон сунъий, ясама бир одамга айланади. У ўз характерига мос келмаган қилиқлар қилиши, ўзи хоҳламаган гапларни айтини, қўлидаи келмайдиган ишларни адo этини керак бўлиб қолади. Бундай китоб қаҳрамонининг саргузашти ўқувчини ишонтирумайди.

ТАНҚИДЧИ. Маълум бўляптики, бадиний ижод сирли, сеҳрли руҳий жараён. Бу ишда олдиндан ҳамма нарсани аниқ-равшан режалаб олини мушкул. Ижод давомида аввалги мўлжаллар бутуилай ўзгариб кетавериши табиий... Шундай бўлса-да, «Ўфқ»нинг қоқ ўртасидан бошланиш сабабини билгимиз келади.

ЁЗУВЧИ. Романин икки китоб қилишини мўлжаллагандим. Уруш даври биринчи, урундан кейинги давр иккинчи китоб бўлиши керак эди. Шундай қилиб ёздим ҳам.

Шу икки китобини ёзни жараёнида Фаргона водийси кинилари, маизаралари менин ўзига жуда-жуда ром қилиб қўйди. Икки китоб қаттиқ ҳаяжони, изланишлар, турли руҳий эзилишлар, қувонилар билан ёзилганидан китоб битгандан кейин ҳам, ўқувчилар қўлига тегиб,

адабий таңқид яхши-ёмон гап айтгандан кейин ҳам унинг руҳидан чиқиб кетолмадим. Бирон ҳикоя ёзсан ё шу романга кирмай қолган бобга, ё қаҳрамонларидан биронтасига ўхшаб қолаверди.

Бундай ҳолат саҳна усталарида ҳам бўлиб туради. Агар актёр бирон роль устида қаттиқ ишласа, узоқ вақт ўша роли таъсиридан чиқиб кетолмай, қандай роль ўйниса ҳам аввалгиисига ўхшаб қолаверади. СССР ҳалқ артисти Аброр Ҳидоятов Отеллодан кейин ўйнаган ҳамма қаҳрамонларини Отеллога ўхшатиб қўяверди. Машҳур артист Симонов Пётр I, Бабочкин Чапаев бўлиб қолаверди. Симонов Пётр I га қарама-қарши Монтанелли /«Сўна» бадиий фильмни/ ролидан кейингина ўзини ўнглаб олди.

Мен «Уфқ»ка қарама-қарши асарга мавзу қидирмадим. Роман воқеалари юз берган жойларда содир бўлган буюк бир воқеа менин ўзинга тортди. Бу жаҳон ирригацияси тарихида ҳеч қачон изи йўқолмас Катта Фарғона қақали қурилиши эди.

ТАНҚИДЧИ. «Ўзбекистон маданияти»да босилган бир мақолада Сизни тўлқинлантирган шу қурилиш ҳақидаги асарни алоҳида роман деб атаган эдингиз. Қандай қилиб у «Уфқ»нииг биринчи китобига айланиб қолди?

ЕЗУВЧИ. Алавалига бу мавзуни алоҳида роман қилиш ниятида эдим. Мустақил китоб сифатида бир-икки боб ёзиб кўрдим ҳам. Аммо ҳамон руҳимда «Уфқ» ҳаяжони яшарди. Бўлмади. «Уфқ»дан қутулиш учун янги романни яна бир-икки йил кечиктиromoқчи бўлдим. Шундай қилдим ҳам. Бўлмади. Бу руҳдан қутулиш қаёқда, борган сари янги китобим «Уфқ»ка ёнишиб кела-верди.

Бундан ташқари, адабий таңқид роман қаҳрамонлари Икромжон билан Турсунбойлар характерларининг шаклланишида қандайдир етишмовчилик борга ўхшайди, деб таъна қилган эди. Бирлан менда янги ёзадиган

китобимни «Уфқ»нинг биринчи китобига айлантириш ва ўша характерларида етишмовчилик бўлган қаҳрамонларни киритиш фикри туғилиб қолди.

Даврниг ёнма-ёнлиги, маконнинг бирлиги ишимни осонлаштириди.

Аммо янги роман янги характерлар яратишни, янги тўқнашувлар бўлишини тақозо қиласади. Шунинг учун ҳам мустақил яшай оладиган, ҳам «Уфқ»га дебоча бўладиган китоб ёзиш вазифасини олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ўзингизга маълум, халқимиз ҳаётида сира унутиб бўлмайдиган буюк бир воқеанинг шу пайтгача керагича қаламга олинмаслиги ёзувчилар зиммасида жуда катта қарз бўлиб ётган эди. Канал иштирокчилари йиллар ўтиши билан озайиб боряпти. Воқеалар хотирада хира торта бошлаяпти.

Тошкентда туриб Фаргона кишилари тўғрисида роман ёзиши қийин эди. Атайнин Катта Фаргона каналининг Куйганёр тўғонига кўчиб бориб, ўша срда ёза бошладим. Қаҳрамонларим — канал ветераилари атрофимда. Воқеа содир бўлган ерлар кўз олдимда. Расомлар «с натуры» деганиларидек, мени каналга, одамларга қараб ўтириб китоб ёздим.

Шундай қилиб, икки китобли роман бенхтиёр трилогияга айланди.

ТАНҚИДЧИ. «Уфқ»нинг тугилишида аввалги ёзилган ҳикояларнинг жумладан, «Чўл ҳикоялари»нинг роли ҳақида нима дейсиз. Менга мавзу-муаммолар жиҳатидан ҳам, услубий-тасвирий оҳанглар томонидан ҳам «Уфқ» ҳикоячилликда тўпландиган тажрибаларнинг синтезига ўхшайди.

ЁЗУВЧИ. Чўл ҳикояларини ёзишдан аввал «Уфқ»ни ўйлаб қўйганман. Аммо чўл романтикасини ҳис қилломай гаранг бўлиб юрадим.

Ўзингиз ўйланг. Романларда ошиқ-маъшуқлр булоқ бўйларида, шаршаралар ёнида бир-бирларига роз ай-

тишади. Гулларга буркаңга чамаңзорда, булбулиниг тўлиб-тўлиб фарёд уришидан энтикиб-энтикиб, ишиқ изҳор қилишади. Тоғлар чўққисида оппоқ булатлар сузади. Фонтанлар олдида ошиқ-маъшуқлар сайдир қилишади.

Мен ниманин тасвиrlайман. Менинг ошиқ-маъшуқларим қайси гулга, қайси фонтанга қарайди. Қайси булбулиниг овозини эшитади. Ҳаммаёқ тап-тақир чўл. Бу жойда на бир мусинча, на бир қалдирғоч бор. Унинг устига мен гўзал деб тасвиrlамоқчи бўлган қизнинг қўллари уруш меҳнатидан қадоқ бўлиб кетган, юзларини чўл шамолларин аёвсиз дағаллаштирган. Уларнинг эгнида на бир дурустроқ кийим, на бутун пойабзал бор.

Тасвиrlаниадиган объектда ҳам, одамларда ҳам кўзини ром қиладиган бирон раунд йўқ.

Шунинг учун аввалига разведка — одамлар қалбига разведка маъносида бир неча ҳикоялар ёзишни мўлжалладим. Ёзявои чўлларнда узоқ кездим. Чўлқуварлар изидан юриб, улар тўгрисида бирин-кетин ўнга яқин ҳикоя ёздим. Шу жараёнда ташқаридан қарагандар дарров кўзга ташланмайдиган ажиб бир гўзалликларини кашиф қила бошладим. Сап-сариқ файзениз чўлдан тополмаган гўзалликларни одамлар юрагидан топа бошладим. Бора-бора чўлда ҳам ҳеч ким пайқамаган нафислик белгилари кўрнишиб қолди.

Мана шу чўл ҳикоялари воқеалари романда такрорланмаган бўлса ҳам, лекин улар роман учун бир разведка вазифасини ўтади. Шу ҳикояларни ёзмаганимда ё романни ёзолмасдим, ё у жўпроқ бир китоб бўлиб қоларди.

ТАНҚИДЧИ. Ўзбек прозасининг характерли бир ашъянаси бор. Талай адилларимизни Фарғона водийсин ўзига мафтун этган. Улар гўё «пилҳом қидириб» водий томон талиниадилар. А. Қодирий «Ўтган кунлар» билан «Мехробдан чаён»да, Ойбек «Олтии водийдан шабадалар»да, F. Гулом қатор ҳикоя ва очеркларида шун-

дай йўл тутганлар. Мирмуҳсинининг «Умид», Ў. Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романларидағи ҳаяжонли саҳифалар Фарғона колорити билан боғлиқ. Сиз ҳам асл тошкентлик бўла туриб, нуқул Фарғона кишилари ҳақида ёзасиз; аксари ҳикояларигиз, мана энди «Уфқ» бошдан-оёқ Фарғона колорити руҳи билан йўғрилган. Бу ўзингиздаги шахсий майл оқибатими ёки насримиздаги маълум анъаналар билан bogлиқми?

ЁЗУВЧИ. Ўзим тошкентлик бўла туриб, Фарғона кишилари тўгрисида асар ёзишимининг асл сабабини билмайман. Билмадим, ўзбек халқига хос миллӣй хусусиятлар, халқнинг анъаналари, манзараларидағи миллӣй руҳ бу тарафларда кучлилигими, манзараларининг гўзаллигими, билмайман. Ҳар қалай китоб ёзинга майл йўқ пайтларида ҳам ўша тарафларга кетиб қолгим кела-веради.

ТАНҚИДЧИ. Айрим танқидчи ва ёзувчилар, ҳозир «мини роман»лар даври келди, кўп китоблардан иборат қалин асарлар, иирик эпик полотниолар даври эса ўтди, дейдилар. Бу фикрга қандай қарайсан?

ЁЗУВЧИ. Бу фикр, менимча, уичалик тўгри бўлмаса керак. Мебеллар, радиоприёмниклар, магнитофонлар, телефон аппаратлари ихчамлашини мумкин. Аммо санъат асари ҳажм билан ўлчаммайди. Даврга, модага қараб шимининг почаси торайини, кенгайини, мумкин, аммо санъат бундай модаларга бўйсуммайди.

Бир пайтлар уч бурчак, тўрт бурчак, олти бурчак шеърлар пайдо бўлган эди. Аммо Пушкин, Лермонтовларининг шеърлари бунақа шаклларениз ҳам ҳамон ўз хизматини қилинти. Ўқувчини ҳаяжонга соляпти.

Агар роман катта ҳажмни кўтарадиган мазмунига эга бўлмаса, албатта мини бўлгани маъқул. Катта гап айтадиган, катта воқеаларни бағрига жо қилган романлар қанча катта ҳажмда бўлмасин, ўқувчи уларни жонжон деб ўқийди.

Бу китобнинг мазмунига, ёзувчининг маҳоратига боғлиқ.

ТАНҚИДЧИ. Аслида ҳозир «мини роман»лар билан бир қаторда йирик эпик полотноларга қизиқиш ва эҳтиёж ҳам сусайганий йўқ. Галингиз тўғри, социологик тадқиқотларга қараганда кейинги пайтларда юнқа китоблардан кўра қални, лекин яхши китоблар кўпроқ ўқилаётган экан.

Биз танқидчиларниңг бу хусусда бошқа бир муаммо ташвишга соляпти. Кўп китобдан иборат романларниң деярли ҳаммасида барча китобларни тутиб турадиган яхлит гоявий-поэтик оҳанг, драматик асос, бош ёки марказий қаҳрамон етишмай қоляпти.

ЁЗУВЧИ. Менимча, бу йирик эпик форманинг қусури эмас, балки эпик маҳорат етишмаслиги оқибати. Шуниси ҳам борки, йирик эпик полотноларда барча китоблардан ўтадиган бони сюжет чизиги, қаҳрамонлар бўлишини талаб этиш ҳар доим ҳам ўринили бўлавермаса керак. Ўзим тўғримда шундай дейишум мумкин. Уч китобни бошдан-оёқ уннаб турадиган асосий қаҳрамон йўқ.

Мен атайни шундай йўл тутдим. Ўзингизга маълум, учала романда республикамизининг уч муҳим даврни тасвирлашга ҳаракат қиласдим. Яқни ўн йиллик лавр қамраб олингани. Бу давр воқеаларни бир одам тақдирни орқали ўтказишни лозим топмадим. Бу гоят кескин, ҳар йили янги шиндатли ҳодисалар, янги-янги тақдирлар, қаҳрамонлар тугилган давр эди. Шунинг учун ҳам ҳар бир романга янги қаҳрамонлар ижод қилишини лозим топдим. Аммо уч китобни бир-бирига боғлаб турадиган руҳни назардан қочирмасликка ҳаракат қиласдим.

ТАНҚИДЧИ. Асар материали, гоявий-бадний йўналиши тақозоси билан шундай йўл тутилса майлику-я, кўпинча қаҳрамонлар гоявий-бадний юнинг енгиллиги туфайли иккинчи китобга ўтганида нима қиласарни бил-

май қоляпти, кейинги пайтларда «мини роман»ларимизда ҳам ҳатто бир китоблик юкка эга бўлмаган қаҳрамонлар пайдо бўлиб қоляпти, натижада қисса ёки новеллалардан, баъзан эса новеллабоп характерлар, тақдирлар йиғиндинсидан ҳосил этилган романлар ёзиляпти. Буни роман жанридаги изланиш, янгиланиш деб атовчилар топиляпти.

ЁЗУВЧИЙ. Агар бир китобдан иборат романда асосий қаҳрамон марказда турмас экан, Сиз айтгандай, қаҳрамон романбоп юкни кўтаришга қодир эмас экан, бу ёзувчининг нўноқлиги. Масалан, М. Шолоховнинг «Тинч оқар Дон»ида Григорий тўрт китобда тўлалигигча тасвирланган. Шолохов ўзини ўёқ-буёққа ташламай, изчил тасвирлай олган-ку. Демак, кўп китобли роман ёзадиган авторда эпик маҳорат ниҳоятда қиёмига етган бўлиши керак экан. Биз мана шу жиҳатдан оқсаб турибмиз.

Биз бу нуқсонларимизни оригиналлик ниқобига яширмоқчи бўламиз. Баъзан оригиналлик маҳорат эмас, ожизликни кўрсатади.

ТАНҚИДЧИ. «Уфқ»ка қадар Сиз асосан лирик ва ҳажвий ҳикоялар устаси сифатида ташплган эдингиз. Ҳикояда-ку тасвир оҳангни топиш, таъминлаш бирмунча осон; мавзу-материал, маънио характерига қараб, ўз-ўзидан унинг оҳангига ҳам қўйилиб келаверса керак. «Уфқ» эса ғоят кўп планли; ундаги тақдирлар, характерлар, мавзу-материаллар ҳар хил. Уларнинг ҳар бири ўзига мос тасвир оҳангни, усули ва услубини тақозо этади. Бу жиҳатдан ҳам «Уфқ» ўзбек романчилигига ўзига хос ҳодиса. Ҳам майни лирик, ҳам трагик, ҳам юмористик, ҳам сатирик холатларнинг бу қадар кеңг кўламда қўшилиб, туташиб кетиниш авваллари романчилигимизда деярли кўринмаган эди. Бунга эрининида қандай тажрибаларга таянгансиз? Умуман, «Уфқ»нинг майдонга келишинида ўзбек, рус ва боинқа халқлар аданбети роман усталарнинг таъсири, тажрибаси ҳақида

гапириб берсангиз. Ижодда мавжуд тажрибалариниг роли ва ҳар бир ёзувчининг ўз йўли, ижодий индивидуаллиги хусусида нима дейсиз?

ЁЗУВЧИ. Ҳикоячиликда анча пишиб қолган эканман /албатта бу гап билан ҳикоя ёзишда бошқалардан ўтиб кетдим демоқчи эмасман/. Сюжет тузиши, ҳикояни бошдан-оёқ бир оҳангда олиб чиқиб кетиш тўғрисида гапирияпман. Ҳар қалай ҳикоя кичик нарса, уни бир оҳангда тутиш уччалик қийин бўлмайди. Аммо романни буидай қилиш қийин. Аввалига шундай қилишни мўлжаллагандим. Қарасам, жуда қийналиб кетадиганга ўҳшадим. Кейин ўйлаб-ўйлаб бошқа бир йўл тутмоқчи бўлдим. Роман персонажларининг ҳар бирiga алоҳида оҳанг бермоқчи бўлдим.

Икромжон тасвирида жиддий оҳанг ташладим. Асерора тасвирига келгандай бу оҳанг ўзгаради. Иноят Оқсоқол бутунлай бошқа бир потада ёзилган. Турсунбой тасвирига келгандай оҳанг тоҳ зарбли, тоҳ юқори пардага чиққандай бирдан узилиб қолади. Зебихонда эса маини халқ куйлари оҳангни аралашиб туради.

Китобни қўлимгага олиб бирон саҳифасини ўқиб қолсам, дарров ёзган пайтимдаги оҳанг қулогум остида жаранглаб кетади. Билмадим, ўқувчида ҳам шунаقا бўлармикин ё ўзимга шунаقا туюладими? Сиз шу ҳолатни сезмадингизми?

ТАНҚИДЧИ. Эҳтимол. Сиздаги мусиқий ҳолат ўзгаларда айлан тақрорланмас. Шахсан мен асарининг энг ёрқин, ҳаяжонли саҳифаларини ўқиганимда мавжуд куйлар оҳангни эмас, авваллари сира эшитмаган, бошқаларда учратмаган ҳиссий оҳангни түйиб тураман.

ЁЗУВЧИ. Романда, айтганингиздек, персонажлар кўп. Уларниң ҳар бирини алоҳида тасвирилаш, тақдирларини кўреатиш, арзигулик бирон вазифанин аддо этдириши керак. Булардан ташқари улар ўқувчининг хотирида қолиши, уни ҳаяжонига солини лозим. Бу ёзувчи учун жуда қийин вазифа. Ҳар қалай мен эринмай, улар-

ни батафсил кўрсатишга ҳаракат қилдим. Лекин қанчалик уddyаладим, аниқ айтолмайман. Буни сиз адабий танқидчилар айтасиз.

Таъсир ва ижодий индивидуаллик масаласига келсақ, жаҳон адабиёти яратган иодир асарларни ўқимай туриб ёзувчи бўлиш қийини, албатта, Тургеневини, Қодирийини, Ойбекни ўқимай бирдан роман ёзигб бўлмайди. Улардан ижодий сабоқ олмаган ўзбек романчиси йўқ. Мен, албатта, бу устозлар мактабидан ўз билганимча сабоқ олганиман. Лекин уларга эргашмаганиман. Улар услуби ёки сюжетини такрорламаганиман. Мундоқроқ бўлса ҳам, етук бўлмаса ҳам ўзим янги оҳанг, янги услубда ёзганиман.

Ҳар бир ёзувчи воқеага, ҳаёт фактларига ўз кўзи билан қарайди. Ўз фикри билан мулоҳаза қилади. Ҳар бир ёзувчининг кўзи илғайдиган раинглари бор. Қулоги эшигадиган оҳанглари бор. Ҳар бир кишининг қалби ҳаёт фактларини ўз ҳиссиятлари орқали кечиради. Бу факторлар ҳақиқий ёзувчини ҳамкасабаларидан ажратиб турадиган индивидуалликка олиб келади.

Хуллас, мен «Уфқ»да бирорвга ўхшамастикка ҳаракат қилганиман. Ёзаётган ҳар бир жумлани, шу ростми, бирор ўқиса шинонадими, деб ўзимлан-ўзим сўраб ёзганиман. Биронта ёзувчининг китобидаги тасвири, биронта ўхшатиш беихтиёр кириб қолмаслигини контрол қилиб турганман.

Концертда ажойиб бир хофиз ўзи ихтиро қилган қўшиқини ижро этди дейлик. Томонабинининг чекенз олишига сазовор бу ижродан кейин яна бир одам чиқиб, худди шу қўшиқни ижро этса, қандоқ бўлади? Ҳар бир санъат асари оригинал бўлиши, бир марта яратилини керак. Бирорвнинг кулгисини, бирорвнинг йигисини такрорлаб бўлмаганидек, бошқа бир авторининг ҳиссиятларини такрорлаб бўлмайди. Ҳатто, ёзувчи ўз ҳисларини бошқа бир пайт ўзи ҳам такрорлаётмайди.

ТАНҚИДЧИ. Асадаги бош қаҳрамонлар — Икром-

жон, Азизхон, Тогаларининг ҳаётий заманин ҳақида таинидчилар орасида ҳар хил гаплар айланиб юрибди. Уларга аниқлик киритиш учун ўзининг гуваҳлигиниң керак бўлиб қолди.

ЕЗУВЧИ. Икромжон билан Азизхонни ўзим яратганман. Аммо Тога бор одам. Фаргона областининг Тошлоқ раёнинда машҳур бир колхоз бор /ҳозирги иоми «Москва»/, Раҳимберди Тўхтабоев деган бир киши раислик қиласади. Мен у киши билан кўп гаплашганиман. Бир-биримиз билан борди-келдимиз бўларди. У кишини халқ Тога деб атарди. Тога раислик қилган колхоз бутуни Фаргона водийсига машҳур эди. Тога Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат бўлган. Қатор орден, медаллар билан мукофотлангани.

Шу колхоз уруши йилларида Ёзявон чўлларидан янги ер очганди. Ромаида тасвирланган макон географик жиҳатдан аниқ жойлар. Тога ҳам бўрттирилмасдан, ортиқча бўёқларенз аниқ кўрсантилган. Икромжон образи ижодий фантазия маҳсулни, аммо бу образининг яратилишига туртки бўлган бир киши бор. Тога раислик қилган колхозда чўлга биринчи бўлиб чиққан, қамиш кўйдириб ер очгани Ориф Каримов деган киши Икромжон образига туртки берганди.

Азизхонни ўзим ҳаёлан ижод қилганиман.

Азизхон бебош, ерга урса кўкка сапчидиган, қилинчилимишидан элга наф тегмайдиган бебошвоқ йигит. Мен уни атайн шундай тасвирладим. Бунга сабаб, Норин дарёсига уни қиёс қилмоқчи эдим. Норин дарёси кўпириб-тошиб, экинизорларни пайҳон қилиб оқарди. Шундай бекиёс хазинадан наф кам эди. Азизхон ҳам шунаقا. Унда фил кучи бор. Аммо бу куч беҳуда иншларга сарф бўлади. Шу икки кучининг бўйсунини тасвирламоқчи бўлдим. Бу образининг прототини йўқ. «Қирқ беш кун»нинг кўпчилик интироқчилари ўз исем-фамилиялари билан аниқ тасвирлангани. Дўнап Дўсематов, Жўра полvon Гойипов, Тожимат ота Хидиров.

Инженер Белявский образи ҳам жиндек ўзгартиш билан тасвирланган. Қанал проектини тузишда, қанал қазиш жараёнида катта меҳнат қиласа кекса инженер Клавдий Синявский бу образга асос бўлган. Мен унинг таржимаи ҳолига ўзгартириш киритганим сабабли фамилиясини бошқача қилишга тўғри келди.

Умуман, ҳар учала романда тасвирланган жойлар аниқ, қишлоқлар, маҳаллалар, йўллар аниқ жугофий асосга қурилган.

ТАНҚИДЧИ. Айрим таңқидчилар «Қирқ беш кун»да қанал қурилишидаги ишлаб чиқариш характеристидаги можаролар, конфликтлар қаламга олиммаганигини айтдилар. Қанал қурилишининг бевосита шитирокчиси сифатида бу хусусдаги муроҷазаларга қандай қарайдисиз?

ЁЗУВЧИ. Мен умуман яхши таңқидга таи бераман. Шундай ҳам айтиш керакки, китобни ҳаётдан узиб олиб таҳлил қилиш менга уича маъқул эмас. Агар таңқидчи ёзувчи даражасида бўлмаса ҳам маълум даражада ҳаётни кузатган бўлса, баҳо берадиган китобига бошқачароқ ёндашади. Шу баҳона билан «Қирқ беш кун» атрофида бўлган баъзи таңқидий муроҷазаларни эслатиб ўтмоқчимаи.

Катта Фаргонга канали қурилишидаги меҳнат жараёни яхши тасвирланган, аммо қийинчиликлар, иш юзасидан майдонга келган жиҳдий конфликтлар етарли кўрсатилмаган, дейилди. Бу хил таъналар кўн таңқидчиларнинг матбуотда эълон қилинган мақолаларида қайл қилинди.

Агар Катта Фаргонга канали қурилиши жараёни таңқидчиларга аёи бўлса, оз бўлса ҳам, қурилиши тарихига бир назар ташлаганларида бу хил таъналарга ўрин қолмасди.

Бунга бир мисол келтироқчимаи.

Қурилиш бошида республикамизнинг жами раҳбарлари туришди. Ўзбекистон Компартиясининг Биринчи

секретари Уемон Абдуллоев, АССР олий сенати ёки
зидиумининг Радио Телевизиони, Узбек Физика
сарлар Советининг Радио Адміністрацияси, яхши мактаб
комиссарлари ўз соҳаси бўйича иш ташеббиҳи.

Фарғона водийсанда юқисанк чиқаш юборишини

Иш газиқ план-проект сенатида бир мөнбиди ишлари
этарди.

Бу ерга парехур бўк, Ичкимкооз йўқ, Бироркни
бўк, Урги бўк. Гуд ҳирх бем кун су ерга коммунист
қурилгандек эди. Онгат текни им кийимларни текни
Медицина, маданий хизматлар текни...

Дангса бўк. Бироркни сароз зўрлао шилагани ўғуру

Бадний солж тутуб ёзаруз бўлган оминаларни то
ниш амримаҳас. Мен ҳалтади ҳалиб сунъий рашнини
конфликт яратишни мумкин. Аслини олганда, мана шу
қийинчилликни ёзсан болса керак, шу пайтгача Кат-
та Фарғона кўнгли қурғанини тўғрисида бирон жиддий-
роқ асар яратилишини.

Агар романга тўқиб чиқазилган конфликтларни
қиритганимиз қурғанини олемшумул аҳамиятига
зарар етказган, шу бундай қурғанини фидокорларининг
нафсониятига теккан бўлардик. Мен айни тақиидчилар
тавсия қилган тарздаги конфликтни тўқиб чиқариним
мумкин эмас эди.

Билмалим, ҳар қалай мен шундай леб ўйлайман.
Шунинг учун ҳам тақиидий фикрларининг шу қисими
менга унча ўтиришмади.

ТАҚИИДЧИ. Мен аввал ҳам айтган эдим, батъилар
даъво қилгандек, «Кирқ беш кунининг меҳнат тасвири
билан боғлиқ камчилиги» қўрилишдати қийинчилликлар,
кўнгилсиз ҳодисалар, салбий томонлар муаллиф оли-
боридан четда қолиб кетганинда эмас, Сизнишича, исли
да ҳаётда айни шу тарздаги ҳодисаларининг ўзи бўл-
маган экан. Лекин бу билан асар конфликтлан, ҳодиса-
лар драматизмдан холи деган матни чиқмайди. Меним-
ча, айrim ўртоқларниң романлари мавжуд меҳнат тас-

виридан кўнгли тўлмаётганлигини боиси бошқа ерда — Сиз айтган халқдаги ўша мислсиз шижаотнинг маънавий омиллари, ҳаётий замини, уларнинг фалсафий-эстетик маъноси, бугунги кунга алоқадор томонлари етарли даражада чуқур очиб берилмаганида бўлса керак... Шундай қилингандан асар драматизми ҳам ўз-ӯзидан янада ўткирлашган бўларди.

ЁЗУВЧИ. Бу томонига бир нарса дея олмайман.

ТАНҚИДЧИ. Бир вақтлар, «Уфқ»даги она образида гражданлик туйғуси етишмайди, деган гап бўлган эди.

ЁЗУВЧИ. Қаҳрамондаги, қолаверса кишидаги гражданлик туйғусини бир хил мезон билан ўлчаб бўлмайди, бу иоёб туйғу ғоят хилма-хил кўрнишда намоёни бўлиши мумкин. Айрим асарлардаги она образларидан фарқли ўлароқ мен яратган она ўзининг гражданлик туйғусини эл-юрт олдида намойишкорона кўз-кўз қиласмайди.

ТАНҚИДЧИ. Она иоқобил фарзандидан сўнгги дақиқаларгача кўнгил узолмайди, айни пайтда шу иоқобил фарзандининг ножўя хатти-ҳаракатлари туфайли эл-юрт кўзига тик қаролмай, ўз дардии ҳатто энг яқин кишисига ҳам айтольмай, юрагини ёролмай, ўқинч, гам-аламлар исказжасида оламдан ўтиб кетади. Шунинг ўзи гражданлик туйғуси эмасми?!

Она образининг бошқа бир гоявий-эстетик функциясини ҳам учутмаслик керак. Онанинг аччиқ қисмати Турсун жиноятининг нақадар мудҳии эканлигини юракдан ҳис этишга ёрдам беради; боиқачароқ қилиб айтганида, бу аччиқ қисмат китобхон қалбидаги чуқур нисоний, гражданлик туйғусини аланга олдиради. Кейинги йилларда эл оғзига тушиган, кўп жиҳатдан «Уфқ»да тасвир этилган ҳодисани ёдга тушурувчи В. Распутинининг «Яшайверу унутма» қиссасидаги Настванинг фожий қисмати тасвири ҳам худди шундай кучга эга...

Кўрятсизми, биэ таңқидчилар Сизни фақат таңқили қилиб қўя қолмаймиз, балки асоссиз таңқиддан ҳимоя ҳам қиласиз.

Гап таңқидий муроҳазаларга келган экан, яна бир масалада Сиз билан баҳслашмоқчиман. Барча асарларингида бўлгани каби «Уфқ»да, хусусан «Қирқ беш кун»да бўрттиришга, муболагадорликка мойиллик кучли. Бунда баъзан меъёри ошириб юборасиз. Ёдингизда бўлса керак, «Уфқ»нииг университет студентлари даврасидаги муҳокамасида Абдулла Қаҳҳор ҳазил аралаш: «Санд Аҳмад баъзан китобхон кулавермаса қитиқлаб кулдиради, йиглайвермаса кўзига пиёз суртиб йиглатади», деган, бунида шу хил бўрттириш, ошириб-тоширишларни назарда тутган эди.

ҶАЗУВЧИ. Ҳажвий ҳикояларимда муболага кўп бўлади. Ўқувчи ҳам муболагани хуш кўради. Бирон китобхон, бу муболага-ку, жуда ошириб юборибсан, деб таъна қилмаган. Романлардаги бўрттиришлар ҳажвчиликдан бенхтиёр ўтиб қолган бўлса ажаб эмас. Умуман, муболага бўлса, нима бўпти? Ўқувчи ишонмаса, шубҳага тушса бошқа гап эди. Албатта, муболага меъёрида бўлиши керак. Мен муболагани сира меъёридан оширмасликка иштиламан. Меъёридан ошган пайтларда ҳажв баҳонаси билан ўқувчини чалгитаман, шу муболагани таҳлил қилишга фурсат бермай, уни бирон қизиқ гап билан овора қилиб қўйман. Бу ҳам бир приём-да!

«Қирқ беш кун»да муболага кўпроқ деган маънода шама қиляпсан. Асло ундан ёзим. Канал қурилишида бир ярим минг процент норма бажарган кишилар бўлгани. Мен улар қилган ишларининг ярмини ёздим. Етти, саккиз юз процент деб кўрсатганиман. Агар аслини ёзганимда, билмадим, муболаганинг қанақаси бу, деб ҳайрон бўлардигиз. Андижонининг Заврак қинилогидан келган етмиш яшар Тожимат Хидиров деган киши кунлик ер қазиш тоширигини минг процентдан ба-

жарган. Китобда унинг нормасини анча камайтириб кўрсатганиман.

Халқ қурилишларидағи кўтарилик мөхнат кишиларини ҳозирги кўп ёшлар ҳатто тасаввур ҳам қиломайдилар. Ҳақиқатда эса муболаганинг бўйи етмайдиган ғалати ишлар бўлган.

Икки юз етмиш километрлик каналиниг қирқ беш кунда битиши ҳар қандай муболагадан баланд эмасми?

ТАНҚИДЧИ. Шундайку-я, лекин ҳаётдаги мана шу фавқулодда ҳодисаларга, қаҳрамонлардаги ғайритабийи хусусиятларга китобхонни ишонтириши керак-да...

ЁЗУВЧИ. Азизхонининг фавқулодда кучи Сизни шубҳага солаётган бўлса керак.

Романинг бир неча боби ёзиғандан кейин ўзим ҳам сизга ўхшаб қаҳрамонимнинг қилаётган ишларига шубҳалана бошладим. Буёенин ёзмай, Азизхонни сал бошқачароқ тасвирласаммикни, деб турганимда Водил қишлоғида қаҳрамонимнинг ёши билан ёши тенг бир полвон бор экан деб эшишиб қолдим. Водилга борсам, полвон Ҳамзаободга ўйни кўрсатгани кетган экан. Қидириб бордим.

Алижон исемли бу ёш полвон кишини ақлини ҳайрон қолдирадиган ўйнилар кўрсатарди. Тогдан думалаб тушига катта харсангтошини саккиз кишини араиг судраб унинг қорнига қўйишди. Тўрт киши ҳар бири йигирма беш кило келадиган тўртта болга билан харсангни унинг қорнида майдалашибди. Ичи тўла одам автобусни Алижон қорнидан юргизиб ўтказди. Қорнига тахта қўйиб йигирма кишини чиқазди. Азамат йигитлар унинг қорнида туриб «Андижон ползка»сига ўйни тушишиди...

Мен Азизхоннинг полвоилигини ана шу Алижондан олганман.

Майли, Азизхонини муболага дейсизми, ҳақиқат дейсизми, ўзингиз биласиз. Агар ёзувчи сифатида ишонтиrolмаган бўлсам айб менда.

Иноят Оқсоқол образи бўрттириб юборилган бўлса,

мен уни атайин шундай қилғанман. Азбароён үқувчи шунақа одамлардан жиркансин деб бутун нафтимни ўшангага сочғандим. Очигини айтғанды, Иноят оқсоқол образы ҳар қанча муболағани, бўрттиришини кўтаради. Бу муболағалар үқувчининг гашига тегмаса керак.

Хатто китоб босилиб чиққандан кейин ҳам үқувчилар кўп хат ёзиб, қишлоғимизда фалончи деган хасис бор, мана бунақа ишлар қилган, китобингиз қайта босилганда шуни ҳам кўшиб қўйинг, деб ёзишганди. Кўрояпсизми, Иноят оқсоқол образидаги бўрттиришига үқувчи тўймай қоляпти.

Булардан ташқари, ўзим ҳазил-мутойибага ўч одаммай. Ўзингизга маълумки, ҳажв, ҳазил муболағасиз бўлмайди. Баъзи жойларда меъёрдан чиқиб кетган бўлсан, бу авторлик ҳуқуқимни бир оз суннётъмол қилинмидан бўлса керак.

ТАНҚИДЧИ. Қейинги пайтларда ибрат бўладиган севги тасвири ҳақида кўп гапириладиган бўлиб қолди. «Ўфқ»даги севги можаролари бир қараашда ундаи севгилардан эмас, хийла чигал, мураккаб ва асосан барбод бўлган севги тасвиридан иборат. Бунинг сабабини билеак бўладими?

ЕЗУВЧИ. Менимча, бу тушунчада жиндек англа шилмовчилик борга ўхшайди. Текис-силлиқ севги, қаршилиқсиз, осонгина ҳал бўладиган севги ибрат бўлолмайди. Инсонда тугиладиган бу энг эзгу ҳисснёт ниҳоятда мураккаб жараёни эканлигини тасвирилаш керак. Биз севги жараёнини қанчалик оғир имтиҳонлардан ўтказсанак, қанчалик қарама-қаринилларга учратсанак шунчалик ибратли бўлади деб ўйлайман.

Севгини «Аршин мол олон» қилиб кўрсатиш опереттоларда дуруст. Аммо жиддий роман севгини бу йўсида тасвирилай олмайди.

Булардан ташқари, биз шарқ адабиёти таъсирида вояға етганимиз. «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Тоҳир ва Зухро»лар руҳимизда, албатта, ўз

таъсирини қолдирган бўлиши керак. Трилогиядаги севги тасвирида ана ўшаларнинг таъсири бўлса ҳам ажаб эмас.

Умуман, бизнинг шарқ адабиётимизда ана шунақа мураккаб севгилар тасвирланган. Тушунчализга, қонимизга шуларнинг таъсири сингиб кетган бўлиши керак.

Ўзбек ўқувчиси ҳайтда баҳтли севгини, китобда мураккаб севгии ёқтиради. Бу ҳол музикаларимизда, қўшиқларимизда аниқ кўринади. Тингловчи қўшиқни юракни бўшатиш деб тушунади. Бу хислатдан китобхон ҳам албатта холи эмас.

ТАНҚИДЧИ. «Қирқ беш кун»даги меҳнат тасвири масаласига яна қайтиб, бу хусусдаги мунозарали бир гапга эътиборингизни жалб этмоқчиман. Тарихий мавзу деганда биз шукул инқилоб, жангу жадаллар, тарихий шахслар тақдирни тасвирини тушунар эдик, энди бу мавзу донраси кенгайиб, улкан қурилишлар тарихи ҳам адабиётимизга кириб келяпти. «Қирқ беш кун» насири миздаги шу тенденциянинг бир кўришини. Шунга кўра бу ерда тарихий ҳужжатларининг роли ва бадиий талқини алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирча тажрибанинг камлиги оқибати бўлса керак, кўпчилик асарлар қатори «Қирқ беш кун»да ҳам канал қурилишини воқеалари асар учун бир фон бўлиб қолгандек туюлади. Қурилиш жараёни, манзараси бор-у, унинг бутуни тарихи тўлалигича бадиий таҳлил этилмаган...

Сезиб турибман, бош қаҳрамон Азизхониниг характери шу қурилишда тобланди-ку, дея эътироz билдиromoқчиниз. Тўғри, шундай, лекин Азизхон тақдиридаги энг жиддий ҳодиса, унинг севги фожиаси канал қурилиши ҳодисалари билан фақат макон жиҳатидангина боғланган холос. Бу фожиа қурилнишдан бошқа ерда ҳам, ё кейин ҳам юз бериши мумкин эди. Бу хил фактларни яна келтиравериш мумкин. Қурилиш асарда асосан фон бўлиб қолган деганда шуларни назарда тутяпман... Яна бир нарсани сўраб олай: «Қирқ беш кун»да-

ги канал қурилиши билан боғлиқ мавжуд тасвирлар аниқ ҳужжатми ёки кўрган-кечирганлар асосида ижодий қайта гавдалантирилган манзараларми? Бу борадаги ҳужжат билан бадиий фантазиянинг муносабати ҳақида гапириб берсангиз.

ЕЗУВЧИ. «Қирқ беш кун» асосан аниқ ҳужжатлар асосида ёзилди. Ўзингиж яхши биласиз, ҳужжатлар, аниқ рақамлар, конкрет шахслар иштирок қиласидиган асарда ёзувчи ўзини эркин сезолмайди. Айниқса, бўлиб ўтган воқеанинг иштирокчилари елкангдан қараб тургана, бемалол ёзолмас экансан.

Агар ҳужжатлар таъсирига тушиб қолсанг, фалончи мунича тупроқ қазидидан нари ўтолмайсан. Ҳар қандай йирик асар учун ҳаммадан бурун нисон тақдирни керак. Аммо қирқ беш кунда қандай қилиб тақдир яратиб бўлади?

Бу қиёни вазифани Азизхон орқали кўрсатишга ҳаракат қиласидим. Бунинг учун мени ташлаган қаҳрамони харakterи бошқачароқ, шиддатли оқимга тушганда тўлқинига қарши дадил суза оладиган бўлиши керак эди.

Азизхонни катта оқимга ташладим. Уннинг тақдир жараёнини тезлаштириш керак.

Селекционерлар янги пахта павииш яратиш учун унга кеча билан кундузин улаб юборишади. Тунда ҳам сунъий қўёш нури орқали кундузги ҳаётни давом эттиришиади. Ўснин процессини бир дам тўхтатмайди. Мени ҳам Азизхон тақдирини тезлатини учун ҳар бир дақиқада тўқианиувларга дуч келтирдим.

Шу қирқ беш куни ичида у ўлимни ҳам, севгини ҳам, обўйни ҳам, таъналарни ҳам, юрт муҳаббатини ҳам, ота-она меҳрию зорларини ҳам кўрди. Ут-олов, ҳаётни бир ўйни, эрмак леб тушунгани бола юрт кўзида жамиятининг актив қурувчисига айланди.

Албатта, бир кишининг харakterини бутунлай ўзгартириш учун бу муддат жуда оз эди. Шундай қилиш

керакки, ўқувчи айтган гапларимга ишонсин, унинг кўнглида заррача гумон қолмасин.

Бу ерда энди бадний маҳорат иш берлиши керак.

Биринчидан, ўқувчи Азизхонни севиб қолсан.

Иккинчидан, ўқувчи ҳаммавақт Азизхон тарафида бўлсан.

Учинчидан, сюжет оқими ўқувчини шошириб қўйсин.

Агар ана шуларга эришолсам, ўқувчи Азизхонни қўпрак беш кунда бошқача одам бўтиб қолганига ишонишни мумкин.

Энди аниқ ҳужжатлар масаласига келайлик. Сюжетни фақат ҳужжатлар асосига қуриб бўлмасди. Мен қаҳрамонларимни сон-саноқсиз ҳужжатлар орасидан олиб ўтдим. Романда тасвиrlаинга меҳнат кунлари аниқ, қайси куни қанча турроқ қазилған, қайси куни қайси участка олдинда, қайси бири орқадалиги ҳам аниқ ҳужжат асосида ёзилди. Ҳатто, қайси колхоз қарда ишлагани ҳам факт.

Ўзим хаёлан ижод қилган уч-тўрт персонаждан бошиқа иштирокчиларининг ҳаммаси ҳам бор одамлар. Уларнинг прототипларини ҳам, характерларини ҳам аниқ тасвиrlаганима.

Шуни ҳам айтиб қўйяки, фантазиям маҳсули бўлмини персонажлар ҳам аниқ шахсларининг йигинидиси эди. Азизхонни Дўнаи Дўсматовни кўз олдимга келтириб туриб ёздим. Эши полвонни қаламга олганда тасаввуримда избоғанлик Ўсар полвон гавдаланиб турди. Юсупов, Эшон ака, Жўра полвон, Тешавой Мирзаевларни ўзим шахсан танирдим. Бу образларга ортиқча хислатлар қўшимадим. Мумкин қатар улар характери ва фаолиятидан бадний адабиётга мос ҳолатларни ташлашга уриндим.

Энди воқеа содир бўлган жойлариниң аниқ объекти тўғрисинда бир-икки оғиз сўз.

Воқеа кечган жойларни бир эмас, бир неча бор ке-

зиб чиққанман. Театр режиссёри пьеса ижрочилари саҳнанинг қаерида турив гапиришини, қайси ишни қаерда қилиши кераклигини машқ қилгандек, мен ҳам ўз қаҳрамонларимни бу йўллар, бу кўчалардан хаёлан неча марталаб юргизиб кўрганман.

Хуллас, бадний фантазия билан аниқ фактларни бир-бирига омухта қилишга ҳаракат қилдим. Агар ўқувчи назарида қурилиш бир фон бўлиб қолган деган фикр туғилган бўлса, демак, мен аниқ фактларни бадний тўқима билан етарли омухта қилолмабман.

Шунини унутмаслик керакки, Катта Фаргона каналининг тўла бадний тарихини яратиш, бу тарихни қаҳрамонлар тақдирида мукаммал гавдалантириш ҳазилакам ши эмас. Сиз айтгандаи ишқилоб, уруш воқеаларини қаҳрамонлар тақдирида мужассам этиш борасида катта тажрибаларимиз бор-у, ҳали улкан тарихий қурилишларни ифода этишда тажрибамиз кам.

ТАНҚИДЧИ. «Уфқ»даги энг азиз, қалбингиизга яқин персонажлар қайсилар? Танқидчиликда юксак баҳо олган Икромжонининг тўқайдай қочоқ ўғил билан учрашув картинаси қандай туғилган эди, эслай оласизми?

ЕЗУВЧИ. Ой-куни яқини аёлни иккни йўл ўртасида турипти, дейиншади. Аёл ё бола туғади, ё ҳалок бўлади.

Ана шундай азоблар билан ўнлаб бола туққан хотинилар бор. Шулардан, болаларингизнинг қайси бирини яхши кўрасиз, деб сўраб кўринг-чи. Бир чеккадан ҳаммасини айтиб чиқади. Она учун боланинг яхши-ёмони бўлмайди.

Езувчи ҳам худди шу ошага ўхшайди. Романдаги ҳар бир персонажни яратишда қанча кечаларни бедор ўтказганиман. Қашалаб саҳифаларни қоралаганиман. Улар билан хадлан гапланиганиман, йиглаганиман. Улар худди қайсар, бебош болалардек менинг қанча қийнашган.

Хасис, ярамас Иноят оқсоқолни қандоқ қилиб ёмон кўрай. Ахир уни яратгуича қанча азоб тортганиман. Унинг эски бир сўмликларни самоварнинг қорнига

«пиштириб дазмоллашидан тортиб, милиционер билан учрашишганигача менга қадрли.

Шундоқ бўлишига қарамай, Икромжон образини яратишда қаттиқ қийналганман. Чунки унга ниҳоятда чигал, қийин йўлни ташлагандим. Романинг бошидан то охиригача Икромжон руҳий азоб ўтида ёнади. Салкам етти юз саҳифали китобда шу руҳин ушлаб туриш осон иш эмасди.

Икромжон худди ҳаётда бор одамдек ўи беш йил менига ҳамроҳ бўлди. Китобга сўнгги нуқта қўйганимда бирдан энг қадрдон бир кишимни йўқотгандек кўнглим ҳувиллаб қолди.

Икромжонининг қочоқ ўғли Турсунбой билан тўқайда учрашувини қандай ёзгансиз, деб сўрадингиз.

Эрта баҳор эди. Одатда мен кеч соат ўи иккилардан кейин то тонг ёришгунча ишлайман.

Одатим бўйича ўн иккиларда уйгониб, ташқарига қарасам, ёмғир ёғяпти. Иш пайтида кўп чекаман. Ўй тутуинга тўлиб кетади. Шунинг учун машниками кўтариб айвонга чиқдим. Ёмғир шариллаб қуийб турипти. Тарновдан қуйилаётган ёмғир сувига тикилиб туриб кўнглимга аллақандай нохуш ўйлар кела бошлади. Ёзявон тўқайларида ҳам шуидай ёмғир ёғаётганимкини, деган хаёлга бордим. Назаримда, елкалари ёмғирдан шалаббо бўлган Икромжон қамишлар орасида кетаётганига ўхшади. Дарров машника олдига ўтирдиму ёза кетдим.

Бўёғи эсимда йўқ. Қандоқ ёздим, Икромжонни, Турсунбойни қандай тасвиrlадим, улар бир-бирига ишмалар дейишди, сира-сира билмайман.

Машникага бошимни тираб ухлаб қопман. Кўзимни очсан ёмғир ҳали ҳам ёғяпти. Ҳаво шунчалик нам эдикни, машникадан чиққан қофозлар худди сувга ботириб олгандек ҳўйл эди. Эзилган беш-олти саҳифани йигинитириб, панага олдим. Аммо ўқимадим. Ўқигани қўрқардим. Энг ҳаяжонли, масъулнитли ҳодиса тасвири маромидә чиқдимикан, деган андиша мени чўчитар эди.

Тушган кейин қуриб, буралиб-буралиб кетган қоғозларни чўчиброқ ўқий бошладим. Йўқ, ажабтовур ёзилипти. Фақат баъзи жумлалар тўмтоқ, кераксиз, ўрнига тушмаган сўзлар кўп. Машинка ҳарфлари жойига тушмаганидан мутлақо тушуниб бўлмайдиган сўзлар анчагина эди.

Лекин бутун бир бобни аллақандай бир ғамгин музика оҳангни ушлаб турарди. Мен қочоқ ўғил билан отанинг учрашуви учун зарур бўлган бу руҳни кўпдан тополмай юардим. Бу руҳ қандай келиб қолдийкин?

Энди, шунча йиллар ўтиб кетгандан кейин сабабини билляпман. Ўша тундаги ёмғир кайфияти бу руҳни олиб кирган эди.

Уруши йилларидағи ўзбек қишлоқларида узоқ савалаб ёққан ёмғир қандай манзаралар яратишими бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Одамлар юпун кийинган, дала йўллари юриб бўлмас даражада лой, ивиган деворлар гурсиллаб қулайди, лой томлардан тинимсиз чакка томади. Боғлар хунук; отлар, сигирларниң қорниларигача лой, елкаларидан буғ кўтарилади. Одамлар эшик олдида тўпланиб, кўчага чиқолмай ғамгин туришади. Далалар кимсасиз, жимжит. Қабристонларда гўрлар гупиллаб чўкади...

Мана шу маизара, мана шу кайфият роман бобига ғамгин бир оҳанг олиб кирган эди.

Тўғри, бу бобни кейин қанча марталаб таҳрир қилдим. Ота-бала ўртасидаги суҳбат, жумлалар, ҳолат печа марталаб ўчириб тузатилди. Аммо ўша ёмғир ёққан турилдиригган ғамгин оҳанг ўзгармади.

ТАНКИДЧИ. Бадний ижоднинг туғилиши, илҳом дақиқалари кўпинча беинтиёр кечади дейишади; ижод психологиясида интуициянинг ролини алоҳида таъкидлашади. Сизнинг тажрибангиз ҳам шуни тасдиқлаб турибди.

ЁЗУВЧИ. Бошқалар қандай билмайман. Бўлажак асарим қанақа бўлишини олдиндан өтарли тасаввур

этолмайман. Бироқ руҳиятимда ғалати кайфият пайдо бўлиб қолади. Музика, қўшиқ эштишга майл пайдобўлади. Арзимаган кичик кўнгилсизлик ҳам менга ёмон таъсир қиласди. Арзимаган гапга ҳам кулгум келади. Назаримда, умрим бекорга ўтиб кетаётганга ўхшайди. Нимадир ёзишим керак, деган ички интилиш пайдо бўлади. Ана шундан кейин кайфиятимга қараб мавзу кела бошлийди. Агар ғамгии ўйлар чулгаб олган бўлса — тақдирни оғир кишилар ҳаёти, кайфим чоғ бўлса баҳти тақдирлар кўз олдимдан ўтаверади.

Шуни ҳам айтиб қўяйки, одамлар орасида кўп юрганимдан, яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўп кўрганимдан менга одамларни тасвирилаш уича қийин бўлмайди. Сюжет ҳам ўз-ўзидан келаверади. Боя айтганимдек, воқеани охиригача ўйлаб тайёр қилиб қўймайман. Нари борса асарнинг ярмигача пишиқ қилиб ўйлаб оламан. Бальзан воқеанинг энг охирини ҳам пишишиб қўяман.

Агар ўзим яхши кўрган бирон куй таъсирига тушиб қолсанм, шу оҳангни лейтмотив қилиб оламан-у, китоб битгунча ўша куй кўнглимда чалиниб туради. Бу менга худди шеърга ўхшаб вазини сақлашга ёрдам беради. «Ҳукм» қиссанини ана шундай оҳанг билан ёзгандим. Билмадим, бу қанчалик тўғри, аммо мен шунаقا қиласман.

ТАНҚИДЧИ. Эҳтимол, Сизда шундайдир-у, бироқ, менимча, ижодда тасаввур, фантазия ҳамда интуициянинг ролини бир оз ошириброқ кўрсатаётган кўринасиз. Уқиб турибман, Сиздаги ўша ихтиёрсиз руҳий ҳолатлар замирида ҳам аслида ҳастий тажрибалар, кўрган-кечирганингиз ётибди.

ЕЗУВЧИ. Дарвоҷе, янги асар, асар воқеалари кўнгилда бенхтиёр туғилгани билан, айтиб қўяй, одатда ўз кўзим билан кўрмаган нарсаларни тахминан ёзомайман. Бир мисол. Романдаги тўқайга ўт қўйиш боби бор. Аввалига уни тахминан, тасаввуримга ишониб ёзганиман. Роман битгандан кейин қайта ўқиб сира кўнглим тўл-

мади. Тошкент атрофида тўқай йўқ эди. Атайнин Мирзачўлга бордим. Крупская номли колхознинг Сирдарёга туташган бригадасининг ерларида каттагина тўқай бор экан, колхоз раиси ва бригада бошлигининг рухсати билан тўқайга ўт қўйдим. Шундагина аввал ёзгани бобимдаги ёнгин тасвири нақадар гаридек эканини билдим.

Қамиш барглари аввал ёниб, учидаги попугига ўтни узатар экан. Барги ёниб бўлғац, танасини ҳали ўт олмаган, фақат учидаги попуги худди шамга ўхшаб ёниб тураркан. Ердаги хашаклар билан қўшилиб қамиш танаси ёнар экан. Сал шамол эсса, ўт ёнбошлаб, ерни олов тили билан ялаб, илондек ўрмалаб кетаркан.

Қамишлар орасидан учеб чиқсан қушлар фарёд уриб, қора тутуи орасида чарх уради. Баъзан қўсими, каламумши ўтдан қочиб чиқади.

Романдаги ёнгин боби шундан кейин бошқатдан ёзилди.

Бундай ҳолатлар кўп бўлган.

1976 йил, октябрь.

РОМАН ТАБИАТИ: ТАЛАБ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

(Езувчи Одил Еқубов билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Адабий гурунглардан бирида Чингиз Айтматов ижоди хусусида баҳс очилиб қолди. Даврадаги ёш қаламкашлардан бири: «Хўп аломат ёзувчи-ю, лекин ҳозиргача роман ёзгани йўқ-да»,— деб койигандек бўлди. Езувчи — носир талантни, меҳнати даражаси унинг роман ёзган, ёзмаганилиги билан ўлчаймайди, деган эдим, у ҳам бўш келмай, Сиз танқидчилар ҳамишига: «Бугунги кунда роман адабиётиниң даражасини, қиёфасини белгиловчи жаңр бўйиб қолди»,— деб ёзасизлар-ку, дейя таъна тоши ёғдириди.

Нима ҳам дердим, дарҳақиқат, ўйлаб қарасам, шу иборани биз — танқидчилар кўп ишлатар эканимиз. Бунига маълум асослар бор. Сир эмас, ҳикоя ва повестга ишбатан ҳозирги кунда роман, кўпчиллик қардош адабиётларда бўлгани сингари, бизда ҳам олдинги ўринга чиқиб олди. Адабиётимизнинг аввалги тараққиёти босқичларида ҳар ўн йилга ўртача уч-тўрттадан роман тўғри келган бўлса, кейинги икки ўн йиллик давомида ҳар йили тахминан уч-тўрт, балким ундан ортиқроқ роман эълон этилди. Биргина «Шарқ юлдузи» журналиниң ўзида 1977 йилининг биринчи ярмида тўрт азамат адабиётимизнинг барча авлоди вакиллари иштирок этяпти. «Ўрта авлоди» чосирлар, шунингдек, «ёш авлод карвон-бошиси» саналмиш Сиз билан Пиримқул Қодиров — ҳаммаларингиз роман хаёли билан бандсизлар. Яқин-

гинада қисса ва ҳикоялари билан танилган, кенг жамоатчилик эътиборини қозонган Үлмас Умарбеков, Худойберди Тўхтабоев, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор сингари кейинги авлод бу жанрдаги илк асарларини тақдим этдилар, уларнинг изидан бораётган кўплаб ёш прозаинклар ҳам роман устида иш олиб бораётирлар ёки роман иштиёқи билан юрибдилар. Хабарим бор, Ёзувчилар Союзига, нашриётларга қалини папкаларга жо этилган роман деб аталган асарлар оқимдек қўйилиб турибди. Шуниси қизиқки, уларнинг авторлари орасида кичик жанрлар — ҳикоя, очерк, повествуние ўёқда турсин, бадииятда сира машқ қилиб кўрмаган, бирор сатр ҳам асар эълон этилган шахслар бор.

ЕЗУВЧИ. Бундан бир-икки йил муқалдам бир ёш ёзувчи ўртачагина қиссасига «роман» деб ном қўйиб келганида мени ҳам унга худди шу гапни айтган эдим.

«Укажон, мана камини ҳам бир нечта роман ёздим, лекин ҳалини «косам оқармади», ҳолбуки умрида битта ҳам роман ёзмаган Айтматовнинг доиги бутун дунёга кетди. Бас, шундоғ экан, сиз «роман» сўзига кўп қизиқаверманг. Ҳажми катта ўртача романдан яхши ёзилган кичик қисса юз марта яхши», дедим ёш қаламкаш дўстимга. Лекин, айтидан роман сўзининг сеҳри сабаб бўлса керак, ёш адид менинг бу маслаҳатимга қулоқ солмади. Асарини қисқартириб, ихчамлаштириб, қаҳрамонлар характеристики чўқурроқ очиб, қисса сифатида эълон қилиш ўринига, «роман» қилиб чиқаришга урниаверди. Чиқарди ҳам. Аммо, надоматлар бўлсинким, натижада мени айтгандай бўлди. Роман, агар бир-икки тақиёдий мақолаларда номи зикр этилгани бўлмаса, китобхон қалбида ҳеч бир из қолдирмай, қумга синггандек сингиб кетди. Албатта, бу деган сўз, ёшлар роман жанрида куч синаб кўришга ҳақлари йўқ, улар қисса жанридан чиқмагани яхши, деган сўз эмас. Зотан адабиётда қайси жанр яхши, қайси жанр устун туради деган «назарий» гаплар батамом бефойдадир. Чунки адабиётда бирор

асарга баҳо берилганды ижодий изланишларга қараб әмас, балки бу изланишларнинг оқибатига қараб баҳо берилади. Шу маънода лашкарбошиларга нисбатан айтилладиган, «голиблар ҳамиша ҳақ», деган иборали адиблар ва санъаткорларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Мисол тариқасида роман жанрига дадил қўл ургани Үлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаевларининг ижодларини келтириш мумкин. Улар яратган романлар, гарчи айрим иуқсон ва камчиликлардан холи бўлмаса ҳам, адабиётимизда ижобий ҳодиса деб баҳоланмоги лозим, шундай баҳоланди ҳам.

ТАЛҚИДЧИ. Жаир таинлаш ёзувчининг ўз ихтиёрида-ку, лекин, ҳар ҳолда ҳозир романга керагидан ортиқроқ маҳлиё бўлиб кетини касали борлиги ва унинг похуш оқибати ҳақида жиҳдийроқ гапиравериш керак. Носириларимизнинг оммавий равишда роман томони талшинини бир қатор камчиликларга йўл очиб бераётir. Аввало, сўнгги йилларда қисса, хусусан, ҳикояга эътибор хийла сусайиб, бу жаирлар асосан ижодда ҳали суюги қотмаган ёшлар қўлида қолди. Абдулла Қадҳор айтмоқчи, ёзувчи жаирни әмас, жаир ёзувчини таилайди. Айтайлик, фижжакда қойилмақом қилиб машқ чаладиган созанди карнай пуфлай олмаслиги мумкин бўлганидек, табиати ҳикоя ёки қиссага мойил қаламкаш ўзини зўрлаб роман ёзинига ўтса муваффақият қозонолмаслиги табиий. Афсуски амалда шундай ҳол бўляпти. Гап жаирининг ёзувчи табнатига, бадиий тафаккур тарзига мос келиш-келмаслигидагина әмас, энг ёмони, бир қатор авторларимиз романбоп ҳаётний-маънавий, адабий-эстетик тажрибага эга бўлмай туриб бу жаирга қўл ураётirлар, «зўри беҳуда миён мешиканад» деганларидек, зўраки чираниш оқибати ўлароқ талайгини роман деб аталаш майиб асарлар пайдо бўлиб қолаётir.

Мана шуларининг ҳаммаси роман жаири, унинг табнати, спецификаси, талаб ва имкониятлари ҳақида жиҳдийроқ фикр юртнишин тақозо этади. Сизнингча,

романинг асосий жанр хусусиятлари, талаблари нимадан иборат?

ЁЗУВЧИ. Сиз мени назарий масалаларга буряпсиз. Романинг «асосий жанр хусусиятлари, талаблари» адабиёт дарслекларида етарлича қайд этилган. Масала бу қонун-қоидаларни яна бир бор эътироф қилиб ўтишда эмас, балки адабиётимизда пайдо бўлаётган янги романларни авваламбор ҳаёт мезони билан, қолаверса шу қонун-қоидалар мезони билан ҳалол баҳолашдадир. Буни таъкидлаб айтишимнинг боен шундаки, бундан бир-икки йил муқаддам Ёзувчилар Союзида бўлган кичик бир анжумандада таниқли тақиқидчиларимиздан бири ҳам худди Сиз айтган гапга ўхшаган бир гапни айтди. «Роман жуда кўпайиб кетяпти,— деди у, ҳаттоқи нолиб.— Уларни ўқиб улгурни бўлмаяпти. Менинг фикримча, бу катта оқими тўхтатиш керак». Каттакон бир олимийизининг бу гапи кўпларни, шу жумладан менинг ҳам ниҳоятда ажаблантириди. Биринчидан, «роман кўпайиб кетяпти, уларни ўқиб улгурни бўлмаяпти», деб адабиётимизда пайдо бўлаётган ҳамма романларга бир хилда қора бўёқ чаплани адолатдан эмас. Иккинчидан, қачондан бери роман ёзишини тақиқлаш билан унинг сифатини оширадиган бўлиб қолдик? Бу йўл ҳеч қачон яхшиликка олиб борган эмас, олиб бормайли ҳам.

ТАҚИДЧИ. Тўғри, ижодий ҳодисаларга бу тарзда ёндашиб бўлмайди. Лекин бўш романлар кўпайиб кетаётганилиги рост.

ЁЗУВЧИ. Адабиётда ҳамиша яхши асар ҳам бўлган, ёмон асар ҳам. Ёмон ва ўртача асар яхши асардан ҳамиша кўп бўлган. Бу ҳаммага маълум ҳақиқат. Ундан ташқари, сўнгги йигирма йил давомида пайдо бўлган қатор романлар, биринчи навбатда Шароф Рашидовнинг кўнтиларга таржима қилинниб, адабиётимизга шухрат келтирган «Бўроидан кучли», «Голибтар» ва «Кўдратли тўлқин» романлари, Назир Сафаров, Асқад Мухтор, Сайд Аҳмад, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом, Раҳмат Файзий,

М. Исмоилӣ, Шуҳрат, Пиримқул Қодировларнинг йирик эпик асарлари реалистик роман жанрининг тараққиётига, шубҳасиз, салмоқли ҳисса бўлиб қўшилганким, буни биз қувонч билан эътироф қилмоғимиз лозим. Бу деган сўз заиф асарлар, ҳаёт ҳақиқатидан йироқ, роман жанрининг талабларига жавоб бермайдиган асарлар йўқ, бу борадаги ишларимиз жуда силлиқ кетяпти, деган гап эмас, албатта. Сиз ва ҳалиги таниқли тақиқидчимиз айтганидек, роман талабларига жавоб бермайдиган саёз асарлар ҳалиям оз эмас, лекин роман жанрининг қадрини ошириш учун бу асарларни тақиқлаш ё умумий тарзда нолан фифон ческин йўли билан эмас, балки адабиётимизда пайдо бўлаётган романларни чуқур ва ҳалол таҳлил қилиш, уларга принципиал баҳо бериб, сарангии — саракка, пучагини — пучакка чиқарини йўли билан эришилмоғи лозим, деб ўйлайман. Бу эса тақиқидчиларимиз зинмасига жуда масъулиятли вазифани юклайди, адабий тақиқидчиликнинг ҳалол ва принципиал бўлишини тақозо этади.

ТАҚИҚИДЧИ. Романинг асосий жаңр хусусиятлари, талаблари адабиёт дарслекларида, ҳаттоқи маҳсус илмий ишларда ҳам етарли даражада очиб берилгани йўқ. Буни барча адабиётшунослар яқдиллик билан эътироф этаётирлар. Ҳали бу жанрининг назарий-илмий жиҳатдан ҳал этилмаган муаммолари беҳал кўни. Бунинг устига жаңр доимо ўсиб, ўзгариб боряпти. Бу жараёнларни илмий жиҳатдан ўрганиши ва умумлантириши иши эса адабий тажрибадан орқала қоляпти... Шунинг учун ҳам Сизни атайи назарий муаммоларга тортяпман.

Романинг энг муҳим белгиси асарда романа га хос тафаккур (романическое мышление)ниг мавжуд бўлишинидир. Бунинг учун, меанимча, ёзувчи аввало табнатан шундай хислатга эга бўлиши лозим. М. Шолоховни олайлик. Унинг илк ҳикояларидәқ қашдайдир кенг масштаблиликка мойиллик сезилгам эди. «Тинч оқар Дон», «Очилган қўриқ»да бу хислат очилди. Қейинроқ «Инсон

тақдири»ни яратди. Гарчи бу асар шаклани ҳикоя жаприга мансуб бўлса-да, эътибор қиласангиз, ундаги тафаккур усули романга мойилроқ. Абдулла Қодирий ижодий эволюциясини эслайлик. «Ўтган кунлар»га қадар яратган қатор ҳикоялари «жанр рамкаси»ни ёриб чиқиб, йирик эпик тур томон тортиб кетган... Умумаш, А. Қодирий хилма-хил жаңрларда ижод этган, бироқ роман-дагина ўзлигини топган, фақат шу жаңрда гоявий-бадиий мукаммалликка, юксак мутаносибликка эришган. Шунга ўхшаш ҳодисани Сизнинг ижодингизда ҳам учратили мумкин. «Муқаддас», «Матлуба» каби қиссаларингизни, айрим ҳикояларини мустасаб қиласанда, жаммики йирик прозаик асарларингизда роман томон оғиш сезилади, хусусан «Қанот жуфт бўлади», «Иzlайман»да бу нарса яққол сезилади, ҳаттоқи бу икки асарда фикр тарзи билан бадиий жаңр шакли орасида маълум зиддият ҳам юзага чиққан (романга хос тафаккур тарзини Сиз атаяй қисса шаклига солмоқчи бўлгансиз). Романларингиз эса бу хил зиддиятлардан холи, бадиий тафаккур тарзи билан бадиий шакл бир-бирига уйгуни... Адабий тажрибада акс ҳолини ҳам кўриши мумкин. Бугунги кунда номи жаҳонга машҳур Василий Шукшин ҳикоялар билан бир қаторда киноқиссалар, романлар ҳам ёзган. Бироқ романлардан кўра унинг қисса ва ҳикоялари бадиий жиҳатдан етукроқ, адабининг ижодий имкониятлари кичик жаңрда тўлароқ, теранироқ очилади. Уткир Ҳошимов, Ш. Холмирзаев, Ўлмас Үмарбековлар ҳақида ҳам шунни айтиш мумкин...

ЕЗЎВЧИ. Романга хос тафаккур тўғрисидаги фикрларингизга қўшилган ҳолда бу жуда мураккаб масала эканини таъкидлаб ўтишини истардим. Албатта, Василий Шукшин авваламбор ҳикоянавис сифатида танилди, бу жаңрда чинакам санъат асарларини яратди. Айни замонда у роман жаңрида ҳам ўзига хос йўл тутиб, бошқа адаблардан фарқли ўлароқ ўзига хос романлар яратди. Хусусан унинг «Мен сизларга эрк бергани келдим»

деган романини юксак баҳоламоқ керак. Бу роман шуни кўрсатаётирки, агар бу улкан истеъдод эгаси ҳаёт бўлганда эпик жанрда ҳам баркамол асарлар яратиши муқаррар эди. Шунинг учун ҳам бу ҳақда фикр юритганда, айниқса иисбатан ёш ёзувчиларнинг итк романлари тўғрисида фикр юритганда ишоятда эҳтиёт бўлмоғимиз лозим. Чунки ижод соҳасида олдиндан башорат қилиш қийни, шунинг учун қийинки, Сиз айтган романга хос тафаккур деган нареага меҳнат ва ижодий изланишлар билан эришмоқ мумкиндири. М. Шотохов ва А. Қодирӣ тўғрисида айтган гапларингиз қаличалик тўғри бўлмаси, адабиёт тарихидан буининг акенин кўрсатувчи, яъни узоқ вақт шеър ёки ҳикоя ёзиб юриб, умрининг охирида баркамол романлар яратган адилларни ҳам топиш мумкини. Ижод соҳасида узилт-кесил ҳукм чиқарни ҳамиша «хатарлидир».

ТАНҚИДЧИ. Тўғри, ёзувчининг имкониятларини фақат бир жаир билан боялаб қўйини ўринти эмас, албатта. Шундай даҳо ёзувчилар ҳам борки, улар бир эмас, бир неча жанрларда баробар стук асарлар ёзавергандар. Бир жанрдан иккичи жаирга ўтгандা худди ўша жаир шаклига мослаша олини, ўша жаир шаклида фикрлай билиш — бу ҳам катта санъат бўлса керак. Афсуски, кўп ҳолларда адилларимизда аниа шундай жаирга «мослаша олиш» маҳорати етишмай қолади...

Эди эътиборингизни бошқа бир масалага жалб этмоқчиман. Қейинги пайтларда новелла ва қиссалардан иборат роман ёзиш кенг тарқалди ёки талай романларимизда қисса ва ҳикоя хусусиятлари кўпайди. Буни биз ижодий изланишларга йўйдик. Аслида бу ҳол, бир чеккаси, роман талабларидан чекинини эмасми-кан?

ЁЗУВЧИ. Йўқ. Сиз олим ва танқидчи сифатида гоҳо адабиёт тарихини «эсингиздан чиқариб» қўймоқдасиз. Жаҳон адабиёти тарихида нафақат новелла, ҳатто «эпистоляр жаир» деб аталмиш севишганлар мактуби тарзида ғазилган романлар ҳам бор, боргина эмас, жуда

кўп. Бу романлар кўпчиликка маълум бўлгани учун уларни санаб ўтирумайман. Сиз негадир бугунги ўзбек романига хос камчиликларни ёзувчиларнинг жаир талабларига эътибор қиласлиги билан изоҳламоқчи бўласиз. Аслида эса кўп камчилик ва нуқсонларимизнинг жуда «оддийгина» бир сабаби бор — у ҳам бўлса бадний маҳоратининг стишмаслигидирким, танқидчилари миз шу «оддий» камчиликни чуқурроқ таҳлил қилишса фойдалари оқ бўлармиди, деб ўйлайман.

ТАНҚИДЧИ. Мен сўнгги йиллар романчилигидага хийла жонланган бу ҳодисага эътиборингизни жалб этишимнинг боиси бор. Романга хос тафаккурни таъминтайдиган омиллар, менинчча, асарда романбоп ҳодиса, воқеа, жиддий проблема, улкан драма ва мукаммал, чуқур оригинал концепцияга эга бўлган қаҳрамонларнинг мавжудлигидир. Бизда яратилаётган кўпчилик романларда яхлит драматик воқеа кўринмайди, бутун бошли асар майда эпизодик воқеалар, ҳодисалар йигиндиндидаи иборат бўлиб қолади; бунинг устига эпизодик воқеалар дурустроқ маъно ҳам ташимайди, ёзувчининг яхлит, романга хос концепцияси сезилиб турмайди.

ЁЗУВЧИ. Мана энди мен айтган «оддий» масалага яқинлашяпсиз! Лекин «романга хос тафаккур» деган гапни иккимиз икки хил тушунар эканимиз. Романга хос тафаккур деган гап «асарда романбоп ҳодиса, воқеа, улкан драматизмишнинг мавжудлигига» эмас, балки ёзувчининг ҳаёт воқеаларини улкан санъаткор-романист сифатида идрок этишинидадир. Дарҳақиқат битта воқеани икки ёзувчи икки хил кўриши мумкин. Бир ёзувчи бу воқеани куидалик ҳаётда учраётган оддийгина бир ҳодиса сифатида қабул қилиши ва шу асосда гоҳо ўқишилигина бир ҳикоя ёки қисса ёзиши мумкин. Иккичи ёзувчи — агар у юқорида қайд қилинган тафаккурга эга бўлса, албатта, бу воқеа негизида ётгай чуқур ижтимоий омилларни, фожиавий тақдирларни, улкан конфликтлар ва «ғоялар драмасини» кўрадиким, натижада

қарабсизки, шу воқеа асосида улкан ва жиддий роман яратади. Бунинг энг ёрқин мисоли сифатида Лев Толстойнинг «Тирилиш» романини кўрсатиш мумкин. Маълумки, Қатюша Маслова воқеасини Лев Николаевич Толстойга машҳур адвокат Ф. Кони гапириб берган. Воқеа бир қарашда жўнгина туюлади. Машҳур зодагонлар оиласида хизмат қилиб юрган ёш қизчани шу оиласиңг эркатоини бўлмиш бойвачча йигит йўлдан уради, сўнг армияга кетиб, қизни эсадан ҳам чиқариб юборади. Кўп йиллардан кейин бойвачча йигит бир фоҳиша устидан бўлаётган суд пайтида... бу фоҳиша ўзи йўлдан урган қиз эканини таниб қолади-ю, уни кутқариш пайига тушади... Кўриб турибсизки, бир қарашда бу воқеа улкан социал роман учун асос бўладиган воқеага ўхшамайди. Толстой ўзи ҳам бошда зодагонлар томонидан хўрланган бир жабрдийданинг аяичли тақдирни тўғрисенда кичик бир қисса ёзмоқчи бўлади. Лекин ёзувчига хос бўлган воқеаларни улкан романист сифатида идрок этиш қобилияти, бир қарашда оддий туюланган ҳодисалар замиридаги ички зиндижиятларни кўра олини ва бу зиндижиятларда замон драмасини ҳис этада олини қобилияти охир-оқибат шуига олиб келадики, турмунида тез-тез учраб турадиган «оддий гап» асосида Чор ҳукумат яратган адолатенз социал тузумининг бутун ички қара-ма-қаршиликларини фош қилувчи шафқатенз бир эпик асар яратади!.

Сиз кузатган иккинчи хил камчиликлар, яъни «кўпчилик романларда яхлит драматик воқеаларнинг кўринимаслиги», бутун бошли асар майда эннисодик воқеа ва ҳодисалар йигинидан иборат бўлиб қолинилар» эса, назаримда, маҳорат этишмаслигидан бўляпти, леб ўйлайман. Ахир маҳорат тушуичаси фақат шакл, яъни воқеабанд ва ўткир сюжет таза олини ёхуд воқеаларнинг мутаносиблигини чуқур ҳис этинидангина иборат эмас, балки санъаткорининг ҳаёт ҳодисаларини чуқур идрок эта олиш, бу воқеаларда давр руҳини сеза олиш қо-

билиятини ҳам қамраб олади-ку! Бу деган сўз биз бугун маҳорат сирларини, шу жумладан эпик асар яратиш сирларини эгаллаш борасида кўпроқ бош қотирмоғимиз, бу йўлда тиимай изланмоғимиз лозим, деган сўздир.

ТАНҚИДЧИ. Мен «романга хос тафаккур» дегандага ёзувчининг салмоқдор, оригинал концепциясини ҳам назарда туваётрманини, Сиз келтирган далиллар масала моҳиятини жуда равшан очиб беради.

Пайти келиб қолди, ёзувчининг бадиий концепцияси муносабати билан бир чалкаши масалага аниқлик киришига уриниб кўрсан. Романда, умуман бадиий асарда масала кўтариши тушиучаси жуда жўйлаштириб юбориляпти. Қатта бир танқидчимиз «Нур борки, соя бор» романидаги нечта масала кўтарилигани санаб чиқибди, асариниң қимматини, чунончи, авториниң касалхонадаги тартибензилкларни танқид остига олгани, савдо системасидаги чатоқликларни фош этгани, олий ўқув юртлари қабул имтиҳонларидаги гайриқонунийликни кўрсатгани, мактаб ўқувчиларини пахта теримида ортиқча банд бўлиб қолаётганлигини айтгани ва шу кабилтар билан ўлчайди... Бу хил ҳаётий масалаларниң асарга киритилиши яхши, лекин шуларниң ўзи билангида асариниң, айниқса романниң қиммати белгиланмайди-ку! Ёки «Мехриғиё» романиниң танқидчиликдағи талқинини эслайлик. Кўичилик тақризларда бу романниң энг катта ютуғи сифатида унда жиҳдий ҳаётий масала — қашлоқ хўжалигига химиявий усулиниң зарари, биологик усулиниң афзаллиги масаласи кўтарилигиги қайд этилди.

Бу хил жиҳдий ҳаётий масалалар доклад, иутқ, сухбат, мақолаларда ҳам ўртага ташланяти... Адабиётниң, айниқса, романниң вазифаси долзарб ҳаётий масалаларни кўтариши, қайд этишидангина иборат эмас, балки масала моҳиятини бадиий таҳлил этиш, ундан катта фалсафий, қолаверса, энг муҳими, умуминсоний холосалар чиқаришдан иборат. Бизда ҳозиржавоблик,

актуаллик тушунчаси билан замонавийлик тушунчаси бир оз чалкаштирилиб юборилаётир. Аслида ҳозиржавоблик билан замонавийлик тушунчалари орасида фарқ бор. Бу ҳақда таниқли артист М. Ульянов яхши гап айтган.

«Замонавийлик,— дейди у,— давр ҳаёти ҳақида хулосалар, умумлашмалар орқали мулоҳаза юритиш демакдир. Ҳозиржавоблик эса, умуман бугунги фактини катта хулоса ва умумлашмаларсиз суратга олиш демакдир...

...Санъатда ҳозиржавоблик ўйлаб ўтирмайди, замонавийлик эса мулоҳаза юритади. Ҳозиржавоблик: «Шундай бўлди!» дейди. Замонавийлик эса: «Нега шундай бўлди?» деган сўроққа жавоб ахтаради. Ҳозиржавоблик, айтиш мумкинки, суратга олади, олган сурати шу кунга ярашини назарда тутали, бу ҳам керак; замонавийлик эса, бу — бадний жараён, санъаткор бунида хусусийлик орқали ҳодиса моҳиятига кириб боради, типиклик сари интилади. Масаланинг мураккаблиги ҳам шундаки, замонавий санъат ҳаётини фақат тасвирлабгини қолмасдан, айни пайтда, унинг энг муҳим томонларини тушуниши, идрок этиши лозим».

Биз асарларини, жумладан романларни баҳолаётганда авторларининг ҳозиржавоблигига маҳлиё бўлиб кетиб, асарда кўтарилиган масалалар қай даражада санъатга айланган-айланмагани, асарнинг умумлаштирувчи кучи масаласи билан ишнимиз бўлмай қолаётир.

ЁЗУВЧИ. Романларда масала кўтариши тушунчаси жўнлашиб кетяпти деган гапларини гизда, гарчи «Нур борки, соя бор» романнiga берган баҳонгизга унча қўшилтмасам ҳам, жон бор, деб ўйтайман. Албатта, романнинг вазифаси масала кўтариши эмас, балки ҳаёт ўзи кўндаланг қўйган масалаларни нисон тақдиринг «сингдириб юбориш», бу масалалар тагида яшириниб ётган драмаларни кўрсатиш, кўрсатганда ҳам бадний баркамол образлар воситасида кўрсатишдан иборатдир. Шу-

нинг учун ҳам бадиий асарда ҳамма нарса, шу жумладан, кўтарилиган масаланинг муҳимлиги ҳам, бадиий образнинг мукаммаллигига, яъни ёзувчининг китобхони ларзага солишга қодир бўлган «тирик одам» яратади олиш қобилиятига боғлиқдир. Замонавийлик билдири ҳозиржавоблик тўғрисида, аслида бир-биридан осмон билдири ерча фарқ қиласидиган бу икки тушунччанинг таинидчилигимизда «қоришиб» кетгани тўғрисидаги фикрларнигиз ҳам ўринилди. Лекин ҳаётда бальзам одамларнинг тили учуда юрган шундай гаплар ҳам бўладики, бу гапларни топиб айта олиш ҳам катта аҳамиятга мөлекдир. Биз доҳиймиз В. И. Ленинининг «Она» романига берган баҳосини («Вақтига жуда боп келган китоб», «Жуда керакли китоб!») унутмаслигимиз керак. Шу маъниода мен «Меҳригиё»да айтилган гапни вақтида айтилган, жуда муҳим гап, деб баҳолардим. Албатта, ёш ёзувчи бу гапни, Сиз айтгандек, «санъатга айлантира олганида» нур устига нур бўларди. Ёш адигга маҳорат ва катта ҳаётний тажриба етишмаганлиги кўринниб турибди. Ундан ташқари, топган гапнин романдарнида айтишига уринишлар ҳам фойда келтирмаган. Чунки «Меҳригиё»да айтилган гап унинг долзарблиги ва муҳимлигидан қатъи назар, ниҳоятда драматик сюжет асосига қурилган, кичик, аммо ниҳоятда пишиқ бир қиссада айтилиши мумкин эди. Шунда асарнинг қиммати ҳам жуда баланд бўларди. Бу гапни мен қайта-қайта таъкидлаб айтишимининг бир сабаби шундаки, Эмин Усмоновининг «Гулистан» журналида эълон қилинган ва табиатни эъзозлаш муаммоларига багишланган бир очеркни ўқиб жуда мамнун бўлдим. Эмин Усмонов «масала кўтариши» биладиган ёшлардан. Эндиликда у «ёстиқдай» китоблар ёзиш ниятидан воз кечиб, топган гапларни санъатга айлантиришдек машақватли, аммо шарафли меҳнат билдиришганда, шубҳасиз ютади. «Меҳригиё»да-ку, жони бор гап, чин маъниода долзарб масала кўтарилиган, бизда бальзам сохта долзарб масалалар кўтарилилди.

гац, Еирт сунъий асарларга юксак баҳо бериш ҳоллари ҳам учраётирким, бунга ачинмай илож йўқ. Умуман сўнгги кезларда танқидчилигимиз ўта силлиқлашиб, айрим ҳолларда ҳатто сохталашиб кетяпти. Танқидчиликниң бош принципи бўлмиш бадиний асарни ҳаёт билан солишириб ўқиши принципининг бузилиши оқибатида ҳаёт ҳақиқатидан йироқ, сунъий, Еирт китобий ва чучмал асарларни кўкларга кўтарини ҳоллари юз беряптиким, бу ҳол айниқса ёшларга кўп зарар етказишидан қўрқаман.

ТАНҚИДЧИ. В. И. Лениннинг «Она» романига берган баҳосини яхши эслатдингиз. Лениннинг даҳоси шундаки, у «Она» романининг ҳозиржавоблигини таъкидлаши билан баробар, айни пайтда бу асарининг чинакам замонавий пафосини, жуда катта умумлаштирувчи фазилатини ўз вақтида кўра олган эди. Дарҳақиқат «Она» романни фақат ўз давригагина хизмат қилувчи асар бўлиб қолмай, инсоният тарихидаги буюк бир ўзгариш даврини акс эттирувчи, унга таъсир кўреатувчи ва жаҳон адабиёти, санъатидаги янги бир ўналишини бошлиб берувчи асар бўлиб чиқди. Шу жиҳатдан ҳам у ўз вақтида ёзилган китоб эди.

«Она» романидаги кўтарилган проблемалар Ватанимизда аллақачон ҳал этилган, лекин «Она» ҳамон ўлмас асар бўлиб, бугунги кунда ҳам қадрини йўқотгани йўқ. Бизда яратилаётган ва юқори баҳоланаётган баъзи «ҳозиржавоб» асарлар эса, уларда кўтарилган масалалар турмушда ҳал этилиши биланоқ унутилади-кетади... Шунинг учун ҳам асарининг чинакам замонавий қимматини кўра олиш ва уни тўғри баҳолай билини шикоятда муҳим ва хийла мушкул масала. Бундаги энг тўғри йўл — ленинча йўл. Афсуски, юқорида кўриб ўтганимиздек, бу борада кўп чалканликлар юз беряётир. Асарининг замонавий қимматини утилитар тарзда тушуниш айниқса шиммизга халақит беряётир. «Утилитаристлар,— деб ёзган экан Ф. Достоевский,— бир сўз

билан айтганда, санъатдан шароит учун тўппа-тўгри, тез ва бевосита наф келтиришни ва унга бўйсунишин талаб этадилар; уларнинг талаби шу даражага бориб етадики, масалан, жамият мазкур даврда маълум бир масалани ҳал этиш билан банд бўлса, санъатдан ҳам бошқа нарсани эмас, айни шу масалани худди шу тарзда ҳал этиб беришни истайдилар».

ЁЗУВЧИ. Ўз вақтида Ф. Достоевскийдек санъаткорнииг бошини қотирган ва бугунги кунда ҳам охиригача ҳал этилмаган бу мураккаб масалага ойдинлик киритиш учун ҳали кўп куч-ғайрат сарф этишига тўгри келади.

ТАНҚИДЧИ. Романда кўтарилган масаланииг муҳимлигини, салмоги ва кўламини аввало ундаги қаҳрамон характери ва тақдирнидан, қаҳрамонда тажассум тоған гоявий-бадний концепцияидан қидирмоқ даркор. Роман қаҳрамони нимаси биландир китобхонни қизиқтириб қолса, тақдирни уни ларзага солса, ўйга толдира, худли ўша қаҳрамонидаги ўқувчини қизиқтирган, ҳаяжонига солған хислат ва моментлар замини, илдизлари чуқур, атрофлича таҳлил этиб берилган бўлса — фақат шундагина романга хос тафаккур таъминланган бўлади.

Қаҳрамон концепцияси деган тушунча теварагида кўпроқ гапириб, тортишиб, баҳделаниб туришимиз керакка ўҳшайди. Чунки бу роман учун, умуман, бадний ижод учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолаётир. Биз ёзувчининг ижодий индивидуаллиги, оригиналлиги хусусида кўп гапирамиз-у, ишқул масаланииг теварагида айланамиз, аслида ёзувчининг оригиналлиги, новаторлиги у кашф этган одам образида, фақат шу автор-гагина хос бўлган, чуқур ҳис этилган, конкрет шахс тимсолида намоёни бўлган эстетик концепцияси билан белгиланишини етарли ҳисобга олмаймиз.

Шу жиҳатдан қараганда «Эр боинига иш тушеса» асаринигизда романнииг шакл-шамоилии бўлса ҳам, унда

тўла маънодаги романга хос бадинӣ тафаккур етишмас эди. Шунинг учун бўлса керак, бир вақтлар таникли адабиётшунос Л. Якименко бу асарни повесть деб атаган эди. «Улугбек ҳазинаси» чин маънодаги роман дараҷасига кўтарилиди. Улугбек, Абдуллатиф, Мавлоно Мұхиддин, Қарноқий — буларнинг ҳар бири чинакам роман қаҳрамонлари... «Диёнат» романга хос тафаккур йўлида яна бир олға ташланган қадам. Унлаги бош қаҳрамонлар Нормурод Шомуродов билан Отакўзи янада яхлитроқ, кўламдорроқ; уларда мушассам бўлган гоявий-бадинӣ концепция яна ҳам ёрқинроқ, чуқур ва оригинал...

ЁЗУВЧИ. Бу масалага, масала теварагидаги саволларга мен юқорида жавоб бериб ўтдим. Фақат ёзувчи ининг эстетик концепцияси тўғрисидаги фикринигизга тўхтаб ўтмоқчиман. Албатта, ёзувчи қанчалик катта зиндигиятларни, қанчалик мураккаб қаҳрамонларни тасвирламасин, унинг ҳаёт ва қаҳрамон ҳақидаги концепцияси жуда аниқ бўлмоги лозим. Баъзи тақиидчи ва адиблар, хусусан ёшлиар, ёзувчи объектив бўлиши керак, деган гапни сал чалкашроқ тушунишади шекилли. Бу чалкашлик айрим асарларда ёзувчи концепциясининг ноаниклигига олиб боряптиким, оқибатда фикр саёзлашиб кетяпти. Ёзувчи ўз қаҳрамонларига иисбатан — улар хоҳижобий бўлсин, хоҳсалбий — объектив бўлиши керак, албатта. Лекин объективликни йўқотмаган ҳолда ҳаёт ҳодисаларига бўлган мунисабати, қарашлари, бу ҳодисеани баҳолашни инҳоятла аниқ ва ҳалол бўлиши керак. Асарда айтилмоқчи бўлган фикриниг салмоги аксар ҳолда ёзувчининг эстетик концепциясига боғлиқким, буни сира эслан чиқармаслигимиз лозим.

Албатта, мен бугун кўп асарларимни, шу жумладан «Эр бошига иш түшса» деган романимни ҳам боиқача ёзган бўлардим. Бугун ҳамма қардом атабиётларда, хусусан рус совет адабиётида реалистик усулуб тобора чуқур илдиз отмоқдаким, бундан биз фақат хурсанд

бўлмоғимиз керак. Менинг назаримда бугун проза соҳасида қалам тебратадиган бирорта ёзувчи, хусусан ёш ёзувчи В. Шукшин, В. Распутин, В. Белов, В. Астафьев каби жуда улкан истеъдодлар тажрибасини четлаб ўтолмаса керак деб ўйлайман. Чингиз Айтматов тўғрисида-ку гапирмасак ҳам бўлади...

Уз ижодим, ўз романларим тўғрисида бир нима дейиншим қийин. Ахир ҳар бир ёзувчи ўз асарини ўзи баҳолайдиган бўлса адабиётнинг аҳволивой бўларди. Фақат шунин айтишим мумкинки, бошқа қаламкаш дўстларим қатори мен ҳам, биринчидан, ҳаёт ҳодисаларини чуқурроқ идрок этишга, турмуш зиндиятларининг ичига киришга, иккинчидан, совет адабиётида пайдо бўлаётгани ҳар бир яхши асарни канда қилмай ўқиш ва бу асарларни яратган санъаткорларининг ижодий сабоқларини ўрганиб боришга ҳаракат қилмоқдаман. Каминасиган бу ҳаракатлари бирор натижага беряптими, йўқми — бу ҳақда ҳукм чиқариш Сиз таңқидчилар ва ҳурматли китобхонларининг ишидир.

ТАНҚИДЧИ. Юксак эътиқолли, курашчи кишилар образи тасвири талқини билан боғлиқ баъзи мунозарали мулодазалар туғилиб қолди. Ёзувчи қаҳрамонни қанчалик курашчан қилиб тасвир этса, айрим танқидчиларга шунчалик маъқул тушаётир. Қаҳрамонни курашларда кўрсатиш, курашчи, фаол қилиб бериш яхши, бироқ бу курашлар пайтидаги унинг драматик ҳолатини, энг муҳими, бу курашлар қаҳрамон учун қанчалар қўйматга тушганилигини четлаб ўтиши ярамайди. Социалистик реализм адабиётининг энг яхши асарларида қаҳрамонлар кураши ўйлидаги қийинчиликлар, драмалар, ҳатто фойзиалар бутуни кескинилиги, шиддати, мураккаблиги билан кўрсатилганини, буни унутмаслик керак. Шу мўтабар анъанаи унтиши, конфликтсизлик назарияси пайтида пайдо бўлган иуқул можарони осонгина изжобий қаҳрамон фойдасига ҳал этиши, қаҳрамонни омади келган шахс сифатида талқин этиш ҳол-

лари баъзан бошқачароқ кўринишда учраб қолаётир. Чунончи, «Нур борки, соя бор» асарида қисман шу ҳол сезилди. Танқидчи Баҳодир Ғуломов роман қаҳрамони Шерзодни идеяларга садоқат, шинжоаткорлик ва курашчанликда Павел Корчагинга қиёс қиласди. («Ўқитувчилар газетаси», 1976 йил, 19 декабрь.) Бу яхши. Бироқ танқидчи қиёс пайтида масаланинг бошқа томонини унугиб қўяди. Н. Островский Корчагинидаги шинжоатни, курашчанликни ифода этиш билан баробар, бу шинжоат ва курашлар қаҳрамон учун қанчалар қимматга тушганлигини ҳам катта эҳтирос билан кўрсатади. «Нур борки, соя бор» эса бу жиҳатдан бир оз оқсаниди — танқидчи масаланинг бу томонини унутмаслиги керак эди.

Яширишининг ҳожати йўқ, «Эр бошига иш тушса» романнда ҳам ёш қаҳрамонлардаги шинжоат етарли кўрсатилгани ҳолда, улар йўлидаги қийинчиликлар ҳамиша ҳам ўқувчини ларзага солар даражага бориб етавермаган эди. Ҳатто «Улугбек хазинаси»даги Али Қушчи образида ҳам маълум бир ёқтамалик кўзга ташланади. Ундаги кураш романтикаси бўёғи айрим ўриналарда керагидан ортиқроқ. «Диёнат» романнда эса манзара бошқача. Эҳтимол, бу ердаги юксак эътиқод эгаси Нормурод домла образи авватги романларинигиздаги шутур образлардан ўзгачароқ, балким нассенвроқ кўринар. Лекин бу образ моҳиятига чуқурроқ ёилашилса, акс ҳолни пайқаш мумкин. У ҳам букилмас ирова эгаси, курашчи, мухитга зўр таъсир кўрсатувчи шахс... Бу образда кураш тантаналари эмас, кураш машаққатлари ифодасиңга кўпроқ эътибор берилгани... Табиийки, бу хил машаққатлар пайтида одам ҳар хил ҳолатга тушибади. Нормурод домлада ҳам гоҳи-гоҳида умидсизлик ҳоллари юз беради. Шунга кўра уни пессимизмда айблаш ўришли бўлмаса керак.

ЕЗУВЧИ. Адабиётда курашчи кинилар образини яратиш, курашчан қаҳрамонларни кўрсатишнинг аҳа-

мияти катта, албатта. Биз ҳаммамиз Хамлет ва Сўна, Павел Корчагин ва Чапаев, Фофир ва Йўлчилар тўғри-сидағи китобларни ўқиб катта бўлганмиз, уларнинг иродаси, мардлиги, улуғ гояларга бўлган садоқати қалбимизда чексиз меҳр ва ҳурмат уйғотган. Лекин курашчи кишилар образини яратиш тўғрисида гапирганда биз бу хилдаги қаҳрамонлариниг дунёга келиши «кураш»га, илмий тил билан айтганида, ҳастий конфликтга боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак. Ахир гражданлар уруши давридаги шиддатли санфий кураш ва шафқатсиз конфликтларни бугунги турмушимизга сунъий ра-вишда кўчириб бўлмайди-ку! Шу маънода «Нур борки, соя бор» каби бугунги кун ҳақидаги асар қаҳрамонларидан Корчагинига хос курашчалик ҳисларини қидириб юришини тўғри деб билмайман. Лекин баъзи асарларимизда «куран майдонида беллашган» қаҳрамонларимиз галабага осонгина эришяпти деган гапга қўшилмоқ керак. Бу бор гап. Зотан, конфликтсизлик назарияси ва бу назария «асосида» яратилган баъзи асарларининг китобхонлар томонидан «совуқ» қабул қилинганинииг бир сабаби ҳам шунда эдик, уларда даврага тушган «полвоилар» чинакамига беллашмасдан турибоқ бир-бирини кўтариб уриниади. Шу маънода биз яна ҳаётнинг ўзига мурожаат қилимогимиз маъқул, ёзувчининг энг катта домласи турмушиниг ўзи бўлмоги лозим. Турмушда эса кураш, айниқса принципиал масалалардағи конфликтлар, «гоялар драмаси» осон ҳал бўлмайди, улар гоҳо қиргоқларни емиргувчи тошқин янглиғ нисони ҳастини агдар-тўйтар қилиб ташлайди.

«Эр бошига иш тушса» романни тўғрисидаги фикрларнингизга қўшилмай иложим йўқ. Бу менинг роман бобидаги илк тажрибам эди, албатта. Али Кушчи образига келсак... ўтмиш, айниқса узоқ ўтмиш бизга ҳамиша сирли, қандайдир хаёлий, борингки, Сиз айтгандек, романтик бўёқлар шуъласида хиёл бошқача бўлиб кўринади. Умуман йироқдаги ҳар бир нарса ўзгача туюлиб,

бизни ҳамиша мафтун қилиб, ўзига чорлаб туради. Ахир инсонлар асрлар давомида Ой билан Марсга термилиб, улар томон талпиниб ўтгани, бу планеталарда ҳаёт бўлишини истаб келгани бежиз эмас-ку! Али Қушчи образининг яратилишида шу туйгуларниг таъсири бўлса ажаб эмас. Сиз айтган романтик бўёқларни мен нафақат Али Қушчи образида, балким Навоий ва Обойга бағишлангаи, умуман тарихий мавзуда бзилган асарларниг деярли ҳаммасида озми-кўпми кўраман. Нормурод Шомуродов тўғрисида фикр юритмайман. Фақат шунни айтишим мумкинки, бу образининг прототипини турмушда кўп кўргаиман. Бир маҳаллар улар менга ҳам «ғалати одамлар» бўлиб туюларди. Кейин ўйлаб қарасам, улар жуда пок, жуда олижсаноб, оддий кинилар экан.

ТАНҚИДЧИ. Умуман ижобий қаҳрамони тасвирида романтик жилоларниг ўрни, роли, даражасига қандай қарайсан? А, Қодирри ҳақидаги мақолангизда романтик тасвирга қандайдир хушламайроқ қараши сезилади. Бироқ ўзингизниг аввал яратган асарларнигизда, «Муқаддас», «Эр бошига иш тушса» қаҳрамонлари бадиий талқинида романтик бўёқ хийла қуюқ, ўзингиз эслатганингиздек, «Ўлугбек хазинаси»да ҳам бу нареа бор. «Диёнат»да эса манзара бошқачароқ; қаҳрамонларга муносабатинги ҳам мураккаброқ. Қаҳрамонни ёқлаш ёки қоралаш эмас -- унинг моҳиятини -- кучти ва оқиз томонларини кўрсатни, таҳлил этиши устуни; аввалилари Сиз ҳам кўнчиллик романтик тасвирга мойил ёзувчилар каби ижобий қаҳрамонлар томонида туриб, ҳар боб билан уларни ҳимоя остига олинига, рақибларни эса қоралашга тушар эдингиз. «Диёнат»да эса ижобий қаҳрамонларнигизга иисбатаи хийла шафқатсан, бир оз совуқкон бўлиб кетгандай кўринидингиз менга. Ҳатто китобхонлардан бирининг: «Суюкли олим, покиза иисон Нормурод ота бошига шу қадар кўп оғир савдолар солиш, уни шу қадар қўйиоқлардан олиб ўтиш

шартмиди, ёзувчининг бу шўрликда қандай қасди бор экан?»—деган таънасии ҳам эшилдим. Яхшиси, бу саволга ўзингиз жавоб берсангиз...

ЁЗУВЧИ. Бу саволларга ҳам юқорида жавоб бериб ўтдим. Такоргра ҳожат йўқ. Фақат шуни айтмоқчиманки, мен ҳеч қачон А. Қодирий ҳақидаги мақоламда «романтик тасвирга қандайдир... хушламай» қараган эмасмән. Эҳтимол, мақоладаги терминларда, ибораларда баъзи чалкашликлар бўлса бордири, аслида мен чинакам романтик тасвирга қарши эмасман, сохта, сунъий романтикага қаршиман... Мен ўша мақоламда Абдулла Қодирийга чуқур эҳтиромимни изҳор этганиман, «Ўтган күнлар» романини солдат вақтимда буюм халтамдаги поинлар орасига солиб, Гоби чўлларида орқалаб юриб ўқинганимни айтганиман. Айни замонда, ҳар қанча олқинласам арзийдиган бу улкан ёзувчимиз асарларида шафқатенуз реалистик тасвири билан бир қаторда гоҳо-гоҳо кинини ишонтирумайдиган лавҳалар, эпизодлар, илмий тил билан айтганида, реалистик услубдан жиндай чекиниш ҳоллари учрашини ҳам кўрсатиб ўтганимким, бунинг чинакам романтик тасвирга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Назаримда Сиз, бу асарларда реалистик услубдан ҳеч қандай чекиниш йўқ, деган гапга журъат этолмай, менинг айтгани жузъий камчиликларни «романтик тасвири» ибораси билан изоҳламоқчи бўласиз. Умуман бизнинг адабиётшунослик ва тақиқидчилигимизга хос камчиликлардан бири шундаки, улкан ёзувчилар ҳақида гап кетганда, уларда ҳеч қандай нуқсон йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган фикр илгари сурилади. Энг ёмони камнича янглиг гариси билан адаб уича-мунича камчиликларни айтишга журъат этеа, унинг фикрини асосли равишда инкор этини ўрнига: «Ўзи ким бўптики, фалончига осиллади?» дегани маъниода дўқ-пўписага ўтилади. Тўғри, улуғлар хизмати олдида бизнинг хизматимиз жуда гариблашиб қолади. Лекин шахсан мен масалага бундай ёндашишни нотўғри деб биламан. Маса-

лац, айтайлик, Толстой олдида Бунин ким бўлибди? Лекин Толстой олдида «ҳеч шима бўлмаган» Бунин «Анна Каренина» романи тўғрисида ганириб, «бу, албатта, улуғ роман, лекин агар Толстой уни менга таҳрирга берганда мен унинг тўртдан бирини қисқартириб ташлардим, шунда роман янада ярқираб кетарди!» деган фикрни айтишга журъат этган. Бу фикр учун ҳеч бир рус олими уни қоралаган эмас, «Бунин ўзи ким бўптики, Толстойга тош отади?» деб наъра тортиб чиққан эмас. Гап шундаки, ўсимиши истаган ёзувчи ўз камчиликларини кўриб бормаса ҳушёрликни қўлдан бериб қўйиши муқаррар бўлганидек, адабиёт ҳам ундаги хато ва нуқсонлар айтиб турилмаса — бу нуқсонлар кимга ва қандай улуғ ёзувчига тааллуқли бўлмасин — ривождан тўхтаб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Албатта, биз бу жузъий камчиликларни айтар эканмиз, устоз ёзувчиларимизнинг биринчи бўлиб катта жанрга қўл урганини ва бу жанрда ҳанузгача биз учун намуна бўладиган улуғ асарлар яратганини, бу асарлар хатқимиз томонидан севиб ўқилаётганини эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Ва агар мени бу жузъий камчиликларни айтишини лозим кўраётган бўлсан, бунинг сабаби шундаки, адабиётимизда баъзи улкан ёзувчиларимизга тақлид қилиш ҳолларини кўрояман. Бу тақлид оқибатида ўта китобний ва ўта чучмал асарлар тугилаётirkim, адабиётимиз бугун реалистик услугубирларини эгаллаш йўлида катта ҳаракатлар қилаётган бир пайтда бу тақлидий китоблар китобхонлар дидини бузишдан бошқа наф келтирмайди деб ўйлайман. Бизда кўп китобхонлариниң асар қаҳрамонлари бошига мумкин қадар ҳеч бир савдо, ҳеч бир мусибат тушмаслигини исташининг, қаҳрамонлар хулли эртаклардагидек мурод-мақсадларига эринишларини исташларининг бир сабаби ҳам шунда бўлса керак. Чунки, гарчи Отабек — Кумуш муҳаббатлари фожиа билан тугаса ҳам (буюк ёзувчимизнинг улуғлиги ҳам шунда,

яъни ҳаёт ҳақиқатига тўла риоя қилганилигидадир), юқорида айтиб ўтилган тақлидий асарларда энг драматик тақдирлар ҳам, эртакка ўрганган китобхонлар қувончиға қувонч қўшиб, сип-силиққина якунланади.

ТАНҚИДЧИ. Аввало ёзувчининг ёзувчи ҳақидаги мулоҳазаларига бир оз эҳтиётроқ бўлиб ёндашиб керак. Ёзувчи адабий асарга баҳо берадигандай, хоҳлайдими-йўқми, кўпинча ўз тажрибалари, ўзи учун кашф этган эстетик принциплар, ўз «адабий қонунлари» асосида иш кўради. Улур Толстой улур Шекспирни никор этган, никор этибгина қолмай, ўз фикрини кенг асослашга ҳаракат қилгай. Бунда Толстой ҳақ эмаслиги тамомимла аён. Айни нийтда, бунинг учун олимлар Толстойни кескин қораламайдилар ҳам, чунки Толстой Шекспир реализмiga ўз реалистик принциплари нуқтаи назаридан баҳо беради, шу баҳо ёрдамида биз Толстой реализмининг можиятини чуқурроқ англаб оламиз. Бунинининг «Аниа Каренина» ҳақидаги танқидий мулоҳазаларини ҳам шу тарзда изоҳлаш керак. Бунин асло ҳақ эмас, «Аниа Каренина» композицион-поэтик жиҳатдан мукаммал, етук асар экани фанида аллақачон исботланган.

Лекин Сиз бир жиҳатдан ҳақсан — «Аниа Каренина» тўғрисидаги фикри учун Бунинининг юзига қоракуя чаплаш шарт эмас.

Абдулла Кодирий ҳақидаги мулоҳазаларга келсак, улкан адаб романларидағи романтик жилолар, Сиз айтгандай, гоҳо учраб қоладиган «кишини ишонтирумайдиган лавҳалар, эпизодлар», «реалистик услубдан чекиниш ҳоллари», менимча, реалистик прозанинг ўша даврдаги ҳолати, тараққиёти даражаси, ўша давр китобхонининг диди, завқи билан боғлиқ ҳолда олиб қараладиган бўлса, зарурий, табиий, қонуний бир ҳолдир. Бунинг сабабини ўз вақтида ёзувчининг ўзи жуда разван ва лўнда қилиб изоҳлаб берган... «Ўтган кунлар» яратилгандан кейинги ярим асрдан ошиқроқ муддат да-

вомида ўзбек насли жуда бой реалистик тажриба тўплади. Ҳозирги кунда ана шу тажрибаларнинг чўққисида турган адигина адабиётни, бинобарин, китобхонни олдинга етаклаши мумкин. Афусски, Сизин ташвишга солаётган ҳолат—бор нарса, айрим қаламкашларимиз Абдулла Қодирий сингари адиллар ижодидаги ўз даври учун табиий, зарурий бўлган, аммо реализмнинг бугунги даражаси нуқтаи назаридан қараганда оқизроқ туюладиган ўринларга, юмшоқроқ қилиб айтганда, эргашаётирлар...

Чамамда бир оз «мавзудан» четга чиқиб кетдик шекилли. Роман табиати масаласига қайтайлик. Роман ўз табиати билан кўп планли жанр, унда бир эмас, бир неча сюжет йўналешлари, бир эмас, бир неча қаҳрамонлар тақдири ёндоп ҳолда келаверини мумкин. Лекин бу жанрнинг энг иодир намуналарига назар ташласак, ҳамиша асар марказида бир ёки икки персонаж тақдири турганинг /хусусан бир китобдан иборат романларда/ кўрамиз, қолган сюжет йўналешлари асосий воқеага бўйсунган бўлади. Менинг назаримда сўнгги йиллар романчилигига асосен равишда шу традициядан чекиниш ҳоллари юз беряпти. Буни биз қисса ва новеллалардан иборат роман хусусияти деб атаемизми, ижодий-услубий изланини, роман поэтикасини янгилашга уруниш деб атаемизми, бари бир, бу ҳодиса оқибат-натижада романга хос тафаккур тарзидан чекинишга олиб келяпти. Табиийки, ёзувчи бир асарда бир эмас, бир неча персонаж тақдири билан бирдек банд бўлгани учун уларнинг ҳар бирини роман қаҳрамони даражасига етказиб, атрофлича таҳлил этиши қийни. Яна бир масала: яратилётган талайгиниа романларда бош қаҳрамон роман юкини кўтаришига қодир бўлмагани учун ёзувчи уни бамисоли *воситачи қаҳрамон тарзида* беради; яъни бу тур қаҳрамонини ҳаётининг хилма-хил жабҳаларига олиб киради, турмушининг турли-туман чигалликларига дуч қилади; бу усутини умуман ишкор

этиб бўлмаса-да, ҳар ҳолда унда қандайдир иллюстративлик аломатлари бор; бош қаҳрамон асарда гўё ма-салаларни регистрация қилиш учун ҳаракат қилаётган-дек туюлади /«Нур борки, соя бор»даги Шерзод, «Ол-мос камар»даги Аброр образлари қисман шундай/. Агар бош қаҳрамон тақдири мазмунан бой, романбоп драмаларга мўл-кўл бўлса, бу хил иллюстративлика ҳожат қолмас эди.

ЁЗУВЧИ. Бош қаҳрамон ва унинг асардаги ўрни тўғрисидаги гапларингизга бус-бутун қўшиламан. Ал-батта, асардаги барча иштирокчилар тақдири бош қаҳрамон тақдири билан чамбарчас боғланиб кетиши шарт. Адабиётнинг энг юксак намуналарида шу йўлдан борилган. Шунинг учун ҳам бош қаҳрамонга юкландиган юк жуда залворли бўлмоғи керак. Бу гаплар ҳам охир-оқибат маҳорат масалаларига бориб боғланадиким, не чора, уни эгаллаш жуда мушкул экан!

ТАНҚИДЧИ. Иносон шахсига хилма-хил томондан ёндашиш, уни мураккаблиги, зиддиятлари, кучли ва ожиз томонлари билан кўрсатишга интилиш— ҳозирги адабий жараённинг характерли хусусиятларидан. Бу адабиётда, насримизда реализмнинг чуқурлашиб бора-ётганигина тасдиқлайдиган мухим бир факт. Модомики, адабиёт иносоншунослик экан, ахир у инсонни, унинг маънавиятни ҳар жиҳатдан тадқиқ, таҳлил этиб берини, одамлар, уларниң бисоти ҳақидаги тасаввуримизни бойитиши, чуқурластириши лозим. Бу жиҳатдан роман бекиёс имкониятларга эга. Айтайлик, «Диёнат»даги Отақўзи бир қарашда олдиндан таниш одамга ўхнайди, кўнчилик драма ва насрӣ асарларда қаламга олинган — аввал хизмат кўрсатган, сўнг ҳаддидан ошиб кетган колхоз раислари образини, чунончи «Навбаҳор»даги Дадавой ака, «Синчалак»даги Қаландаровни эслатади. Романин синичниклаб ўқигач, шу нарса аён бўладники, ҳали бу тур раҳбар ходимлар ҳақида айтилмаган гаплар, кашф этилмаган сирлар кўп экан. Энг му-

ҳими, Отақўзи шахсиятига, маънавиятига foят хилмалил томондан ёндашгансиз, у ҳақда ҳукм чиқаришига шошилмайсиз, характеристининг хилма-хил қирраларини кенг кўламда таҳлил этасиз, унинг тақдиридаги драматик, ҳатто фожиавий ўринларни батафсил очиб берасиз, уни фожиага мубтало этган омиллар устида кенг баҳс мулоҳаза юритасиз. Отақўзи образи адабиётдаги ўхшашликлар деб аталган масала моҳиятини тушуниб олиш, тушунтириб бериш жиҳатидан ҳам ибратли... Ҳар ҳолда «Синчалак»дек етук асардан кейин Қаландаров хилидаги образга мурожаат этиш Сиз учун осон кечмаган бўлса керак? Шундай ижодий мусобақа олдинги романнигиз «Улуғбек хазинаси»да ҳам кўрингани эди. М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясидан кейин Улуғбек ҳақида ёзиш, у ҳақда янги гап айтиш осон эмаслиги ҳаммага аён...

ЁЗУВЧИ. Яна такрорлайман. Мен ўз асарларим тўғрисида фикр юритишни истамас эдим. Фақат шуни айтишим мумкинки, Дадавой ака ва Қаландаров каби раислардан кейин бизнинг баъзи асарларимиздаги раислар «Муштум» журналида суратлари чиқадиган раисларни эслатарди. Яъни битта бўёқ, қора бўёқ билан чизиларди. Ҳолбуки битта туғил, бир исча бўёқ билан ҳам ҳаёт ва табиатнинг ҳақиқий маизурасини яратиб бўймайди. Бу ҳаммага мъълум ҳақиқат. Лекин биз бу ҳақиқатни аксар ҳолларда эсдан чиқариб қўямиз. «Диёнат» романни эълон қилингандан кейин кўп китобхонлардан: «Отақўзининг прототипи борми? Бу образ «Фарзандлар бурчи» этюдларидаги раислардан олинган эмасми?» деган маънода хатлар олдим. Пайтдан фойдаланиб шу саволларга жавоб бериб ўтмоқчиман: йўқ. Отақўзи битта-иккита одамга қараб чизилган образ эмас. Уни менинг кўп йиллик кузатишларим, ҳаёт ҳодисалари тўғрисидаги кўп йиллик ўйларим маҳсули дейиш мумкин. Умуман мен сўнгги йилларда ёзувчи ва санъаткор учун ҳаётни чуқур билиш, уни ҳаракатга

келтирувчи ички қонунларни, зиддиятларни, турмуш ўзи илгари сураётган муаммоларни яхши билиш нақадар мухим эканини яна бир марта англадим. Чунки агар, Сиз айтгандек, сўнгги романномда жон бўлса, романнинг бош қаҳрамонлари Отақўзи билан Нормурод Шомуродов тақдирида китобхонни салгина бўлса-да ҳаяжонга солувчи бир нима бўлса, бунинг ҳаммаси сўнгги йилларда қилган кўп сафарларим, одамлар билан, шу жумладан партия ва хўжалик раҳбарлари билан бўлган мулоқотларим, «ётиб гаплашганда» олган таассуротларим мевасидир. Отақўзи билан Қаландаров образига келсак, мен бу икки образни бир-биридан анича йироқ бўлган икки давр кишиси, бир-бирига унча ўхшамаган икки зиддият маҳсулни деб ўйлайман. Масала шундаки, ҳозир турмушда Қаландаровдан ўн баробар кучли, иродали, уддабуро раҳбарлар етишиб чиққан (бу ерда гап Қаландаров образининг бадиий кўлами тўғрисида эмас, ҳаёт «яратган» одамлар тўғрисида кетяпти!). Бу раҳбарлар ҳал қилаётган масалалар, амалга ошираётган ишлар ҳам эллигинчи йилларнинг охирида, яъни қаландаровлар қилиши мумкин бўлган ишлардан ўн баробар каттадир. Бу деган сўз, икки зиддиятлар кўлами ва бу зиддиятларнинг моҳияти ва қонуниятлари ҳам тамом ўзгармоғи шарт деган сўздир (қарама-қаршиликсиз тараққиёт йўқ, деган марксистик назарияни унутмайман!). Демак, турмушнинг ўзига мурожаат қилган ёзувчи илгари ёзилган асарларни, илгари яратилган образларни ҳеч қачон такрорламайди ва такрорлаши мумкин ҳам эмас. «Улугбек хазинаси» тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Ундан ташқари, битта тарихий сиймо тўғрисида ўнлаб асарлар яратиш мумкини, бундай ҳоллар адабиёт тарихида жуда кўп учрайди. Мен битта мавзуда ёзилгац «Хамса»лар, «Кавказ асирлари»ни эсламай қўя қолай, «Навоий» тўғрисида ёзилган ажойиб роман билан ажойиб драма ва кинофильмнинг ўзиёқ менинг фикримни тўла тасдиқ

лайди. Албатта, бирор тарихий сиймога «кейин мурожаат» қилган ёзувчи бу сиймо тўғрисида ўзидан олдин ёзган санъаткор йўлидан бормаслиги, бу ишда ўзгача йўл қидириши керак. Акс ҳолда унинг асари аввал яратилган асарнинг байни такрори бўй қолиши мумкин, холос.

ТАНҚИДЧИ. Турмушни чуқур билиш ижодий оригиналликнинг гарови экани ҳақидаги фикрингизга қўшилган ҳолда, бунга эришишининг бошқа жуда кўп факторлари ҳам борлигини таъкидламоқчиман. Чунончи, санъатнинг энг муҳим вазифаси, Л. Толстой айтмоқчи, инсон қалби ҳақидаги ҳақиқатни айтиш, ифодалаш. Шундай экан, ёзувчи инсон қалбига чуқурроқ кириб борса, ижодий оригиналлик учун йўл очилаверса керак. Чунончи, Улугбек ҳам, Отақўзи ҳам сиртдан қараганда мавжуд образларга ўхшайди, аммо уларнинг қалби, маънавияти тасвири, таҳлили аввалги образларни асло такрорламайди. Яна бир қиёс. «Эр бошига иш тушса» романида адашган, алданган аёл Барно образи бор. «Диёнат»даги Фазилат илк бор ёдимга ўша Барнони тушириди. Унинг тақдпри, энг муҳими, қалб тадқиқи билан танишгач, бу аёл тамомила бошқа бир олам эканига шоничхосил қилдим.

ЁЗУВЧИ. Албатта, адабиётнинг бош вазифаси инсон қалбини тасвирлаш, Чернишевский айтмоқчи, инсон руҳининг диалектикасини ифодалаб беришdir. Лекин бу «ниш» жуда катта истеъодони талаб қиласидики, бу истеъод ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Шу боисдан ҳам ёзувчилик касби бетиним меҳнат ва изланишларни тақозо этади. Энг муҳими, ёзувчи ўз қаҳрамонларнинг қалб торларини чертишни истаса, у аввалимбор ўзи билган одамлар, ўзи бошидан кечирган воқеалар тўғрисида ёзиши керак. Мен, масалан, Барнони жуда яхши танийман. Бу аёл, яъни Барно образини яратишга асос бўлган аёл ҳамон ҳаёт. Фазилат эса... Фазилат воқеасини менга шифо истаб касалхонага тушганимда бир кекса коммунист гапириб берган. Мен бу ҳикояни фақат кўчирдим,

кўчириб, бошқа тақдирларга «боғлаб» юбордим, холос. Улугбек эса... Улугбек ҳам тарихий ҳужжатларни ўрганиш давомида, беш юз йил наридаги фожиали воқеалар гирдобига «шўнғиган» кезларимда менга ўз отам, ўз оғамдай яқин бўлиб қолди, унинг ўйлари менинг ўйларимга, дардлари менинг дардларимга айланиб кетди. Бошқача бўлиши мумкин эмас ҳам эди, албатта.

ТАНҚИДЧИ. Аминманки, Фазилат ҳақидаги ҳикояни асарга шунчаки кўчириб қўя қолганингиз йўқ. Ўзганинг бошидан ўтган ҳаяжонли, қизиқ воқеаларни лаб-даҳани бор ҳар қандай одам ҳам бошқа бирорвга галириб бера олиши мумкин. Аммо унинг қалбини, қалбидағи жараёнларини фақат ёзувчи — санъаткоргина кўра билиши ва қайта гавдалантира олиши мумкин...

Одил ака, сұхбатимиздан маълум бўляптиki, бу ерда тилга олинган роман табнати, қолаверса бадииятга онд талай масалалар шунчаки назарий муаммолар бўлиб қолмай, улар бевосита адабий тажрибанинг ўзи тақозо этаётган жумбоқлардир. Роман жанрининг тақдирни кўп жиҳатдан шу жумбоқларни ҳам назарий — илмий, ҳам амалий жиҳатдан тўғри ҳал этилишига боғлиқ.

ҲАРАКАТДАГИ ЭСТЕТИКА ✓

(Ёзувчи Пиримқули Қодиров билан сұхбат)

ТАҢҚИДЧИ. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий таңқидчилик ҳақида» қабул қылған қарори эълон этилганидан бүён беш йил ўтди. Вақт ўтган сары бу қарорнинг қиммати тобора яққолроқ кўринияпти. Ҳақиқатан ҳам тарихий ҳужжат адабий-бадиий тафаккур тараққиётiga янги тўлқин баҳш этди. Аввало адабий-таңқидий асарларни нашр этиш анча яхшиланди, аввалилари ҳеч қачон беш йиллик муддат давомида бу қадар кўп таңқидий асарлар босилмаган эди. Таңқидий асарларни мавзу-муаммолари доираси ҳам кеңгайди, адабий асарларга, ҳодисаларга хилтма-хил томондан ёндашиш, адабий жараёни комплекс тарзда таҳдил этишига интилиш кучайди; энг муҳими таңқид бу йилларда, В. Г. Белинский ибораси билан айтгана, «ҳаракатдаги эстетика» эканини амалда яна бир бор исбот этди; таңқидчиларимиз маънавий ҳаёт ва адабиётиниг энг долзарб, мураккаб проблемаларини ҳал этишига дадил интиладиган бўлиб қолдилар.

Шахсан мени адабий таңқид фақат адабиёт учун эмас, умуман, маънавий ҳаёт учун зарур эканини қарордан кейин яна ҳам чуқурроқ ҳис этдим. Қаранг, ҳозир бирор диққатга сазовор асар пайдо бўлиши билан, бу ҳақда таңқидчилар нима дер экан, дея ёзувчилар ҳам, китобхоналар ҳам интизорлик билан жавоб кутадиган бўлиб қолган.

ЁЗУВЧИ. Танқид ҳақидағи қарорнинг моҳияти хусусида фикр юритишдан аввал «лирик чекиниш» қылсақ, тарихни эсга олсак.

Альпинист ҳали забт этилмаган баланд чўққига чиқиб бораётганда унга қалб кучи ва жисмоний салоҳиятдан ташқари жуда катта ақл, фаросат ва зийраклик ҳам керак. Агар альпинист тик қоя бўйлаб кўтарилаётганда ҳар бир қадамини қанчалик тўғри қўяётганини аниқ билмаса, ички бир ҳакам унинг ҳаракатларини ўз вақтида таҳлил қилиб, адолатли баҳолаб турмаса, арзимаган хато унинг бутун меҳнатларини йўққа чиқариши ва аввал эришилган юксаклик қўлдан кетиши мумкин.

Менимча, бадний адабиёт янги чўққиларни забт этаётганда мана шу фаросати зўр, зийрак ички ҳакамнинг вазифасини адабий танқид бажариб туради. Бадний адабиётдаги кўтарилиш ҳамиша адабий танқиддаги юксалиши билан қўшилиб боради. Адабиёт тарихидаги инқироз даврлари эса адабий танқидиниң ҳам нечоғли орқага кетганини кўрсатиб туради.

Ўзбек классик адабиётида Навоий, Бобир ва Машраблардан кейин Оғаҳий, Муқимий ва Фурқатларгача бўлган бутун-бутун асрларда адабий танқид узоқ-узоқ пишакка кетгани, бадний адабиёт эса ўзанини йўқотган дарёдек бўлиниб-сочилиб, гоҳ уёққа, гоҳ буёққа юз тутиб, яхши ривожлана олмай қолгани тарихдан маълум. Бунииг кўп сабабларидан бирин шуки, ўша даврларнинг адабий танқиди Навоий ва Бобир эришган улкан бадний ютуқлариниң магзини чақиб, кейинги адабий авлодлар кўйтига эстафета тарзида тутқаза олмаган.

ТАНҚИДЧИ. Айни пайтда бунга рус ва жаҳон адабиёти тарихида ибратли мисоллар кўп...

ЁЗУВЧИ. Адабиёт авлоддан-авлодга ўтганда аввал эришган юксалишларни йўқотиб қўймаслиги учун адабий танқид унга жонкуяр ва доно бир ички ҳакам бўлиб хизмат қылса, бунииг қанчалик катта самара бериншини

XIX аср тажрибаси — рус классик адабиёти кўрсатиб турибди.

А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтов ижодлари билан бошланган улкан кўтарилиш улардан сўнг Н. В. Гоголь, И. С. Тургенев, Ф. М. Достоевский ижодларида тўхтовсиз давом этгани ва Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, М. Горький ижодларида энг баланд чўққиларга чиққани жаҳон адабиёти тарихида кам учрайдиган ажойиб бир ҳодиса бўлди. Лекин шу улуғ ҳодисани В. Г. Белинский, Н. А. Добролюбов, Н. Г. Чернышевский каби танқидчиларнинг ижодлари ва фаолиятларисиз тасаввур этиб бўладими? Ўйқ, чунки бу танқидчилар улкан ёзувчиларнинг асарларини бениҳоя ўткир фаҳм-фаросат ва дид билан таҳлил қилиб, адабиёт учун шундай жонкуяр, адолатли ҳакамлар вазифасини ўтадиларки, уларнинг ёрдамида аввалги улуғ авлодларнинг ютуқларини кейинги авлод ёзувчилари бениҳоя тез ва чуқур ўзлаштирилар. Белинскийдай буюк танқидчилар Пушкиндан улуг ёзувчилар эришган ҳамма ютуқларнинг магзини чақиб, кейинги авлоднинг улкан истеъоддларига гўё эстафета тарзида қолдирилар. Ниҳоят, бу эстафетани Лев Толстойдай даҳолар мисли кўрилмаган юксакликларга олиб чиқдилар.

Мана шу фактларнинг ҳаммаси — бадиий адабиётни ривожлантиришда адабий танқид қанчалик катта иш кўрсатиши мумкинлигини айтиб турибди. Партиямиз Марказий Комитетининг буидан беш йил олдин қабул қилган қарори ҳам — адабий-бадиий танқидни кўтариш йўли билан бутун адабиёт ва санъатимизни тезроқ юксалтиришга қаратилгандир. Адабиёт тарихи учун беш йил — унча катта давр эмас. Лекин бу даврда адабий танқид аввалги даврларга иисбатан хийла активлашгани, унинг адабий жараёнга таъсири сезиларли даражада ошгани ҳаммамизга аёи. К. Маркенинг «Шоирлар меҳрибончиликка муҳтождирлар» деган ҳикматли гапини танқидчиларга иисбатан ҳам қўллаш

мумкин. Партиямизнинг фамхўрлиги ва яратиб берган янги имкониятлари танқидчиларимизнинг кўнглини ўстирияти, ўз ишига ишончини оширияпти, савия ва маҳоратини янада баланд кўтаришга ёрдам беряпти.

ТАНҚИДЧИ. Қарор муносабати билан танқидчилик предмети, назария ва методологияси, принцип ва вазифалари, танқидчи истеъодди, унинг адабиёт, китобхон олдида бурчи ҳақида кенг фикр алмашувлар бўлди, бу ҳақдаги баҳс давом этяпти. Танқид ҳақидаги баҳсни, менимча, танқидчи истеъодди масаласидан бошлаш керак, чунки мунозараларда айрим ўртоқлар танқидчилик ҳунарини ўта сирли, ваҳимали қилиб кўрсатадилар, чинакам танқидчини улар қандайдир. Қомусий билим эгаси, хилма-хил ижодий хислатларни ўзида жамлаган гайриоддий бир шахс сифатида тасаввур этадилар. Еки, аксинча, баъзи ўртоқлар танқидчилик истеъодига менсимайроқ қарайдилар, танқидчи бу шунчаки ўқимишли китобхон, деб атайдилар.

ЕЗУВЧИЙ. Йигирманчи асрининг жуда кўп улуғ кашфиётлари фаниларининг бир-бирига чатишган жойларида юз беряпти. Биология билан кимё чегарасида, улар гўё бир-бири билан чатишиб, биохимия деган улкан бир фанин юзага келтирди. Бионика фанида, хусусан, физикининг кимё ва бошқа фанилар билан чатишган жойларида қилинган катта илмий кашфиётлар кишини ҳайратга солади. Бу ўрнида умуман инсон фаолиятининг зўр бир қонунияти ўзини кўрсатади. Маълумки, энг яхши мева навлари, энг яхши гуллар пайвандалаш итижасида ва турли навлардаги фазилатларни бир навга йигиб, синтез қилиш оқибатида пайдо бўлади.

Менинг тасаввуримча, адабий танқид ҳам фан билан бадиий ижодининг чегарасида, улар бир-бирига пайванд бўлиб чатишган ва ҳар икки соҳанинг фазилатлари бирлашиб синтезга айланган жойда юзага келади. Шунинг учун баркамол адабий танқид фан ва бадиий ижодининг кучга тўлган юксак босқичларидагина шаклланади.

В. Г. Белинский туғма танқидчилик истеъдодининг ёзувчилик ёки олимлик истеъдодига иисбатан хийла кам учрашини айтган эди. Чунки бир соҳанинг талабига жавоб беришдан кўра ҳам фанинг, ҳам адабиётнинг талабига жавоб бериш қийинроқ.

ТАНҚИДЧИ. Демак, Сизнингча ҳам, адабий танқидчиликнинг ўзига хослиги бу соҳа соҳиби учун фавқулода иқтидор, истеъдодни талаб этади. Адабиёт тарихида истеъодоли ёзувчиларга қараганда истеъодоли танқидчилар ишҳоятда кам эканлиги ҳам шундан бўлса керак.

Яна бир жумбоққа эътиборингизни тортмоқчи эдим. Матбуотда адабий танқид билан адабиётшунослик орасидаги тафовутларни аниқлашга иштилишлар бўйди.

ЁЗУВЧИ. Тўғри, бизда адабиётшунослик фани билан адабий танқидни бошқа-бошқа соҳа деб ҳисоблайдиганлар бор. Бу иккя соҳа орасида маълум фарқлар йўқ эмас. Лекин асл эътибори билан чинакам танқидий асарда илмий аниқлик ва терапиялик бўлади, ҳақиқий адабиётшуносининг иши эса танқидчиликнинг вазифасини ҳам бажаради.

Боя сиз тилга олган «танқидчи ўқиминиلى китобхон» деган фикрга келганда шунин айтишим керак. Бу сизга танқидчилик истеъдодига иисбатан мененмай қарашибўлиб туюлаётир. Мен эса бу фикрини боиқачароқ маънода тушунаман. Танқидчи — жуда доно ўқувчи -- китобхон ҳам бўла билини керак. Агар у янги бадиий асарни ўқиётгандага фақатгина ўзининг танқидчилик вазифасини ўйлайверса, унинг янги асарга холисаилилто ёндашибши ва мукаммал таассурот олини қийин бўлиб қолади. Биз биламишки, холис китобхон асарни ўқиётгандага, уни ёзувчи билан бирга ижод ҳам қилади. Шунинг учун оддий ҳарфлар билан тўлган оддий китоб саҳифаларида жонли одамлар, ғаройиб воқеалар гавдаланади. Ёзувчи сатр замирига сидирган жуда кўп маъноларни китобхон ўз фаҳм-фаросати ёрдамида кашф этади ва бу унга

завқ багишлайди. Ёзувчи эзмалик қилмасдан қисқа ва лўйнда шаклда чизган тасвирларнинг кўпгина тафсилотларига китобхон ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб қўшимча қиласди... Хуллас, ҳақиқий китобхоннинг асар ўқиши — бу асарни қайта ижод этиш даражасига етади.

Танқидчи ҳам янги асарни ўқиши пайтида доно бир китобхонга айланниб, ундан мумкин қадар тўлиқ ва холис таассурот олиши, ўқиётган асарнин китобхонлик шуури билан фикран қайта яратиб чиқиши керак. Шундан кейинги босқичда китобхон эплай олмайдиган ишни бажариши — асардаги гоявий-бадиий маъноларнинг мағзини илмий-танқидий тафаккур ёрдамида чақиб бериши керак. Лекин бу босқичда танқидчига олимлик иқтидоридан ташқари ёзувчилик қобилияти ҳам жуда керак — чунки у ўз танқидий асарини одамлар қизиқиб ўқиидиган ёрқин шаклга солиб ёзиши керак. Демак, танқидчи ҳам бир доно китобхонининг беғараз, холис кўзи билан кўриши, истеъоддли олимнинг тераи илмий мантиқи билан таҳлил қилиши, сўнг бу таҳлилни санъаткорлик иқтидори билан қоғозга тушира билиши керак. Бунчалик кўп томонлама салоҳиятни бир жойдан топиш чиндан ҳам осон эмас.

ТАНҚИДЧИ. Модомики шундай экан, танқидчилик иқтидорига эга ёшлиарни саралаш, тарбиялаш жуда муҳим иш.

Танқидчилик ҳақидаги қарорда малакали кадрлар стиштирини борасидаги камчиликлар очиб ташланган, бу ишин яхшилаш учун маълум тадбирлар белгиланган, университетлар ва гуманитар олий ўқув юртлари зиммасига катта вазифалар юкланиган эди. КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябринда «Ижодкор ёшлиар билан ишилаш тўғрисида» чиқарган қароридаги: «Ёш санъаткорлар билан олиб бориладиган жамики иш уларга сезгирлик, ҳурмат билан қарашни талабчалик ва принципиаллик билан бирга қўшиб олиб боришга асосланиши лозим... Ёшлиарнинг муаммолари ва эҳтиёjlари-

ни ўрганиш, уларнинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришларига ёрдам бериш, талантларни ижодий жиҳатдан истиқболли йўлда камол топтириши лозим», — деган сўзлар ёш танқидчилар тарбиясига ҳам бевосита дахлдор.

ЕЗУВЧИ. 1976 йилни «Литературное обозрение» саҳифаларида бўлиб ўтган «Танқидчини қандай тайёрлаш керак» мавзудаги мунозара шуни кўрсатдики, танқидчи кадрлар билан ишлаш ҳозирча партия қўяётган талаблар даражасида эмас. Ҳусусан, менга шу мунозара да илгари сурилган истеъдоллар билан мустақил иш олиб бориш хусусидаги мулоҳазалар, Озод Шарафиддинов мақоласида илгари сурилган конкрет таклифлар маъқул тушибди.

ТАНҚИДЧИ. Бонижа олтий ўқув юртларини билмайман-у, кейинги йигирма йил ичиде Тошкент Давлат университетида ўқиб танқидчилик майдонига йўлланма олган истеъдоллар «тарихи»дан қисман хабардорман. Иброҳим Гафуров, Норбой Худойберганов, Анқобой Қулжонов, Азим Раҳимов, Абдуғафир Расулов, Мөҳли Сафаров, Маҳкам Маҳмудов, Бахтиёр Назаров, Бегали Қосимов, Санжар Содиқ каби ўнлаб истеъдолларни илк бор хурматли устозлари Лазиз Қаюмов, Матёқуб Қўшижонов, Озод Шарафиддиновлар кашф этган эдилар.

Устозларнинг ёнилар билан ишланидаги бир тажрибаси менинг беҳад қувонтиради. Сир эмас, шундай устозлар ҳам борки, улар шогирдларини нуқул «ўзларига тортишларини», чизиб берган чизиқларидан юришиларини истайдилар; бизнинг устозларимиз эса илк танишувдан бошлиб шогирдларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатига кўз-кулоқ бўлиб турадилар, айни пайтда уларни, худди бургут боласини парвозга ўргатганидаги каби, ўз ихтиёрларига қўйиб берадилар. Ҳамиша мустақил фикрлашга, баҳслашишга, ҳатто ўзларни билан тортишинида даъват этадилар.

ЕЗУВЧИ. Устоз фикрини ўйламай-истмай маъқул-

лайверадиган шогирд чинакам шогирд эмас, бу билан фан олга бормайди, устоз айтмаган гапни айтган, унинг ишини лоақал бир қадам илгари силжитган истеъдод эгасигина чинакам шогирд деган номга муносиб... «Устозига тортган таңқидчи» фаидаги оддийгина хушомадгүй дастёр бўлиб қолаверади.

ТАНҚИДЧИ. Шонр Андрей Вознесенский «Литературная газета»да босилган «Илҳом машаққатлари» мақоласида: «Талантлар авлод-авлод бўлиб етишади», дейди. Чинакам истеъдод эгалари бир-биридан қанчалик фарқ қилишларига қарамай, уларда маълум бир авлодни бир-бирига яқинлаштирадиган хислатлар ҳам мавжуд. Воҳид Зоҳидов, Иzzат Султонов, Ҳомил Ёқубов каби устозларимиз ҳар бири ўзича бир дунё, айни пайтда уларнинг адабий манфаатлари, салоҳияти ва таҳлил принципларида қандайдир муштараклик мавжуд. Л. Қаюмов, М. Кўшжонов, О. Шарафиддинов ва улардан кейинги авлод ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

ЁЗУВЧИ. Дарҳақиқат таңқидчиликда ҳам авлод кетидан авлод етишиб келяпти. Бир авлод бошлиған яхши ишини кейинги авлод янада балаид босқичга кўтаряпти. Ҳамза ижодини атрофлича ўрганиш ва адолатли баҳолашда Юсуф Султондан сўнг Лазиз Қаюмовнинг қилгани катта ишларини эсланг. Ёки А. Қодирий ва Ойбек асарларини ҳассослик билан таҳлим қилишда М. Кўшжоновнинг И. Султон ва Ҳ. Ёқубовдан сўнг олға қараб қўйган йирик қадамларини мисолга олинг.

ТАНҚИДЧИ. Худди шунингдек, И. Фафуровининг М. Шайхзода, Миртемир, Ҳ. Гулом ҳақидағи мақолалари, П. Шермуҳамедовининг ўзбек болалар адабиётига доир ишлари таңқидчиликда олга ташланган қадам, ёш авлодининг янги сўзи бўлди.

Менимча, 70- йиллар таңқидчилигига янги ўзига хос авлод тугилиб келяпти. Бир-инки мақоласи билан ярқ этиб кўзга ташланган Муҳаммадали Қўшмоқов, Абдулла Матёқубов, Абдулла Шер, Аҳмад Аъзамов, Нурму-

ҳаммад Холлиев, Сулаймон Раҳмонларин назарда тут-япман. Булар биринчи навбатда ўз тенгдошлари ижодини, уларнинг руҳиятини, дардини ишқоятда нозик ҳис этадилар. Очиги, 70-йилларда адабиётга кириб келган ёшлилар шеъриятини улар тажрибали танқидчилардан кўра нафисроқ таҳлил этти.

ЁЗУВЧИ. Ҳақиқий танқидчи фақат ўзидан олдин ўтгани ва классик деб тан олинган ёзувчилар ижодигагина эмас, ўзи билан тенгдош ёхуд ўзидан кейин адабиётга кириб келган ёш истеъдодларга ишебатан ҳам жонкуяр бир ҳакам бўлиши керак. Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеърий истеъдодларига матбуотда илк бор муносиб баҳо берган ва уларнинг дастлабки асарларига оқ йўл тилаб, кенг жамоатчиликка ташитган танқидчи Озод Шарафиддинов биз айтган жонкуяр ҳакамлик ва истеъдодшуносликнинг яхши намунасини кўрсатди.

Мен шу фактлардан келиб чиқиб айтмоқчиманки, ҳозир адабий ҳаракатда иштирок этаётган ёш танқидчилар ўз тенгдошлари ҳақида яхшироқ ёзишлари мумкин деган фикр уччалик тўғри эмас. Ким билсан, эҳтимол, ҳозирги ёш танқидий истеъдодлар орасида Ойбекни ёки Faafur Fулом ижодини биздан ҳам теранроқ ҳис қиладиганлари, биздан ҳам ёрқинроқ, таъсирироқ шаклда очиб берадиганлари бордир? Ёзувчиник истеъдодлари турлича бўлганидек, танқидчилик истеъдодлари ҳам жуда хилма-хил. Бу истеъдодлар қайси соҳада, қайси жаңрда ўз имкониятини тўлиқ юзага чиқара олса, ўша соҳани, ўша жаңрни бехато топсан, биз бу ишда қўлимиздан келган ёрдамини аямайлик.

ТАНҚИДЧИ. Адабий асар, адабий ҳодиса кейинги авлодлар томонидан ҳам қайта-қайта баҳоланади, аввалги авлод айтмаган гапни кейингиси айтади. Бироқ, менинчча, ёзувчининг ўз замондош танқидчиси, кўнглини яқиндан билган, кўнглидагиларини бевосита ҳис этган одам томонидан берган баҳоси бебаҳо. «Евгений Онегин», «Момақалдироқ», «Обломов», «Арафа» каби

асарлар ҳақида турли даврларда яратилган юзлаб тадқиқотлар бор, аммо уларнинг ҳеч бирида В. Белинский, Н. Добролюбов мақолаларидағи каби ҳисснётни топиб бўйлмайди. Мен аминманки, М. Қўшжонов Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор билан кўп йиллар ҳамфир, ҳамсуҳбат бўймаганида, уларнинг шахсиятини яқиндан билмаганида, эҳтимол, улар ҳақидағи тадқиқотлари бу қадар чукур, нағис ва самимий чиқмас эди.

ЁЗУВЧИ. Шундайку-я, лекин адабий асарни, адабий ҳодисани одилона баҳолаш учун бир оз дистанция ҳам керак. Мен кўзда, деган гап бор, одаминг юзи иссиқ, кўз кўзга тушиб турганда ҳақ гапни айтшига баъзан истиҳола қиласан киши. Узингиз биласиз, асарнинг камкўстларини кўра-била туриб, юз-хотир қилиб, ҳар хил андишалар билан кўнгилдаги гапларни авторга айтольмай юрадиган танқидчилар ҳам бор.

ТАНҚИДЧИ. Танқидчиликдаги юз-хотир самимиятга путур етказади. Самимиятни қўлдан бермаган, адабий танқиднинг юксак вазифасини юракдан ҳис этган танқидчи энг яқин ёзувчи дўстига ҳам ҳақ гапни дангал айта олади. В. Белинскийнинг машҳур Гоголга мактуби, доҳий В. И. Лениннинг М. Горький билан самимий ва принципиал мулоқотлари биз танқидчилар учун ҳамиша ибрат, намуна бўлиши керак. Ҳозирги кунда шу аиъана-га амал қиласидиган танқидчилар кўп. Матёқуб Қўшжонов Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорни ҳар жиҳатдан эъзозлани билаш баробар «Олтин водийдан шабадалар», «Қўшчинор чироқлари» романларининг камчиликларини вақтида рўйирост айтган эди. О. Шарафиддинов F. Фулом истеъодини юксак қадрлаган ҳолда 50-йиллар шеъриятидаги айрим камчиликларга эътиборни тортган эди.

ЁЗУВЧИ. Адабиётнинг мағаатини кўзлаб ёзилган адолатли танқидга, гарчи у аччиқ туюлса ҳам, ёзувчилар тан беради. Мен бу ўринда яна бир фактни — Матёқуб Қўшжоновнинг «Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» деган

мақоласини, ёзувчи Иброҳим Раҳимга «Очиқ хатн»ни эслатиб ўтмоқчиман.

ТАНҚИДЧИ. Биз адабиётнинг замонавийлиги тўғрисида кўп гапирамиз. Танқидий тафаккурнинг замонавийлиги ҳам ниҳоятда муҳим масала. Модомики, адабий танқид «ҳаракатдаги эстетика» экан, у замон нафасини, бугунги куннинг эҳтиёжларини сезигирлик билан ўзида мужассам этиши лозим. Афсуски, адабий ҳодисаларга эскирган мезонлар билан ёндашиш ҳоллари ҳамон учраб қоляпти. Бир мисол. Н. Шукуров истеъодди, тажрибали танқидчиларимиздан. Унинг F. Гулом, Зулфия, А. Мухтор шеърияти ҳақидаги тадқиқотлари ҳаммага маълум. Яқинда менинг «Шарқ юлдузи»да «Шеъриятда гражданлик руҳи» сарлавҳали мақоласини ўқиб қолдим. Мақолада қатор нозик кузатишлар бор, айни пайтда мақоланинг умумий руҳи, хусусан авторининг танқидий мулоҳазалари менга у қадар ботмади. Танқидчи ҳозирги ёшлар шеъриятидаги гражданликини ишқул катта авлод анъанаси мезони билангиша ўлчайди, ҳозирги ёшлар шеъриятида гражданлик мотиви ўзига хос тарзда намоён бўлаётган тигини чуқур, атрофлича очиб бермайди, гражданлик мотивини, «салмоқли маъно»ни кўпроқ шеъриниг тематикасидан қидиради. Жумладан, Рауф Парфи шеърларини шу жиҳатдан кескин танқид остига олади. «Рауф Парфи анча оригинал тафаккур юритиб, ўзига хос шеърлар яратиш йўлида излангаётган шоирлардан» эканлигини айтib, сўйиг: «Бироқ унинг кўпгина (диққат қилинг: кўпгина!— У. И.) шеърларida буюк ўзгаришларни гражданлик руҳи билан таҳдил қилиб баҳолаш тенденцияси кўзга ташлаймайди»,— деб ёзади. Бундан чиқдики, Рауф Парфининг кўпгина шеърлари гражданлик мотивидан маҳрум. Энди танқидчининг далил-исботига эътибор берайлик: «Шоирнинг аксарият шеърлари қор, ёмғир, булутлар, жавобсанз севги изтироблари ҳақидадир». Булар ҳақида ёзмаслик керак экан-да, деган андишага борасиз. Шундай эътироуз туғи-

лишини назарда тутиб дарҳол таңқидчи: «Бу ҳодисалар ҳақида ҳам ажойиб замонавий шеърлар яратиш мумкин», деб изоҳ беради. «Рауф Парфининг «Акс-садо» тўпламидаги аксарият /«аксарият» сўзига эътибор беринг— У. Н./ шеърлар салмоқли маъно-мазмунга эга эмас». «Бу шеърларниң лирик қаҳрамони,— деб давом этади мақола автори,— ёмғир ёғишини, қор бўралашини, булутларниң кезишини, тун қоронғилигини кузатади-ю, бироқ ҳайётниң қайноқ оқимини ҳис этмайди. Давр ҳодисаларига гражданик ҳисси билан қараб, уларниң сарагини — саракка, пучагини пучакка ажратмайди».

30—40-йиллар таңқидчилигида интим ва пейзаж лирикасига шундай талаблар қўйилар, ҳар бир шеърдан, ҳаттоқи марсиядан ҳам «ҳайётниң қайноқ оқимини» кўрсатиш, давр ҳодисаларининг «сарагини — саракка, пучагини пучакка ажратиб бериш» талаб этилар эди.

Поэзия таңқидчилиги жуда катта тажриба тўплаган ҳозирги кунда шеъриятга шу хилда ёндашиш кишига ғалати туюлар экан...

ЕЗУВЧИ. Мезонлар ҳақидаги баҳс, хусусан, бу мезонларниң қайсилари замонавию қайсилари эскирган, деган савол бизни жуда узоққа олиб кетиб қолиши мумкин. Гап таңқидчилик истеъдодидан бошланган эди. Шунинг учун бу ерда фақат битта бош масала — истеъдод ҳақида сўз юритиш кифоя қилар деб ўйлайман. Табиатда ёмби олтии қаичалик кам учраса, истеъдод ҳам шундай кам учрайди. Гёте, қобилиятдан юқориси истеъдод, истеъдоддан юқориси даҳолик, деган эди. Демак, ҳақиқий талант билан генийлик бир-биридан кўп ҳам узоқ эмас. Биз талант ҳақида ганирганда мана шунни унутмаслигимиз керак. Ҳолбуки, оддий қобилияти ҳам «истеъдод» деб кўттар-кўттар қиласидиган иайтларимиз бўлади. Лекин «ҳалво» деган билан оғиз чучимайди.

ТАНҚИДЧИ. Даврининг адабий-танқидий тафаккури даражасида туриб фикр юртими ҳам таңқидчилик талантиниң муҳим белгиси.

Марказий Комитет қарорида танқидчиликдаги «санъат воқеаларини ҳаёт билан боялай олмасликтан» иборат камчиликка эътибор жалб этилган эди. Бу борада маълум ўзгаришлар юз берди. Аммо баъзан адабий фактларни ҳаёт билан «боғлаш»ни юзаки тушуниш ҳолларига дуч келаёттирмиз. Масалан, танқидчи бирор адабий ҳодиса ёки конкрет асар, образ устида сўз очар экан, ҳаётдан қиёслар ахтаради, сафарда, завод ёки қишлоқда кўрган воқеаларини хотирлайди, ўша кўрганлари асосида адабий ҳодиса моҳияти, асарининг ютуқ ва камчиликлари устидан ҳукм чиқаради. Бу хил қиёслаш усули кўпинча утилитаризмга олиб бораёттир, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганида, адабиётининг «атомдан кучли» қудратини ўтии ёришга сарфлашидек бўлиб қолаёттир. Адабий фактларни ҳаёт билан боялаш борасида яна ўша классиклар — Белинский, Добролюбовлардан ибрат олишимиз, ўрганишимиз керак. Асарда, унинг қаҳрамонларида танқидчи ўзи ҳаётда кузатиб, ўйлаб юрган ҳодисаларни уқиши, чуқур ҳис этиши, уни таҳдилга сингдирини, ҳам ёзувчини, ҳам ўзини тўлқинлантирган тўйғуларни кенг жамоатчиликка етказини ҳазилакам иш эмас, албатта.

ЁЗУВЧИ. Истеъодод — бу кишини ҳайратга соладиган инсоний бир қудратдир. Бир ўзи ўн кишининг юкини кўтарадиган паҳлавоилар одамии ҳайратга солади. Талантли адабининг паҳлавоилиги — унинг ҳис-туйғу оламида, ақл-идроқида, зеҳинда, сўз билан сурат чиза билиш қувватидадир. Лев Толстой Монассан ижоди муносабати билан айтадики, талантли ёзувчи ички бир қудрат ёрдамида ҳаётнинг бошқаларга уича кўринмайдиган янги томонларини кўра билади, шу кўрган янги нарсаларини хотирасида, кўз олдида узоқ тутиб турниб, унинг бутун моҳиятини санъаткорларча очиб бера олади. Талантли танқидчи эса, фақат ҳаётни янги томондаигина кўриб қолмасдан, шу ҳаёт тасвиридан иборат бўлган адабий асарининг бошқалар кўзига уича аниқ ташланмаган

ёки сезилмаган хислатлари, фазилатлари ёхуд нуқсонла-
рини ўтирип қалб кўзи билан жуда равшан кўради ва
уларни илмий-танқидий тафаккур тили билан қофозда
таъсирили ифодалаб беради.

ТАНҚИДЧИ. Танқидчилик истеъоди бошқалар кўр-
маган нарсани кўришда, деган фикрга қўшилган ҳолда,
танқидчининг диққати нимага қаратилиши, танқидчи
талантининг йўналиши, мақсади масаласи ҳам ниҳоят-
да муҳим эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Қўлга қалам
олган танқидчи кпм учун, нима учун ёзаётганлигини
унутмасин. Танқидий асар ҳам ёзувчига, ҳам китобхон-
га, ҳам адабиёт ҳақидаги фанга хизмат этиши лозим.
Яшириб нима қиласиз, шундай мақолалар эълон этила-
ётирки, улардан на ёзувчи озиқ олади, на адабиётшунос
танқидчилар; энг ачинарлиси — улар кенг жамоатчи-
ликни чалғитади.

Бир неча йилдан бери давом этаётган, эндиликда
«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали саҳифаларига кўч-
гани конфликт ҳақидаги баҳсни эслайлик. Катта бир адабиётшунос
олимимиз қанчадан-қанча вақтини сарф
этиб, конфликтнинг тури нечта, деган масалани аниқ-
ламоқчи бўлади, ўзича схемалар тузиб, уларга назарий
тус бериб, гаройиб терминалар билан конфликтни иккига
ажратади, шу схемага мос тушмайдиган фикрлар айт-
ган танқидчиларнинг мақолаларидан жилдий ғоявий
хатолар қидиради... Бора-бора конфликт ҳақидаги баҳс
оддийгина тавтологияга, схоластик тортишувга айланади.
Үйлаб қоласан киши, бундай баҳслар ким учун
керак?! Шу орада «Литературное обозрение» журнали-
да адаб Борис Можаевининг ҳозирги асарларнинг конф-
ликтига багишланган мақоласини /1976 йил, № 7/ ўқиб
қолдим. Эҳтимол, мақола авторининг барча фикр-му-
лоҳазаларига қўшилиб бўлмас, аммо бу конфликт ҳа-
қидаги чинакам баҳс. Ҳа, ундаги гаплар ёзувчини ўйга
толдиради, танқидчини баҳсга тортади, китобхонга кат-
та маъниавий озиқ беради; мақола автори бутун адабий

жамоатчиликни тўлқинлантираётган масалаларга жавоб ахтаради...

Бу хил мақолалар танқидчиликнинг обрў-эътиборини кўтаради, табнийки, бояги хил баҳслар унинг қадрии ерга уради.

ЁЗУВЧИ. Партияниң ҳозир барча соҳа ходимларидан сифат ва самарадорликни талаб этяпти. Адабий танқидчиликнинг самарадорлиги унинг адабий тажриба билан исчоғли боғлиқлиги, у кўтараётган масалаларнинг ҳаётий ва зарурийлиги билан ўлчанади. КПСС XXV съезди ижтимоий фанлар олдида турган вазифаларини белгилар экан: «Схоластик назариябозлик олға томон қилинаётган ҳаракатимизга тўсиқлик қилиши мумкин, холос. Амалиёт билан боғланниб иш олиб боришигина фанининг самарадорлигини ошириши мумкин. Бу эса ҳозирги кундаги марказий проблемалариниг биридир»,— деб уқтиради.

Кўриниб турибдикни, танқидчи истеъодининиг йўналиши унинг самарадорлигини белгилайди. Айни пайтда эса танқидчи қалбида унинг бутуни фаолиятини бошқариб турадиган маёқ ҳам бўлади. Бу унинг партиянивий виждонидир. Мана шу маёқ ёнимаса ёки хира тортиб қолса иш чаппасига кетди деяверниг. Озод Шарафиддинов юқорида тилга олинган «Литературнос обозрењие»даги мақоласида бу хусусда гоят куйиб-пишинб гапиради. Мен унинг ташвишларига тўла қўшиламан.

Адабий танқидга менсимай қарашни келтириб чиқарадиган кўп сабаблардан бирни ҳам аслида айрим танқидий мақолаларининг адабиёт манфаатларини эмас, қандайдир шахсий манфаатларни кўзлаб ёзилганилиги, бўш асарни кўра-била туриб кўкка кўтариши ёки яхши асарни атайлаб каментинига итилишидир. КПСС Марказий Комитетининг қарори танқидчиликимизда учрайдиган бундай нуқсонларни рўйирост кўрсатиб берган ва уларга қарши муросасиз кураш олиб боришга чақирган эди.

Адабиёттимизни жонли бир организм деб тасаввур этсак, танқидчилик — шу вужудининг қонини тозалаб турадиган жигар вазифасини ўтайди. Тирик организмда жигар қанчалик катта меҳнат қилиши ва бутун аъзоларни зарарли нарсалардан қанчалик яхши ҳимоя этиши кўпчиликка маълум. Шунинг учун одам одамни ўзинга жуда яқин олганда «жигарим» дейди. Лекин адабий организмда жигарининг вазифасини бажармай, фақат юмшоқ жойларга ёғ бўлиб ўринашиб кун кўрадиган танқидчилар ҳам учраши мумкин. Албатта, тирик организмга ёғ ҳам керак — айрим аъзоларни совуқдан асрайди ва юмшоқ тутади. Лекин ёғ боссан организмининг ҳаракати сусайиб қолади, ортиқча вазн юракни қийинаб қўяди. Шунинг учун адабий организмнинг ёғ босининга мутлақо йўл қўймаслигимиз керак.

ТАНҚИДЧИ. Кузатишлар шуни кўрсатадики, баъзан танқидчи яхши асарни ерга ураётганда ёки ёмон асарни мақтаётганда, бу ишни ўзига ишонган ҳолда, онгли равишда қиласди, тўғри йўл тутяпман, деб ишонади. Бу ерда бадний дид масаласи келиб чиқади. Кимдир «Истеъдод, бу — дид» деган экан. Масаланинг мураккаблиги шундаки, баъзан истеъдодли танқидчилар ҳам дид бобида ҳар доим бир мезонда тура бермайдилар. Биргина мисол. Мен ёш танқидчи Маҳкам Маҳмудовнинг истеъдодига тан бераман, унинг «Талант ва ижод фалсафаси» китобидаги кўп фикрларига, хусусан Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ижодига оид мулоҳазаларига тўла қўшиламан. Баъзан шундай нозик дидли танқидчи имзоси билан чиққан мақолаларни ўқиб кўзларимга ишонмай қоламан. Чунончи, унинг Ҳамдам Содиқов билан ҳамкорликда ёзган «Зулмат қаъридан истиқбол сари» /«Шарқ юлдузи», 1975, № 12/ мақоласини ўқигандан ҳайрон бўлиб қолдим. Авторлар бадний жиҳатдан ногироплиги ҳар бир китобхонга маълум бўлган Исоқ Содиқов романларини прозамизда ҳар жиҳатдан янгилик деб атайдилар, асарда «...муаллифининг

кўрган-кечирганлари бадиий умумлашмалар воситасида рўйирост гавдаланиади»,— деб ёздиilar; трилогиядаги Мамасодиқни Фофири, Йўлчи билан бир қаторга қўядилар; «Мамасодиқ ҳаёти ва фаолиятида халқ образи ўз аксени топган», дейдилар; булар билан ҳам чекланмай, асарни озодлик учун курашига халқимиз шаънига қўйилган ажойиб ҳайкал, деб юборадилар. Афсуски, бундай фактлар И. Фафуров, П. Шермуҳамедов каби тажрибали танқидчиларимиз фаолиятида ҳам учраб қолаётir...

ЁЗУВЧИ. Танқидчининг диди ҳақидаги гапларингизга қўшиламан. Диңсизлик ёмон оғат. Диңсизлик билан ёзилган мақоланинг аянчли томони шундаки, у бошқаларга, хусусан, тажрибасиз китобхонга ҳам юқиб қолиши мумкин.

Диңсизликни Сиз танқидчи руҳиятидаги зиддиятлар билан боғлаяпсиз. Эҳтимол, бу гапда асое бордир. Бироқ буни мен кўпроқ танқидчининг ҳафсаласизлигида деб биламан. Баъзи бир истеъодд әгалари қилаётган ишларига ҳафсаласизлик билан қарайдилар, бу ишнинг меҳнатидан қочадилар. Баъзи танқидчи ўртоқлар мақоласини наридан-бери қофозга тушириб, уни бирор марта кўчиримасдан ва меъёрига етказмасдан босмага берадилар. Бунинг оқибатида савия тушиб кетади. Чунки истеъоддга меҳнат зарблангацдагина ишнинг сифати ошади. Дейлик, қобилият беш бўлса, меҳнат ҳам беш бўлса, улар бир-бирига зарбланид-ю, ҳар бирининг натижаси йигирма беш даражага стади. Қобилият беш бўлгани билан меҳнат ноль бўлса, натижка ҳам ноль бўлиб чиқади. Нолни қанча катта рақамга зарбламанг, натижаси ноль бўлиб қолаверади. Ёки, аксенича, меҳнат беш бўлгани билан қобилият ноль бўлса натижка яна ўша ноль...

ТАНҚИДЧИ. Баҳсимиз танқидчи маҳорати муаммосига келиб тақалаётir. Сиз кўпдан бери бадиий прозадаги тил маҳорати устида тадқиқот олиб боряпсиз, Сиз-

га таниш шу соҳа хусусида ҳам озгина тўхталиб ўтсак. Таңқидий асарнинг тили масаласи бадиий асар тилига қараганда мураккаброқ. Ёзувчи асар тили устида ишләётганда асосан китобхонни назарда тутади. Таңқидчи эса ҳам китобхонни, ҳам ёзувчини, ҳам ҳамкасаба дўстларини — илмий жамоатчиликни кўз олдига келтириб қалам тебратади. Адабий танқид аввало фан. Ҳамма фанлар каби унинг ҳам ўзига хос тили — иборалари, терминлари, формулатлари бор. Бошқа фанлардан фарқли томони шундаки, ўзга фанлар, айтайлик, химия тилини ўз мутахассислари тушунса кифоя, кенг омма учун англашиклари бўлиши шарт эмас. Адабий танқид, адабиётшунослик тили эса, кўпчиликка ҳам тушунарли бўлиши шарт. Бунинг устига танқиднинг объекти бадиий адабиёт, бинобарин образлиликка дахлдор.

Биз кўпинча танқидий асарлар тили устида ишләётганимизда кимлар учун ёзётганлигимизни унтиб қўямиз, баъсан илмий жамоатчиликни назарда тутиб ёзувчи ёки китобхонни эсдан чиқарамиз ёки, аксинча, кенг китобхонлар оммасига гапираман деб илмийликка путур етказиб қўямиз.

ЁЗУВЧИ. Адабий танқид — фан ва санъатнинг синтези, дедик. Фанда тадқиқот йўли билан қилинган ихтирони ишлаб чиқаришга жорий этадиган корхоналар бор. Адабий танқид эса илмий тадқиқот ва таҳлил йўли билан яратган янгиликларни ўзи жорий қилади. Унинг «корхонаси» ўзида. Бу «корхона»дан чиққан танқидий маҳсулот тўппа-тўғри китобхонининг қўлига боради. Таңқидчи ўзи очган янгилигини китобхонга таъсирили сўзлар воситаси билан етказиб беради. Шунинг учун ёзувчи сўз устида қанча меҳнат қиласа, танқидчи ҳам шунча заҳмат чекиши керак. Лекин кўпгина танқидий ишларимизда сўз маҳорати етишмайди. Бу ҳақда Сиз айтган гаплар ўринли. «Пичокии ўзинингга ур, оғримаса бирорвга ур», деган мақол бор. Таңқидчи сўз санъати ва маҳорати бобида ёзувчига катта талаблар қўяр экан, бу талаб-

ларга, аввало, ўзи жавоб бера билини керак. Бўлмаса: «Домланинг айтганини қил, қилганини қилма», деган гап келиб чиқади.

ТАНҚИДЧИ. Танқидчилик истеъдоди ёзувчилик истеъдодига яқин. Улкан ёзувчиларнинг аксарияти айни пайтда танқидчилик иқтидорига эга бўлганлар. Бесосита адабий танқид билан шуғулланмаган ёзувчининг бир-икки мақоласидан ҳам ундаги танқидчилик иқтидорини пайқаш мумкин. Мен шунга амин бўлдимки, ёзувчидаги танқидчилик иқтидори қанчалик юксак бўлса, унинг адабий талантини ҳам шунчалик баланд бўлади. Навоий, Бобир, А. Пушкин, Л. Толстой, М. Горький, М. Шолохов, Ойбек, Ч. Айтматов каби устозлар тажрибаси буни тўла тасдиқлайди. Танқидчилик иқтидори, менимча, ёзувчилик иқтидорининг табиий, зарурӣ йўлдоши, бироқ ёзувчининг бесосита адабий танқидчилик билан шуғулланиши ёки шуғулланмаслиги бошқа гап.

ЁЗУВЧИ. Танқидчилик иқтидори имконият тарзида бўлса ҳам ҳар бир ёзувчидаги, албатта, бор. Лев Толстойнинг машҳур гапини яна бир эслагим келади: «Мен ишләётганимда, ярмим ёзувчи бўлиб асар ёзса, ярмим танқидчи бўлиб, бу асарнинг қандай чиқаётганини айтиб туради. Кечаси ишламайман, чунки тунда дилимдаги танқидчи «ухлаб» қолади». Ҳақиқий ёзувчи дилидаги танқидчининг (биз бошда айтган ўша адолатли ҳакамишини ўйгоқ бўлишини истайди. Бусиз адабиётниң ҳали забт этилмаган баланд чўққиларига кўтарилиб бўлмайди. Абдулла Қодирий, Ойбек, Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, М. Шайхзода — ҳаммалари ёзувчи бўлишдан ташқари, адабиётимизнинг ҳақиқий заршунослари ҳам бўлганлари, том-том адабий-танқидий мақолалар ва илмий ишлар яратиб қолдирганилари кўпчиликка маълум.

Мен ўзимининг кичкица тажрибамдан шунни биламанки, илмий иш қилиб бўлиб, бадиий ижодга қайтганда

ақл-идрок гүё қайралиб, аввалгидан ўткирроқ бўлиб
қолади. Бадиий асарнинг замиридан чиқиб келиб ил-
мий иш қилганда эса, ижод жараёнининг ҳали очилма-
ган сирлари ичдан равшанроқ кўринаётгандек туюлади.
Лекин: «Икки қайиқнинг бошини тутган ғарқ бўлади»,
деган мақол ҳам эсга тушиб туради. Шу сабабли ба-
диий ижод билан фан ва тақиғидчиликнинг ҳар бири
ўз елкани ёрдамида сузиб бораётган мустақил кемалар
эканини ҳеч қачон унумасликка тиришаман.

1977 йил, январь.

— С. Г. Т

САРГУЗАШТ ТАШВИШЛАРИ

(Езувчи Худойберди Тўхтабоев билан сұхбат)

ТАНҚИДЧИ. Саргузашт, детектив асарларига ҳамиша қизиқиши катта бўлган. Ҳозирги кунда ҳам шундай. Хусусан болалар, ўсмирлар «саргузашт роман», «детектив кино» деса ўзини томдан ташлайди.

ЕЗУВЧИ. Тўғри, саргузашт ва детектив асарларга қизиқиши ҳамиша жуда катта бўлиб келган. Болалар, айниқса ўсмирлар шунаقا асарлар деса ўзини томдан ташлайди, деган гапингизга ҳам шу хил адабий турнинг бир фидойиси сифатида бажонидил қўшиламан. Фақат шуни қўшимча қилмоқчиманки, бу хил асарлар ва кинофильмларни, агар улар юксак бадиий маҳорат билан яратилган бўлса, катталар ҳам бажонидил ўқиб, бажонидил томоша қилишади. Телевизорда детектив фильмлар намойиш қилинадиган кунлари кўпинча, кўзим яхши ўтмайди деган баҳона билан, болаларни нари суриб, олдинроққа ўтириб оламиз. Аёлларимиз ҳам шунаقا фильмларга ёки китобларни ўқишга берилib кетиб паловнинг тагини кўйдириб қўйган пайтлари кўп бўлган, шундай эмасми?

Саргузашт ва детектив асарларин Сиз негадир бир саволга бирлаштиряпсиз. Менимча, бу унча ўринил бўлмас. Негаки, булар ўзларининг ички қонуниятлари ва талабларига эга бўлган мустақил адабий шакллар. Бири ўз сюжетини бошдан кечирилган фавқулодда ранг-баранг воеалар асосига қурса, иккинчиси жиноят

ва жиноятчиниң қидиришдан келиб чиқадиган ҳаракат, материаллар асосига қурилади. Конан Дойлнинг асарлари билан Александр Дюма асарларининг материалларида ва бу материалларни талқин этишда кескин фарқ бор... Қорни оч одам олдига келтирилган таомни аралашига тушириб, бир хилда лаззатланиб, ошпазга оғарин деганидек, ҳозирча бизда бу хил асарлар ҳаддан ташқари оз бўлгани учун қўлимизга тушганини очкўзлик билан шоша-пиша ўқиб, шунисига ҳам шукур деб, муаллифга оғаринлар айтганимиз ва тўғри қиляпмиз. Бундай асарлар кўпайиб борган сари унинг хусусиятлари ҳам тиниқлашиб бораверади, уларга талабчаник ҳам ошаверади.

ТАНҚИДЧИ. Детектив ва саргузаштининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги гапга кейинроқ қайтамиз. Ҳозирча бу хил асарларнинг мафтункорлик сири масаласини ойдинлаштириб олсак. Инсон табиатан сирли, сеҳрли нарса, ҳодисаларга қизиқувчан бўлади. Бу хусусият болалик ва ўмириликда айниқса кучли экани аён. Саргузашт, унинг таркибига кирувчи детектив асарлар худди шу сирли, сеҳрлилик хусусияти туфайли кўпчилик, хусусан ёшлиар эътиборини ўзига тортса ажаб эмас.

ЕЗУВЧИ. Хўш, нима учун болалар, айниқса ўсмирлар бу хил асарларни қизиқиб ўқийди? Гарчи бу масалада Бутуниттифоқ статистикаси маълум бўлса-да, шахсан менинг ўзим ҳам баъзи бир кузатишлар қилганиман. Октябрь раёнидаги болалар кутубхоналари томонидан ёш китобхонларга: «Сиз қайси жанрлардаги асарларни севиб ўқийсиз?» деб савол тарқатилганида, ҳар юзтадан етмиштаси: «Саргузашт, дедектив, фантастика асарларини», деб жавоб қайтаришди. Республика болалар кутубхонасининг кўрсаткичлари эса бундан ҳам юқорироқ. Чунки бола табиатан ўзи яшаб турган дунёни билишга катталарга қараганда чанқоқ, Сиз айтгандай сирли туюлган нарсаларга эса ўта ўч бўлади. Айниқса ўн уч-ўн беш ўртасида — болалиқдан ўс-

мирликка ўтиш палласида бир неча янги майллар пайдо бўлади. Яъни бола физиологик жиҳатдан эмас, балки маънавий ва психологик жиҳатдан ҳам ўсади, ўсмири руҳиятида фавқулодда нарсаларга ўчлик кучаяди. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотмайдиган, жисмоний жиҳатдан бақувват, темир иродали, ақлу заковатда баркамол қаҳрамонлар билан учрашгиси, уларга тақлид қилгиси, ана ўшалардек бўлгиси келиб қолади. Узи яшаб турган онла — мактабдан иборат дунё энди унга торлик қилиб, денгизларда жавлони ургиси, чўққиларни зabit этгиси, ўрмонларда ваҳшний ҳайвонлар билан учрашгиси келаверади. Саргузашт асарларда эса ана шундай бола — ўсмири идеалига мос тушадиган, унга маънавий орому қаноат берадиган қаҳрамонлар тасвир этилади.

Адолат туйғуси ўсмирида беҳад кучли бўлади. Унинг қалби ҳали тоиг ҳавосидек мусаффо, хат битилмаган қофоздек оппоқ бўлади. Бу беғубор қалб ноҳақлик қораланишини, ожизлик ҳимоя қилининишини, яхшилик ёмонлик устидан тантана қилишини, жиноят фош бўлишини, жиноятчи жазоланишини доимо талаб қилиб турди. Бу маънавий талаб, агар таъбир жоиз бўлса, баъзан физиологик ва биологик талаб даражасида кучли бўлади. Фақат бугина эмас, сирли нарсаларнинг поенига етиш, чигал жумбоқларни ҳал этишга интилиш, узи яшаб турган мураккаб ва ранг-бараанг оламнинг мураккаб ва ранг-бараанг сиру асроридан воқиф бўлишга интилиш ўсмири табиатининг доимий эҳтиёжидир. Ўсмирларнинг саргузашт ва детектив асарларга катта қизиқиш билан қараши сирларнинг сабаблари, менинг кузатишмача, ана шулар.

ТАНҚИДЧИ. Жаҳон адабиёти, рус ва бир қатор қардош халқлар адабиётида саргузашт, детектив асарлар муносаб ўрин олган. Лекин негадир бизда бу тур нисбатан суст ривожланган. Кейинги йилларгагина келиб бу соҳада бир оз жонланиш рўй берди.

Саргузашт ва детектив асарларга менсимай қараш, бу борадаги назарий чалкашликлар ҳам унинг йўлига тўғаноқ бўлган. Яқин-яқинларга қадар саргузашт, детектив жиддий адабиётга мансубми ёки йўқми, деган масала устида баҳслар кетар эди, саргузаштни шунчаки «олди-қочди» деб аташ касали ҳали ҳам йўқолгани йўқ, детективни таърифлашда эса ўта қўпол чалкашликлар мавжуд. Чунончи, «Адабиётшунослик терминлари лугати»да: «Детектив адабиёт... буржуа саргузашт адабиётининг бир тури. Бу адабиёт айгоқчиларнинг мураккаб саргузаштларини ҳикоя қилувчи романлар, повестлар ва ҳикоялардан иборатdir»,— дейилади.

Конкрет асарларни баҳолашда уларда учрайдиган саргузашт ва детектив хусусиятларни камчилик деб аташ ҳоллари ҳанузгача учраб туради. Чунончи, X. Фуломнинг «Мангалик» романи ҳақидаги яхшигина бир тақризда, асар умуман ижобий баҳолангани ҳолда, қатор эпизодларда «детективга хослик устун бўлиб қолилиши» тақиид қилинади.

ЕЗУВЧИ. Юрт бой бўлса, унинг бозори ҳам тўкин бўлади. Адабиёт бой бўлса, унинг жаиrlари ҳам ранг-бараанг бўлиши табиийдир. Бизда саргузашт ва детектив уича ривожланмаганилиги бу катта камчиликдир. Сиз айтган гапларга қўшилган ҳолда, мен бунинг сабабларини яна шуларда деб биламан. Бир донишманд, киши мансаб билан улуғ эмас, балки мансаб шахс билан улуғланади, деган экан. Эдгар По давридан бошлаб катта адабиёт ичида бир кўриниб, бир йўқ бўлиб юрган детектив адабиёт Конан Дойл даврига келиб шундай бир чўққига кўтарилдики, жиддий адабиёт вакилларининг кўпини довдиратиб қўйди... Айтмоқчиманки, саргузашт ва детективнинг фидойиси бўлган ёрқин истеъодининг ўзи бизда етишиб чиқмайроқ турибди. Чиққанда ҳар қандай тўсиқларни мажақлаб ўтиб, бу хил адабиётининг ҳаётнийлиги ва гўзаллигини исботлаб берган бўларди.

Иккинчи сабаб шуки, адабиётимизнинг мураббий ва мутасаддилари бу жанрларга ҳамон лоқайдроқ қараб келишмоқда.

Бундан икки йил аввал Москвада СССР Ёзувчилар Союзи қошида саргузашт ва детектив адабиётлар совети тузилди. Марказий нашриётлар маҳсус редакциялар ташкил этди. Бу хил адабиёт ривожи проблемаларига бағишланыб кенгашлар, семинарлар ва пленумлар ўтияпти. Биз бўлсақ ҳалигача: «Агарни магарга никоҳ қиласа...» деб юрибмиз. Айтмоқчиманки, минг қўşчиға бир бошчи деганларидек, оз-моз бўлса ҳам раҳбарлигу раҳбарнинг турткиси ҳам керак экан-да. Ҳозир ҳам айни вақти. Союзимиз қошида саргузашт, детектив ва фантастик адабиётлар совети, ҳеч бўлмаса, секциясини ташкил этиб, шу соҳага қизиқувчиларининг бошини бир-бирига қўшиш керак.

ТАНҚИДЧИ. Сиз айтмоқчи, бу хил адабиёт ривожи учун ташкилий характердаги масалаларни ҳал этиб олиш жуда муҳим. Айни пайтда унинг назарияси, бу хил асарларнинг илмий таҳлили ҳам кечиктириб бўлмайдиган масалалардан. Боя Сиз саргузашт билан детективни бир савол остига бирлаштиришига эътиroz билдиридингиз. Менимча, уларни бир-бирига энд қўймаслик керак. Детектив саргузашт бағрида тугилиб, у билан ҳамкорликда ривожланиб келяпти.

ЁЗУВЧИ. Мен ҳам уларни бир-бирига қарши қўймоқчи эмасман, орадаги нозик тафовутни таъкидламоқчиман, холос.

Саргузашт билан детектив гарчи ўзларича мустақил бўлса ҳам, уларнинг бир-бирига ўхшаб кетадиган томонлари қўп. Бу икки адабий шаклни бақамти яшатётган икки аҳил қўшинига ўхшатиш мумкин. Керак бўлганда бир-бирига ёрдамга чиқади. Мушкулини осон қилиади, керак бўлганда иш асбобларини бериб туради, икки хонадоннинг равнағи учун бирни иккинчисига ҳамиша ёрдамлашиб туради. «Мангуллик», худди ўзингиз

таърифлаганингиздек, саргузашт элементларига бой бўлган детектив асардир. Шу кунгача ўзбек адабиётида яратилган шу характердаги асарларнинг энг мукаммалидир. Роман детективнинг қонун-қондалари асосида бошланади. Детективнинг эса, менинг кузатишмича, талайгина шартлари бор. 1. Асарда албатта ижтимоий мотив биринчи ўринда туриши керак. 2. Асарнинг бошланишидаёқ жиноят ёки қотиллик юз бериши лозим. 3. Изқувар ўз атрофидагиларга қараганда ақллироқ, идроклироқ, топқирроқ бўлиши шарт. 4. Китобхон билан изқуварнинг жиноят ҳақидаги хабардорлиги бир хилда бўлиши керак. 5. Мұҳаббат, оила мотиви биринчи планга чиқмаслиги керак. 6. Изқуварнинг ўзи жиноятчи бўлмаслиги керак. 7. Изқувар жиноятчи ёки қотилни тасодиғи әмас, балки майда икир-чикирларни анализ қилиб, индуктив муроҳазалар билан топиши керак. 8. Изқувар кроссворд жумбогини ечгандек ҳаракат қилиши шарт. 9. Кроссворд жумбогини ечиш реалистик асосга қурилиши керак. 10. Детектив асарда жиноят битта бўлиши талаб қилиниади. 11. Жиноятчининг жиноятни беркитишдаги усталиги изқуварнинг усталигидан кам бўлмаслиги керак — изқувар ақлли душман билан юзма-юз бўлиши керак... Хуллас, детектив асарларга ана шунга ўхшаш яна ўнлаб талаблар қўйилади. «Мангулик»да бу талабларга қаттиқ риоя қилинганлигини кўрамиз. Демак, детективнинг обрўини оширадиган асарлар ўзимизда ҳам талайгина бўлиб қолди. Чунончи, Улмас Умарбековнинг «Жўра қишлоқ», «Ёз ёмғири», Борис Пармизининг «Ранг-ранг шарқ осмони» асарлари шулар жумласидандир.

ТАНҚИДЧИ. Ҳар қандай адабий шакл ҳам ўзининг бетакрор хусусиятлари, талаблари, ички қонуниятлари билан тирик. Бу, табиики, саргузашт ва детективга ҳам дахлдор. Лекин Сиз детектив талабларида бироз қаттиққўллик қилиб юбораётгани кўринасиз; аниқроги, Сиз таъкидлаган хусусиятлар кўпроқ Конан Дойл

ва унинг анъанаси руҳида яратилган асарларга хос. Кўпчилик халқлар адабиётида детектив сюжет орқали севги, оиласий, майший-ахлоқий масалаларни бадний таҳлил этувчи психологик йўналишдаги асарлар ҳам бор. Уларда авторларни жиноий ҳодисаларнинг, фожиаларнинг психологик замини, маънавий-ахлоқий томони кўпроқ қизиқтиради. Л. Толстой, Ф. Достоевскийлар худди шу йўлдан борганилар. Бизда ҳам Сиз таъкидлаган талаблар асосида яратилган — саргузашт, детектив ҳодисалар силсиласи биринчи планда турадиган асарлар билан бир қаторда психологик йўналишдаги детектив асарлар ҳам яратилияпти. Ҳ. Ғуломнинг «Мангулик», Ӯ. Умарбековнинг «Ёз ёмгири», «Жўра қишлоқ» асарлари шу кейниги турининг яхши намуналари.

ЕЗУВЧИ. Кечирасиз, мен детектив «талаблари»ни санаганимда қисман ўз тажриба ва кузатнишларимни ҳисобга олган эдим, бошқа бирор адид ўз тажрибаларидан келиб чиқиб детективнинг талабларини бошқача-роқ тасаввур этиши табиий.

ТАНҚИДЧИ. Менин билди энди оёқка туриб келаётган детектив ва реалистик саргузаштнинг миллий ўзига хослиги масаласи кўпроқ қизиқтиради. Гарчи бизда детектив совет даврида тугилиб шаклланиш йўлига кирган бўлса-да, саргузаштнинг тарихи олис-олисларга бориб тақалади. Халқ оғзаки ижоди — эртаклар, достонлар, улар замирида яратилган жангномалар, ривоят, ҳикоят ва достонлар, жумладац, Навонийнинг «Сабаъи сайёр», «Лисонут-тайр» асарлари саргузашт турининг энг нодир намуналаридандир. Шундан бўлса керак, биздаги детектив намуналарига кўра саргузашт асарларда миллий ўзига хослик ёрқинроқ.

ЕЗУВЧИ. Тўғри, «Сабаъи сайёр», «Лисонут-тайр» асарлари саргузашт турининг энг қадимги ва нодир намуналаридандир. «Гўрўғли» туркумига кирган халқ достонлари-чи? Улар туркий халқлар саргузашт асар-

ларининг энг гўзал намуналари дир. Гўрўғли султон, Авазбек ва Равшанхонлар эса ёшу қари қалбини бир хилда ром этувчи, уларнинг идеалига бир хилда мос тушувчи қаҳрамонлардир. Бизда саргузашт жанри узоқ асрлар давомида эртак шаклида яшаб келди. Масалан, «Уч оға-ини ботирлар» эртагини олнинг. Қоп-қоронги тунда аждар билан олишув, чангальзорда баҳайбат шер билан бўлган жанг, ёвуз нияти қароқчиларнинг ўлдирилиши, хонининг ҳарамига, канизаклар кошонасига Кенжек ботирнинг билдиримасдан кириб бориши... саргузашт ишқибозларининг дикқатини ўзига тортиб, юракларини ўйнатиб юборадиган воқеалар айни шулар эмасми. Бугунги кунда саргузаштга қўл ураётган адаби бу анъаналарни четлаб ўтиши мумкин эмас, уларни «миллий ўзига хослик»нинг бебаҳо сарчашмалари деб биламан.

ТАНҚИДЧИ. Утмишдаги ёзма саргузашт сюжетли эпик асарлар билан фольклор асарлари орасида тафовут айтарли йўқ даражада. Асримиз бошларига келиб саргузашт ривожида бурилиши юз берди, энди у реалистик йўлга тушиб ола бошлади. Ҳамза, А. Қодирийнинг илк изланишлари шундан далолат беради. Қадимда, адабиётда романтизм ҳукмрон бўлган кезларда саргузаштга хос хусусиятлар — ўта шартлилик, сирли-сеҳрли фавқулодда ҳодисаларга мойиллик осонгина сингишиб кетаверган, сўз санъати ривожи реализмга кўчгандан кейин, ҳаётни реалистик акс эттириш учун кураш авж олган кезлари шартлиликка мойил адабий тур, жаир ва услубий оқимлар ривожида маълум қийинчиликлар рўй берди. Чунончи, қадимий саргузаштнинг ҳикоя қилиш тарзи баъзан ҳаётгининг реалистик картинасини гавдалантиришга монелик қила бошлади. С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари» асарида қисман шу ҳолни кўриш мумкин. Бироқ бу қийинчилик секин-аста бартараф этила бошлади, А. Қодирийнинг «Калвак махзумининг хотира дафтаридан», Ф. Фуломнинг

«Шум бола» асарлари орқали реализм саргузаштада биётда ҳам узил-кесил тантана қилди...

Афсуски, 20—30-йиллар ўзбек адабиётида эришилган бу тажриба кейинчалик анча вақт эътибордан четда қолди, ниҳоят 60-йилларга келиб саргузашт, детектив адабиётининг ўзи ҳам, уларда фольклор анъаналаридан фойдаланиш тенденцияси ҳам қайта жонлана бошлади.

ЕЗУВЧИ. Худди шу даврга келиб саргузашт асарларининг жонланиб кетишига сабаб шу бўлдикни, фан ва техника революцияси амалга оша бориши билан юртимизда маънавий юксалиш юз берди. Диidi ва талаби юксак бўлган янги китобхон авлоди етишди. Бунинг устига бизнинг болалар адабиётимизда узоқ йиллар давомида панду насиҳатлар асосига қурилган йўналиш жуда кучли эди (болалар шеъриятида бу нарса ҳамон давом этиб келяпти). Катталарга салом берсанг яхши бўлади, овқат олдидан қўлингни ювиб олсанг, ундан ҳам соз бўлади, мазмунидаги катта-кичик асарлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетган эди. Ўзининг ҳам биласизки, бола табиати насиҳатдан кўра намунага кўпроқ мойил бўлади. Натижада ҳалиги характердаги китобларни ўқувчилар камроқ ўқнидиган бўлиб қолишиди. Муаллим синифга кириб, жонини жабборга бериб дарс ўтса-ю, болалар уни тинглашмай, деразадан ўтган-кетганини томоша қилиб ўтиrsa ёки шериги билан алланарсалар ҳақида шивирлашиб, қиқирлашиб ўтиреа, муаллим нокулай аҳволга тушиб қолади. Бола олдидан масъулиятни сезса, кейинги сафар дарснини жонлантиришга, қизиқарлироқ қилиб ўтишга ҳаракат қиласиди. Менинг назаримда, кўпчилик болалар адабларининг саргузаштада детективга қўл уришининг бойси ана шундан бўлди. Фольклор анъанасининг қайта жонланиши масаласига келсақ, саргузашт фантазия билан тирик, фольклор эса фантазия бўбина ёзувчи учун бамисоли бир қанот.

ТАНҚИДЧИ. «Сир очилди» деб атаган повестингиз ҳам саргузашт усули ва услубида ёзилган эди. Лекин у китобхонлар эътиборини қозонолмади, таңқидчилар назаридан четда қолди. Нега шундай деб ўйлайсиз? Дастлаб «Сеҳрли қалпоқча» номи остида эълон қилинган, кейинчалик «Сариқ девни миишиб» деб аталган саргузашт асар катта довруқ қозонди. Ўзимизда бир неча бор қайта нашр этилди, рус ва қатор қардош халқлар тилларида чиқди. Бугунги кунда талай чет тилларга таржима қилинди ва қилинмоқда. Бундай муваффақиятнинг «сири» нимада деб биласиз?

ЁЗУВЧИ. Қушнинг юқсак парвози учун қанот қанча зарур бўлса, саргузашт турида қалам тебратаетган ёзувчи учун фантазия ҳам шунчалик зарурдир. «Сир очилди»да турмушдаги воқеани қандай кўрган бўлсам, шундайлигича, унга ҳеч қандай ижтимоий-ахлоқий юқ қўймасдан, фантазиясиз ёзиб қўя қолган эдим. «Сеҳрли қалпоқча»да эса шарқ эртаклари усулидан фойдаланган ҳолда, фантазияга кенг ўрин берганман. Эҳтимол шуиниг учундир, биринчи асар қаноти юлинган қушдек ҳаккалаб-ҳаккалаб маҳалладан нарига чиқолмади. Иккинчиси эса парвозни баланд олиб, дунёни айланиб юрибди.

ТАНҚИДЧИ. Фақат шугуна эмас. Бунинг сири, сабблари қўп. Аввало бу асардаги воқеалар шунчаки «солди-қочди»лар эмас. Асар қаҳрамони Ҳошимжоннинг гаройиб саргузаштлари воситасида ҳайтиниг хилма-хил лавҳалари ҳаққоний гавдалантирилган, хилма-хил, ўта миллий характерлар яратилган, муҳум маънавий-ахлоқий, муаммоларга эътибор жалб этилган. Хуллас, саргузашт «жиддий адабиёт»га хос хусусият касб этган. Айни пайтда фольклор анъанаси бу асарга бетакрор миллний ўзига хослик баҳш этган.

Асарда сеҳрли қалпоқча ҳақидаги эртак, шу эртакдаги муҳум деталь — сеҳрли қалпоқча ниҳоятда қўл

келган. Шу эртак, эртакдаги деталь қандай хаёлга келиб қолди. Эслай оласизми?

Шуниси ҳам борки, асардаги асосий нарса эртак айтиб бериш эмас, эртак, ундағы деталь — сеҳрли қалпоқча ҳаёт ҳақиқатини гавдалантириш, воқеаларни бирбири билан боғлаш учун бир восита. Шу билан баробар, асарни шу эртак, сеҳрли қалпоқчасыз тасаввур этиш ҳам мушкул.

ЕЗУВЧИ. Ұша пайтда «Совет Узбекистони» газетасыда фельетончи бўлиб ишлардим. Фельетончи сифатида баъзан жиноятлар изидан ҳам борардим-у, уни фош қилолмай, ҳафталаб бош қотирардим, хит бўлиб кетардим. «Қани эди, сеҳрли қалпоқчанг бўлса-ю, кийиб, ҳеч ким кўрмайдиган бўлиб олгач, жиноятчилар орасига кириб, кирдикорларини кетма-кет фош қилиб ташлайверсанг...» дей орзу-хаёлларга берилган пайтларим ҳам бўларди. «Сеҳрли қалпоқча» сарлавҳали бир фельетон ҳам ёзганиман. Кейин ўйлаб қолдим, борди-ю шу сеҳрли қалпоқчани ишёқмас, оққўнгил бир боланинг қўлига бериб, унинг саргузаштларини ёзиб, каттакон бир хулоса чиқарсам-чи, деган фикр келди бошимга... Сеҳрли қалпоқчанинг бошланиши ана шундай бўлди. Демак, мақсад, ўзингиз айтганингиздек, болаларга эртак айтиб бериш эмас эди, албатта.

ТАНҚИДЧИ. Асарнинг иккинчи китобини ёзишга шима даъват этди?

ЕЗУВЧИ. Конан Дойл бир муддатга келиб ўз қаҳрамони Шерлок Холмсни ўлдириб қўяди. Уни қаттиқ севиб қолган кенг китобхонлар оммаси бундан поризо бўлиб, муаллифининг қилмишини кескин қоралашибади, андак бўлмаса уни судга беришгача бориб етишади. «Сариқ девни миниб»ни тутатганимдаи сўиг мен ҳам ана шунга ўҳшаш аҳволга тушиб қолдим. Ўзлаб, балки минглаб ўқувчилар Ҳошимжон саргузаштларини давом эттиришимни қатъяни, такрор айтаман, қатъяни талаб қилиб туриб олишди... Бунинг устига менинг ўзимда

ҳам ёш китобхонга айтадиган гапим ҳали кўп эди. Шу-лар сабаб бўлди-ю, иккинчи китобни ёзишга жазм қилдим.

ТАНҚИДЧИ. «Сариқ девнинг ўлими»да, гарчи бош қаҳрамон Ҳошимжон асар марказида турса-да, у шунчаки аввалги асарнинг давоми эмас. Асар услугуб ва усул эътибори билан ҳам ўзгача. «Сариқ девни миниб» саргузашт асар бўлса, «Сариқ девнинг ўлими» детективнинг яхши намунаси... Саргузашт усулидан детективга кўчиш зарурияти қандай туғилди?

ЁЗУВЧИ. Ёзувчи ёзилажак асарларига шакл, услугуб танлаганида, одатда қўлидаги материалнинг характери ва талабидан келиб чиқади. «Сариқ девнинг ўлими»нинг материали жиноят ва жиноятнинг фош қилиниши хусусида эди. Менинг айтмоқчи бўлганим — «жиноятчилик ва тартиб бузилишини бутун ҳалқ оммаси оёққа тургандагина таг-томири билан тугатиш мумкин» деган гапни реаллаштириш учун худди ана шундай материал керак эди. Демак, қўлимдаги материал ҳам, айтмоқчи бўлган гапим ҳам ўз-ўзидан детектив шаклини талаб қилиб турган эди. Саргузаштдан детективга ўтишимнинг зарурияти ана шу сабабдан келиб чиқсан.

ТАНҚИДЧИ. «Сариқ девнинг ўлими» яна шу жиҳатдан характерлики, унда ҳам саргузашт, ҳам детектив, ҳам фантастик, ҳам сатирик асарларга хос хусусиятлар қоришиб кетган.

ЁЗУВЧИ. Саргузаштда сатирик хусусиятларнинг ёндош ҳолда келниши улкан адилларда ҳам учрайди, «Том Соєрнинг бошдан кечирганилари», «Калвак махзум», «Шум бола»лар бунинг учун гувоҳ... Бир чеккаси, шулар менга йўл очган бўлса ажаб эмас.

ТАНҚИДЧИ. «Беш болали йигитча» романининг тугилишидан қисман хабарим бор. Уруш йилларидағи болалик ҳақида асар ёзишини кўпдан бери орзу қилардингиз. Нега яна саргузашт ҳикоя йўлини таиладингиз...

ЁЗУВЧИ. Бу кўпроқ услубга онддир. Услуб ёзувчи ихтиёридан ташқари ички бир майлнинг талаби билан белгиланса керак. Аввалги икки романни саргузашт усулида битилган эди. Бу усул руҳиятимга хийла сингиб қолган эди. Иккинчидан, «Беш болали йигитча» романнинг кўп воқеалари ўзимнинг бошимдан ўтган, айни саргузаштнинг материали эди. Услуб ёзувчи айтмоқчи бўлган гапнинг ифода формаси, яъни оҳангидир. Оҳанг ашулада қанақа гап айтмоқчи бўлганлигинизга қараб белгиланади. Шунинг учун ҳам «Самарқанд ушшоғи» нинг оҳангига ғамгин ҳам босиқроғу «Олмача анорингга балли» қўшиғининг оҳангига енгил ва ўйноқидир.

ТАНҚИДЧИ. «Сариқ девнинг ўлими», «Беш болали йигитча» асарларининг охирида тантанавор руҳ устунилиги ҳақида бир вақтлар эътиroz билдирган эдим. Бу эътиroz хилма-хил фикр уйготаёттир.

ЁЗУВЧИ. Мен болалар ва ўсмирлар учун ёзишган асарлар албатта қаҳрамоннинг ғалабаси, тантанавор бир руҳ билан якунланиши тарафдориман. Қани, болаликда эшитган эртакларингизни бирма-бир кўз олдингизга келтириб кўрининг-чи, қайси бирида қаҳрамон енгилтгану қора кучлар тантана қилган? Эртаклар эса, катталар учун эмас, балки болалар учун тўқилади. Ёки болалар адабиётининг энг машҳур асарларини бир бошидан эслаб чиқинг-чи, қайси бирида асарнинг бошидан-охиригача бола идеалининг тимсоли бўлган ижобий қаҳрамон иниятига етолмай қолган? Бола ўз идеалининг ёвуз кучлар устидан ғалаба қилишини, «шундай қилиб қаҳрамон муроду мақсадига етибди», деган ҳукму азалии эшитгиси келади. Чунки унинг руҳиятига ғамгилил, умидсиз якун мутлақо бегонадир. Сиз, болалар адабиёти билан катталар адабиёти материалларида фарқ йўқ, балки талқинида фарқ бор, модомики шундай экан, турмуш ҳақиқати қандай бўлса шундайлигича беравериши керак, деган фикрдасиз. Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», «Эрта учган турналар», «Олапар»

асарларида ўсмир қаҳрамонлар ҳалок бўлгани ёки ҳалокат ёқасига бориб қолгани тасвирланган демоқчи-сиз. Тўғри, ўша асарлардаги воқеалар ана шуни тақозо этади. Лекин бу асарлар ўсмирлар учун ёзилмаган, балки ўсмирлар ҳаётидан олиниб катталар учун битилгандир... Шундай қилиб, мен болалар учун ёзиладиган асарларда тантанавор руҳ ҳукмрон бўлиши керак деган фикрдаман. Руҳи синиқ, гамгин тугалланган бирон асарни болалар ўртасида шуҳрат қозонганини эслай олмайман.

ТАНҚИДЧИ. Эҳтимол бу гапингиз эртакларга, эртаклар асосида яратилган асарларга ва қисман саргузашт, детективга хосdir, лекин буни умуман болалар адабиётининг ўзгармас, қатъий қонунияти деб талқин этиш тўғри бўлмас деб ўйлайман. Болалар адабиёти, ўзингиз яхши биласиз, нуқул эртаклардан иборат эмас. Мен болаларнинг руҳини кўтарадиган, уларга ибрат бўладиган асарлар билан баробар уларни ҳаётниг шафқатсиз ҳақиқати, мураккаблиги билан таништирадиган, нуқул болалар руҳига далда берадиган асарларгина эмас, айни пайтда уларда ачиниш, раҳм-шафқат, ҳамдардлик туйғусини тарбиялайдиган асарлар ҳам зарур деб ҳисоблайман. Худди шундай асарлар жаҳон болалар адабиётида бор, ҳозир ҳам яратиляпти. Майли, Ч. Айтматовнинг кейинги қиссаларини бир ёқса қўйиб турайлик-да, лоақал «Том тоганинг кулбаси»ни, «Ҳожимурод» ёки «Кавказ асири»ни, «Уйқу истаги» ёки «Ванька»ни, «Архип бобо»ни, машҳур «Чапаев» фильмини, А. Гайдарнинг қатор асарларини, мен нихоятда хуш кўрадиган Ю. Яковлев ҳикояларини эсга олайлик. Сиз маъқул кўрган тур асарлар билан бир қаторда бу хил асарларни ҳам, аминманки, болалар бутун вужуди билан қабул қиласди, бола тарбиясида улар жуда катта роль ўйнайди. Шахсан менинг ўзим «Кавказ асири» ҳикояси билан 5-синфда ўқиб юрган кезларим танишганман. Ўша илк бор танишувдаги ҳис-ҳаяжонларимни

ҳали-ҳали унупотолмайман. Атоқли болалар ёзувчиси С. Михалков бир мақоласида болаларда шафқат, ҳамдардлик түйгүсүни тарбиялаш ва бунда сүз санъатининг ахамияти хусусида кескин қилиб гапирган эди.

Саргузаштдаги, детективдаги тантанаворлик масаласига келсак, менимча, буни шу хил адабиёттинг қатъий қонунияти, талаби даражасига күтариб юбормаслик керак деб ҳисоблайман. Үтмишда ҳам, ҳозирда ҳам ўткир драматик, ҳатто фожиий ҳодисалар асосига қурилган, финалда ҳам шу ўткирлик, фожиий руҳни тұласақлаб қолған асарлар күп. Биздаги «Жүра қишлоқ», «Ез ёмғири», қисман «Мангулук» шу турдаги асарлардан. Сиз асардаги оптимистик руҳни фақат ижобий қаҳрамонларнинг тантанаси биланғина боғлаб құяғытрысиз. Ижобий қаҳрамоннинг ҳалокати, асарнинг фожиа билан яқунланишини ижобий күч, умуман идеалнинг мағлубияти, қора күчларнинг тантанаси деб тушунмаслик керак. Фожиа, ғамғиңлік билан тугаган асарларни «руҳи синиқлик»ка йүйөвериш, болаларни бу хил асарлардан «асрайвериш», менимча, тұғри әмас. Барча даврлардаги илгор адабиётларда бўлгани каби, социалистик реализм адабиётида ҳам ҳодисаларнинг кескинлигини, ҳаттоки трагик моҳиятини сусайтиргаган, бўяб-безамаган ҳолда ҳам асарга чуқур оптимистик руҳни сингдириб юбориш, ҳаётбахшилликка эриниш санъати мавжудки, бу хусусият болалар адабиёти, детектив ва саргузашт асарларига ҳам тұла дахлдордир.

ЕЗУВЧИ. Демак, бу борада ҳам баҳслашадиган гаплар кўп экан.

ТАНҚИДЧИ. О. Ҳусановнинг «Тогда ўсган бола», Л. Маҳмудовнинг «Қопга яширинганд одал» асарлари саргузашт, детектив доирасини көнгайтиришига интилиш кучайиб бораётганлигидан бир далолат. Уларда қатор ёрқин ҳаёт лавҳалари, эсда қоладиган персонажлар бор. Бироқ асарларнинг асосий замани бир оз омонатроқ. Шартли, фавқулодда ҳодисалар замирида муҳим

ҳаёт ҳақиқати, ёзувчининг жиддий, ҳаётний, ҳа, ҳаётий гапи ётмас экан, кутилган натижани бсрмайди... «Тоғда ўсган бола», «Қопга яширинган одам» воқеалари замирода бугунги куннинг руҳи уфириб турмайди, уларда «фавқулодда ҳодисалар» воситасида бугунги китобхонни ҳаяжонга соладиган зарур, ҳаётий гапларни айтишга интилиш етишмайди.

ЁЗУВЧИ. Тўғри, бадний асар болалар учун ёзиляп-тими, катталар учун ёзиляптими, бари бир, шу куннинг муҳим бир гапини айтиши шарт. Ўз давринга хизмат қилмаган асар кейинги даврларга ҳам хизмат қилмайди, дейдилар. Оқилжон Ҳусановнинг «Тоғда ўсган бола» қиссаси чинакам саргузашт асарлар учун зарур бўлган воқеаларга бой. Асарда чиройли тасвиirlанган, ўқувчи қалбини ҳаяжонлантирадиган лавҳалар, қаҳрамонларниң руҳий ҳолатлари аниқ тасвиirlанган манзаралар бор. Устозлардан бири, ёзувчи ҳар қанча фантазия қилиши мумкин-у, лекин ҳаёт мантиқини бузишга ҳақи йўқ, деган экан. «Тоғда ўсган бола»да ўқувчини ишонтирмайдиган деталлар кўпайиб кетган. Тоғда адаби қолган бола бутун вужуди билан қишлоққа, одамлар ёнига талпинади. Қишлоққа яқинлашгач, бухгалтер амакининг ёмон қилиги эсига тушиб яна тоққа — ваҳший ҳайвоилар орасига ўз ихтиёри билан қайтади. Сюжетни чўзиши учун наҳотки бундан ишонарлироқ десталь топилмаса! Болани бухгалтер хафа қилган бўлса, ахир унинг меҳрибон ота-онаси, ака-укалари, тенгқур ўртоқлари бор эди-ку!

ТАНҚИДЧИ. Модомики, жиноятни, жиноятчини фош этиши детективнинг бош хусусияти экан, фош этиш учун арзийдиган ҳодиса, шахсгина детектив асарга асос бўлиши керак. Бусиз мантиқий изчилликка, ҳаққонийликка эришини мумкин эмас. «Қопга яширинган одам»—даги жиноят ва жиноятчиларни эсланг. Мулладўст ва қопга яширинган одам — Муродалилар салкам ярим асрдан бери яширин жиноий ишлар билан банд. Улар-

нииг коллективлаштириш, маданий инқилоб йилларидаги кирдикорларига, гарчи улар кўплаб бадинй асарлар орқали бизга таниш ҳодисаларга ўхшаб кетса-да, бир оз ишониш мумкин, уларнинг кирдикорлари ўқувчими қисман бўлса-да ташвиш-ҳаяжонга солади; ўша жиноятчиларнинг бугунги кундаги кирдикорлари — яширинча қурилишга панд бериши, йўл бўйидаги теракларнинг остига керосин қуйиб қуритишга чоғланиши, ҳалол одамларга сунқасд ўюштириши ва ҳоказолар ўқувчига бир оз эриш туюлади, аниқроғи уларнинг жиноят тарзи, усули ўта примитив, безори одамларнинг ишига ўхшаб кетади. Бинобарин, бу хил жиноят ҳам, жиноятчилар ҳам бутун бошли романда тасвирлаб, фош этиш учун арзимайди. Шунинг учун бўлса керак «Фантомас»даги ўта фавқулодда ҳодисаларга ишониш мумкин-у, бу романдаги ҳаётийдек туолган воқеаларга ишониш қийин.

ЕЗУВЧИ. Шу муносабат билан бугунги ўзбек болалар адабиётида тез-тез учраб турадиган бир камчиликни айтиб ўтмоқчиман. Саргузашт, детектив асарлар етишмаётганлигини баҳона қилиб баъзи бир адилларимиз ўз асарларини хом-хатала эълон қилинмоқда. Бундай асарларда айтиладиган гап жуда майд, бачкана, фантазия йўқ ҳисоби. Табиийки, бу ҳол ёш китобхоннинг дидини ўтмаслаштириб, эстетик завқини пасайтиради. Санъат асари ўзининг нимаси биландир ўқувчини ҳайратга солиши керак, ёш китобхонда ҳайратланиш ҳиссини ҳам тарбиялаб боришимиз керак-ку ахир! Икки марта ўқишга арзимайдиган китоб бир марта ўқишга ҳам нолойиқдир, деган гап бор.

Биз ҳам бир марта ўқишга арзимайдиган асарларнинг олдини олишимиз керак.

ТАНҚИДЧИ. Саргузашт, детектив учун энг аввал жанрбоп қаҳрамон керакка ўхшайди. Менинг назаримда Ҳошимжон айни саргузашт, детектив қаҳрамони. Сиз узоқ вақт унинг таъсиридан кетолмай юрдингиз. Хаба-

рим бор, «Беш болали йигитча»да ҳам унинг таъсиридан чиқиб кетолмай хўп қийшалдингиз... Билмадим, саргузашт жанрига ишқи тушиб қолган адид хаёлига нуқул саргузаштбоп қаҳрамон келаверадими ёки ҳар қанақа одамлар ҳаётси саргузашти бўлиб туюлаверадими дейман. Октябрь инқилобининг 60 йиллигига бағишилаб ёзган «Конизар юлдузлари» асарингизда ҳаётда бор донгдор одамларни тақдирини ҳам саргузашт усулида ҳикоя қилгансиз. Ҳозир ёзиш пайида юрган бўлғувси йирик романингизга қаҳрамон қилиб машҳур тарихий шахс Намозни танлашингиз ҳам тасодифий бўлмаса керак. Намознинг ҳаёт йўли айни саргузашт асарнинг материалидир.

ЕЗУВЧИ. Биз кўпинча саргузашт ва детективбоп «фавқулодда» қаҳрамонларни ҳаёлан қидириб топаман деб юксакликка кўтарилиш ўрнига, «Қопга яширинганд одам», «Тоғда ўсган бола» асарларида бўлгани каби, ҳаёт «иқири-чиқирилари» орасида ўралашиб қоляпмиз. Реал ҳаётнинг ўзида шундай аломат фактлар, фавқулодда, ҳаттоқи афсонавий шахслар борки, улар ҳар қандай фантазияни йўлда қолдириб кетади. Мен «Конизар юлдузлари» устида ишлайдиганимда, Намозга онд тарихий ҳужжатлар билан танишганимда шунга амин бўлдим.

Намоз ҳақидаги саргузашт роман билан баробар шу бугунги замондошлиларимиз ҳақидаги бир асар ҳаёли билан бандман. Мен узоқ йиллар давомида фельетончи бўлиб ишладим. Иисоният вужудини қора қуртдек заҳарлаётган сарқитларга қарини қўлимдан келганича курашдим. Бир фельетончи блокнотига итво, ҳасад манмантиқ синигари иллатлардан нақ тўқсан тўққизгасини ёзиб, шунча нарса топганига хурсанд бўлиб, ҳамкасби га мақтанибди. Ҳамкасби: «Кел, дўстим, мен ҳам кўчириб олай», деса, фельетончи: «Иўқ, оғайин, қасланини ишлатиб ўзинг ўйлаб тониб ол!»— деб блокнотигин бер мабди. Шунда ҳамкасби: «Унда ўша иллатлар ёнига

юзинчисини — «қизганиш» деб ёзиб қўй», — деган экан... Шунга ўхшаш иллатлар ҳали тугаганича йўқ. Гўзал ҳаётимизга қора доғ бўлиб яшаб келяпти. Ҳозир ана шу иллатлар жамулжамига қарши ҳажвий оҳангда фантастик-саргузашт асар устида ишлайпман. Бу асарнинг номини «Сарқитлар қабристони» деб атайдманми, ёки «Сеҳргарлар жанги» деб атаган маъқулми, ҳозирча бир нарса дейлмайман. Лекин ўша сарқитлар ботқоғига ботган шахсларни шунаقاиги бир кулгили ва аянчли аҳволда тасвирлашни ният қилиб қўйдимки, улар ўзидаи-ўзи уялиб, қочгани жой тополмай қолсин.

Табиийки, мен учун жуда муҳим бўлиб туолаётган бу гоявий «юк»ни елкада кўтара оладиган ҳам ижобий, ҳам салбий саргузаштбоп қаҳрамонлар керак. Уларни қидириб олисларга боришининг ҳожати йўқ, улар нақдгина шу кунги қайнот ҳаётининг ўзида, Сиз билан бизнинг орамизда...

1977 иил, декабрь.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| Талант тарбияси | |
| (Шоир Эркин Ваҳидов билан сұхбат) | 5 |
| Ижодкорининг «дахлесиз» дүнёси | |
| (Езувчи Асқад Мұхтор билан сұхбат) | 23 |
| <u>Хәёттің тажрибадан бадий ҳақиқатта</u> | |
| (Езувчи Мирмұхсан билан сұхбат) | 41 |
| Мавзуу, қаҳрамон жозибаси | |
| (Езувчи Ҳамид Ғулом билан сұхбат) | 59 |
| Трилогиясининг түгилшіши | |
| (Езувчи Саид Аҳмад билан сұхбат) | 0 |
| Роман табиати: талаб ва имкониятлари | |
| (Езувчи Одил Еқубов билан сұхбат) | 103 |
| Ҳаракатлагы эстетика | |
| (Езувчи Пиримқұл Қодиров билан сұхбат) | 131 |
| Саргузашт ташивишлари | |
| (Езувчи Худойберди Тұхтабоеев билан сұхбат) | 154 |

На узбекском языке
ПАРМАТОВ УМАРАЛИ
ВОСПИТАНИЕ ТАЛАНТА

Литературные раздумья

Ташкент, издательство «Еш гвардия»—1980

Редактор Э. Миробидов

Рассом Г. Просвирин

Расмлар редактори Э. Валиев

Техн. редактор Г. Ахмаджонова

Корректор С. Сайдалимов

ИБ № 634

Босмахонага берилди 19. 02. 80 й. Боснига рухсат этилди 14. 05. 80 й. № 1 босма қотозга «Литературная» гарнитура юқори босма усулида босилди. Формати 70×108^{1/2}. Босма листи 5.5. Шартли босма листи 7.5. Нашр. листи 7.51. Тиражи 5000. Р-15324. Буюртма № 67. Шартнома № 166—75. Баҳоси 65 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб саводси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2- босмахонаси. Янгибўл, Самарқанд кӯчаси, 44,

Н 79

Норматов Умарали.

Талант тарбияси.— Т. «Ёш гвардия», 1980.—176 б.

Нарматов У. Воспитание таланта.

ББК 83.3Уз
8У'з

УЗБЕКИСТОН ЛҶСМ МАРКАЗИИ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ
ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ
НАШР ЭТДИ:

Эркин Самандаров
ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

Драматик достон

Олимжон Холдор

ҚУМУШ КОСА

Достон ва шеърлар

Тўлқин

БИРИНЧИ МУҲАББАТ БЕКАТИ

Ҳикоялар

Самар Нур

БОДОМ ГУЛИ

Ҳикоялар

Үктам Ҳакимали

ТОНГ

Ҳикоялар

Г. Ломидзе

БУЮК МУШТАРАКЛИК ТУПҒУСИ